

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

МАҲБУБА ҚОДИРОВА

НОДИРА

ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ • 1965

Монографияда XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган шоира Нодиранинг ҳаёт йули, ижодий фаолияти ва поэтик маҳоратига оид масалалар ёритилган. Китобга шоиранинг биографиясига доир материаллар ҳам илова қилинади.

Ушбу асар адабиёт тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар, адабиёт ўқитувчилари, филология факультетлари студентлари ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Филология фанлари кандидати

Х. РАСУЛЕВ

таҳрири остида

К 53

Қодирова Маҳбуба.

Нодира. Ҳаёти ва ижоди. (Масъул муҳарр.

Х. Расулев). Т., «Фан», 1964.

101 бет. (ЎзССР ФА А. С. Пушкин номи-

даги Тил ва адабиёт ин-ти). Тираж 1000.

Қадырова Махбуба. Надыра. Жизнь и творчество.

8Уз

Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.
Дунё чаманини булбулисен,
Гул шоҳида ошён этиб кет.
Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет.

Нодира

Ўзбек адабиёти тарихи халқлар даҳоси, замонлар, асрлар садосини акс эттирган ранг-баранг саҳифаларга бой. Унда Лутфий ва Навоий, Фурқат ва Муқимий, Нодира ва Увайсий каби ижодкорларнинг мўътабар номлари олтин ҳарфлар билан ёзилган. Бу оташин қалб эгаларининг ҳар бир жозибали мисраси китобхон юрагини тўлқинлантиради.

Келинг, китобхон дўстлар, Сиз билан бирга, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдинги мунгли фарёдлар, оҳу фиғонлар кўкларга ўрлаган замонда яшаган ажойиб лирик шоира Нодиранинг ҳаёти ва ижодини чуқурроқ кўздан кечирайлик.

XVIII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган ўзбек адабиёти давр ҳаёти билан ҳамоҳанг илғор традицияларни давом эттириб, демократик тенденцияни кучайтириб юборди. Бу давр адабиётининг Турди, Махмур, Гулханий, Мунис, Машраб, Огаҳий каби намоёндалари ўз асарларида жамият ҳаётидаги энг илғор ғояларни куйладилар, социал адолатсизлик, жаҳолатга қарши кескин кураш олиб бордилар.

Ана шу давр адабиётининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Нодира ҳам ўз асарларида «фиғон таъсирсиз, ёр номеҳрибон, фалак бевафо» бўлган зулмкор замондан зорланди, жаҳолат, разолат ва нодонликка қарши танқидий фикрларни баён қилди, инсон фазилати ва қадр қимматини, дўстликни, ватанпарварликни улуғлади. Эзилган маъсума хотин-қизларнинг юрак туйғулари, умид-орзуларини ғоят юксак маҳорат ва жўшқинлик билан куйлаб, илғор фикрларни тараннум этди.

Адабиёт тарихида Нодира — Комила — Макнуна тахаллуслари билан машҳур бўлган, ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърлар ёзиб, зуллисонайн — икки тил эгаси бўлган шоирлар традициясини давом эттирган Нодира ўз даври

« »

Нодиранинг биографияси ҳақида маълумот берувчи тарихий асарлардан бири шоира қўлида тарбияланган, саройда ўсган тарихчи Ҳакимхон тўранинг «Мунтахабут таворих» асаридир. Бу асарнинг 1843 йилда кўчирилган тожикча нусхаси ва кейинги даврларда ундан қисқартирилиб таржима қилинган ўзбекча нусхаларининг Қўқон тарихига оид бобларида шоиранинг исми, ёшлиги, ҳаёти, давлат ишларидаги фаолияти ва фожиаи ўлдирилиши тўғрисида қисқа, лекин муҳим маълумотлар бор.

Нодира замондошларидан Нодирнинг шоирага бағишланган «Ҳафт гулшан» асаридаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Асардаги ҳар бир ҳикоянинг охирида автор Моҳлар ойим — Нодирани тилга олади ва унинг инсоний фазилатлари, ақл-идроки, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида, гарчи бирмунча муболағали бўлса-да, муҳим фикрларни баён қилиб ўтади.

Нодиранинг таржимаи ҳолига оид айрим деталларни унинг замондоши Увайсийнинг «Воқеоти Муҳаммадалихон» номли шеърӣ ҳикоясида ҳам учратиш мумкин. Бу асарда Нодиранинг таҳаллуси Макнуна ҳам бўлганлиги баён этилади.

Мутрибнинг XIX аср иккинчи ярмида ёзилган «Шоҳномаи девона Мутриб» асари Нодирага бағишланган бўлиб, чуқур муҳаббат билан яратилган тарихий дostonлардан биридир. Dostonда Нодира аввало шоира сифатида тасвирланади. Унинг зolim, қонхўр амир Насрулло томонидан ваҳшийларча ўлдирилиши ҳам асарда кенг ўрин олган.

Булардан ташқари, XIX аср охири ва XX аср бошларида ёзилган қуйидаги қўлёзма асарлар: «Ғаройиби сипоҳи Хўқанд» (автори номаълум), Муҳаммад Амин Рўзи бин Атторнинг «Тухфатут таворих», Мирза Олим Мушрифнинг «Ансобус салотин ва таворихи хавоқин», Шом Али Қундузийнинг «Таворихи манзума», Исҳоқхон тўранинг «Тарихи Фарғона», Абу Убайдулло Муҳаммаднинг «Хулосатул аҳвол», Жунайд Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жаҳоннамо», Фозилбек қози Муҳаммад Отабек ўғлининг «Мукамал тарихи Фарғона», Азийнинг «Тарихи Азий», «Анжуман ат таворих», Пўлатжон Қаюмовнинг «Қўқон тарихи ва адабиёти», Ниёзмухаммаднинг «Тарихи Шаҳрухий», «Тарихи аҳволи Қозон ва Булғор», Имом Қурбон Алининг «Таворихи хамсаи Шарқий», мулла Олим Муҳаммаднинг «Туркистон тарихи» ва «Туркистон вилояти газети»нинг 1910 йилги 13-сонида босилган «История Коканда» каби Қўқон хонлигининг сиёсий, иқтисодий ва адабий ҳаётини акс эттирувчи манбаларда ҳам Нодиранинг таржимаи ҳолига оид айрим маълумотларни учратиш

мумкин. Юқоридаги асарлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида сақланмоқда.

Нодира ижоди Совет ҳокимияти давридагина жиддий ўрганилди ва ҳақли равишда классик адабиётнинг муҳим ютуқлари қаторида баҳоланди.

Ёзувчи, шоирлардан Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, адабиётшунос Олим Шарафиддинов, профессор Воҳид Зоҳидов, филология фанлари доктори Азиз Қаюмовларнинг қатор ишларида Нодира ижодини характерловчи кўп қимматли фикрлар баён этилган.

Лутфулла Олим, Тўхтасин Жалолов, Ўткир Рашид, Музайяна Алавия ва бошқаларнинг Нодира ҳаёти ва ижоди тўғрисида ёзган мақолалари ҳам мароқлидир.

Нодира ҳаёти ва ижоди олий ва ўрта мактаб адабиёт дарсликларида ҳам ёритилган ва ғазаларидан айрим намуналар келтирилган.

3. C ✓ Нодирадан кўпгина адабий мерос қолган бўлиб, унинг фанга маълум бўлган ўзбекча ғазаллари ўрганилган эди, холос. Шоира ижодининг катта қисмини ташкил этган форс-тожик тилидаги шеърлари илм аҳллариининг диққат-эътиборидан четда қолиб келди. Нодира ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус илмий асарлар яратилганича йўқ эди. Нодиранинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги бу асар шу соҳадаги камқўстни тўлдириш йўлида қилинган дастлабки ишлардан биридир.

Шоиранинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги «Девон»ларининг энг нодир ва мукаммал нусхаларини илмий тадқиқот ишимизга асос қилиб олдик. Шунингдек, юқорида айтилган қўлғезма, литографияда босилган манбаларни танқидий ўрганиб, ундаги фактик материаллардан фойдаландик. Совет адабиётшунослигида шу тема бўйича қилинган ишлардан баҳраманд бўлдик.

* *
*

Нодира мураккаб ижтимоий-тарихий шароитда — феодал зулми, жаҳолат, деспотизм, фанатизм авжга чиққан бир замонда ижод этди.

3. C ✓ XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида Урта Осиё территориясида Хива, Бухоро ва Қўқон каби уч феодал давлати мавжуд эди. Лекин бу хонликлар ўртасида ўз территориясини мустаҳкамлаш, кенгайтириш, сиёсий-иқтисодий устунликни қўлга олиш учун доимо кескин кураш кетар эди.

Улар баъзан ташқи душманлар, босқинчилар ҳужумидан сақланиш учун бу уч хонликни бирлаштирмақчи ҳам бўлардилар. Лекин қайси хонлик ҳокимлик қилади ва қайси хон ҳоким бўлиб қолади — мана шу масала юзасидан кескин мунозаралар бўлиб турар эди. Масалан, Қурбон Алининг «Таворихи хамсаи Шарқий» асарида, Бухоро амири Ҳайдарнинг Қўқон хони Умархонга элчи юборгани ва унга Умархоннинг берган қуйидаги жавоби характерлидир:

Сезад ки мири Бухоро мўтеъи ман гардад,
Умар ба тахти халофат муқаддам аз Ҳайдар.

Мазмуни;

Бухоро амири менга итоат қилса арзийди, чунки ҳазрат Умар халифаликда ҳазрат Ҳайдар (Али)дан олдиндир.

Бу мажлисда ҳозир бўлган Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг элчиси дарҳол бу шеърни ўқибди:

Муҳаммад Раҳим олдида топса жо,
Умар тобеъ ўлмасми, Ҳайдар мўтеъ¹.

Бу даврда Ўрта Осиё билан Россия муносабатлари ва савдо алоқалари тобора ривожланиб бормоқда эди. Хонликлардаги савдогарлар Россиянинг савдо марказлари бўлган Оренбург, Омск, Иркутск ва Астрахань каби шаҳарларига борар, у ердаги тартиб-қоидалар билан танишар эдилар. Савдо ишларини ривожлантириш учун рус тилини, маданиятини ўрганишга интилар эдилар.

Бундай интилиш — рус маданияти ва рус тилини ўрганиш, тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганигача, яъни XIX асрнинг 30-йилларидаёқ бошланганидан далолат беради.

XIX асрнинг 30 йилларда ўзбек зиёлилари орасидан етишиб чиққан тарихчи Ҳақимхон тўра рус маданияти билан танишган, рус тилини ўрганган ва ўз халқини рус воқелиги, ҳаёти ва шаҳарлари билан таништиришга интилган илк олимлардан бири эди. У «Мунтахабут таворих» асарида ўзининг саёҳатлари ва саргузаштлари ҳақида ёзган саҳифаларида Россия шаҳарларининг Ўрта Осиё шаҳарларига нисбатан иқтисодий ва маданий жиҳатдан устунлиги ва уларда савдо-сотик ишлари яхши йўлга қўйилганлигини ҳикоя қилади.

Россия билан савдо алоқаларининг ривожланиши мамлакат ҳаётида маълум даражада иқтисодий барқарорликни келтириб чиқарди. «Ўрта Осиё феодали тузум рамкаси ичида қолган бўлишига қарамай, у хўжалик ва сиёсий томондан анча ўсди. Бу ҳол феодали ижтимоий-иқтисодий формация

¹ «Таворихи хамсаи шарқий», Қозон, 1910, 14-бет.

ичида ижтимоий муносабатларнинг янада ривожланиши ҳақида гувоҳлик берар эди»².

Шу туфайли маданий ҳаётда ҳам бир оз жонланиш сезилди, жумладан, ёзма адабиёт ривож топди.

«XVIII аср охири XIX аср бошида, — деб ёзади проф. И. М. Мўминов, — Қўқонда, бир оз вақтдан сўнг Бухоро ва Хива адабиётида жонланиш юз берди, талантли шоир, тарихчилар поэзия ҳамда тарих соҳаларида қимматли асарлар ярата бошладилар»³.

Ўзбек адабиётининг ана шундай истеъдодли намояндаларидан бири лирик шоира Нодира эди.



² «Ўзбекистон ССР тарихи», I-том, иккинчи китоб, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1957, 9-бет.

³ И. Мўминов, Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 25-бет.

ДАВР НОДИРАСИ

Шоира Нодиранинг асли исми Моҳлар ойм⁴ бўлиб, у тахминан 1791—92 йилларда⁵ Андижон ҳокими Раҳмонқулибий оиласида дунёга келди. Нодиранинг онаси Ойшабегим ўқи-мишли аёллардан бўлган.

Нодиранинг болалик йиллари ҳақида бизга тўлиқ маълумотлар етиб келмаган. Лекин, қўлёзма манбаларда айтилишича, Нодира ёшлигиданоқ ўткир зеҳни, нозик табиати, хушфезллиги ва ҳусн-малоҳати билан танилган. Нодира отин ойи қўлида ўқиган, холос. У саводини чиқариш билан мутолаага берилади. Ҳофиз, Фузулий, Бедил девонлари Нодира учун

⁴ Нодиранинг ҳаёти ва ижодий йўлини ўрганишга бағишланган баъзи манбаларда, жумладан, Лутфулла Олимийнинг 1923 йили чиққан «Билим ўчоғи» журналининг 2—3-сонида босилган «Нодира» сарлавҳали мақола-сида. Ўткир Рашиднинг 1940 йили чиққан «Ерқин ҳаёт» журналининг 4-сонидаги «Нодира» сарлавҳали мақоласида, 1945 йили нашр этилган «Ўзбек адабиёти хрестоматияси» (II том)да, 1958 йил А. Қаюмов томонидан тўзилган «Нодира ғазаллари»да унинг исми Комила деб кўрсатилган. Масалан: Ҳакимхон тўранинг 1843 йилда ёзилган «Мунтахабут таворих» асарининг форс-тожикча ва ўзбекча нусхаларида, 1871 йилда ёзилган «Ансобус салотин ва таворихи хавоқин», «Шоҳномаи девона Мутриб» каби асарларда шоиранинг номи Моҳлар ойм эканлиги аниқ кўрсатилади. Булардан ташқари, Нодира ўзининг ўзбекча девонига ёзган сўз бошисида ҳам «Комила» лақаби эканлигини уқтиради. Унинг Комила тахаллуси билан ёзган шеърлари бизга маълум. Бундай фактлар «Комила» шоиранинг шеърини тахаллусларидан бири эканини кўрсатади.

⁵ Бизга маълум бўлган манбаларда Нодиранинг туғилган йили, неча ёшда вафот этганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Шоиранинг замондоши Ҳакимхон тўра «Мунтахабут таворих» асарида Нодиранинг бўлажак рафиқи Умархон 1806—07 йилларда Тошкентда бўлган исёни бостириб, Қўқонга қайтгач, акаси Олимхон унга Марғилон ҳокимлигини берганлиги⁷ (240—253-бетлар) ва шундан сўнггина 20 яшар Умархоннинг (1787 йилда туғилган) Моҳлар оймга уйланганлиги ҳақида маълумот беради. Бу воқеа 1807 йилга тўғри келади. Агар қадимги вақтларда қизларнинг 15—16 ёшларда турмушга берилишини назарда тутсак, Нодирани 1791—92 йилларда туғилган деб тахмин қилиш мумкин.

ҳам дастлабки мактаб китоби, кейинчалик мустақил ўқиш ва ўрганиш манбалари бўлган. Нодиранинг насх хатини машқ қилгани ҳақидаги қуйидаги сатрлари унинг хушхат бўлганлигидан далолат беради.

Ёзибман кўкда қуёш лавҳина ашъоримни,
Насхи машқи қалами Моню Бехзод қилай⁶.

Шоира ажойиб истеъдоди туфайли турли билимларни пухта эгаллаган. Унинг тожик тилида ёзилган ғазалларидан бирида шундай фахрия бор:

Дар хаёли дили Макнуна саводи азал аст,
Фаҳм лояфҳаму ҳис беҳабару нотиқа лол (100).

Мазмуни:

Макнунанинг дилида азалдан шундай бир уқув борки,
уни фаҳмлашнинг ҳам, сезишнинг ҳам, тилга олишнинг
ҳам имкони йўқдир.

Шу тариқа, Нодирада ёш чоғлариданоқ шеърингга майл ва рағбат кучли эди. Ёш шоира ҳаёт ҳамда адабиёт (китоб) дан файз ва завқ олган сайин тобора камолатга эриша бошлайди. У атрофидаги муҳитга бўлган муносабатини ўз асарларида намён эта боради.

Унинг ёшлик, навқиронлик интилишлари илк тожикча ғазалларида ҳам ўз ифодасини топган:

Қамари захми ў ниҳон бастам,
Домане бар миёни чон бастам.

Ҳусн бегона, ишқ девона,
Чи абас дил ба имтиҳон бастам...

Дил на Макнуна сайди кокулу бас,
Тори он зулф ҳам ба чон бастам (110).

Мазмуни:

Унинг етқиқан яраси ўровини яширин боғладим, этакни
жон белига боғладим. Ҳусн бегона, ишқ девона, бекорга
мен синамоқ учун дил боғладим... Макнунанинг дили
фақат кокилигагина ов бўлган эмас, унинг жипгалак
зулфи толаларини жонга боғладим.

⁶ Нодиранинг ўзбекча девони фотокопияси, ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Адабиёт музейи, инв. № 921, 279-бет. Бундан кейинги мисолларимизда Нодиранинг форс-тожик тилидаги ғазалларини 7766 рақамли Макнуна девонидан, ўзбек тилидаги ғазалларини эса 4182 ва 921 рақамли ўзбекча девонларидан келтириб, саҳифасини қавс ичида кўрсатамиз. 4182 қўлёзма саҳифаси кўрсатилган сонлар тагига 1, 921 қўлёзма фотокопияси саҳифаларига 2 рақами қўйилади.

Шоиранинг форс-тожик тилидаги шеърларидан келтирилган мисоллар тожик алфавитида берилди.

Бу содда, самимий сўзлар Нодиранинг илк ижоди, бокира муҳаббати, ҳис ва ҳаяжонларидан дарак беради.

Шоира ўз даврида прогрессив роль ўйнаган дунёвий муҳаббатни, ҳаётдан олган таассуротларини, ошиқ-маъшуқларнинг алам ва изтиробларини бадий формада ифодалашга интилган. Жумладан, «Чу шамъеки дар базм баст ошъён» деб бошланган тожикча шеърида Нодира севишганларнинг бир-бирлари билан учрашуви нақадар мушкул эканлигидан, ёр васлига эришиш қийинлигидан фарёд чекади. Лекин «ер қаттиқ, осмон баланд» бўлса ҳам, чин севги йўлидан қайтмаслигини, келажакка умид билан қараганини ёшлик ҳарорати билан куйлайди:

Чу шамъе ки дар базм баст ошъён,
Ҳама шоду мо сўхта дар миён.
Фиғон беасар, умр нопойдор,
Фалак бевафо, ёр номехрибон.
Миёни ману туст сад ақаба бим,
Дар ин раҳ чи созам мани нотавон?
Ба ишқат асирам, чи боло, чи паст.
Замин сахт бошад, баланд осмон (122).

Мазмуни:

Базмда ҳама шод, шамдек ўртаниб,
Ўртада бир ўзим куйиб ёнаман.
Фиғон бетаъсир, умр бебақо,
Ёр номехрибон, фалак бевафо,
Сен билан орамизда юз хавфу хатар,
Бу йўлда бормикин тадбирдан асар?
Мафтун бўлганман, хоҳ баланд, хоҳ паст,
Ер қаттиқ бўлса-ю, осмон ҳам баланд.

Бу оҳангдор ва жўшқин мисраларда шоиранинг Шарқ классик адабиёти ҳаётбахш чашмаларидан илҳомланганлиги ва халқ бадий поэтик ижодиётидан баҳраманд бўлганлиги ва шеър мазмунига ҳаёт романтикасини сингдирганлиги кўриниб туради.

Ҳаётни севган шоиранинг қалби севгининг илҳомбахш булоқларидан файз олди. У ғазалларида ишқ-муҳаббат ижод ва илҳом манбаи эканини зўр шавқ билан тараннум этади. Нодира лирикасида дунёвий руҳ куйланар экан, фикрнинг изчиллиги, сиқиклиги, мантиқий боғланганлиги ва мисраларнинг соддалиги шоиранинг бадий маҳорат қозона билишга интилганини кўрсатади.

Нодира илк ижодидаги хусусият — ҳаётийликни, инсоннинг бой маънавий дунёсини реал акс эттиришга, ўз замонасидаги ижтимоий ҳодисаларни тасвирлашга интилишдадир. Шоира инсоннинг олижаноб фазилатларини улуғлаб, уни таҳқирловчи дин аҳллариининг феъл-атворини қоралайди, энг

яхши инсоний фазилатларини диний хурофотларга қарама-қарши қўяди. Маълумки, ана шу диний таассублар Нодиранинг ақллиги ва санъаткорлик истеъдоди билан шуҳрат қозона бошлаган эди.

Шундай қилиб, Моҳлар ойим ёшлигиданоқ ўзининг ақллиги ва санъаткорлик истеъдоди билан шуҳрат қозона бошлаган эди.

Бу даврда Қўқон хонлигида ўзининг золимлиги, шафқатсизлиги ва босқинчилиги билан ном чиқарган Олимхон ҳокимлик қилар эди. Ҳокимият унинг қаттиққўллиги туфайли, бирмунча марказлашган характерга эга бўлса-да, ҳақиқатда эса, инқирозга юз тутаётган феодал монархияси эди. Феодаллар, хонликлар орасидаги низолар, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга лашкар тортиш, экинларни пайхон қилиш, қишлоқларни харобазорга айлантириш — мамлакат экономикасига салбий таъсир этмай қолмас эди.

Бундан ташқари, хонликларда итоатсиз айрим феодаллар ўзларини хон, бек деб эълон қилиш учун исён кўтариб турар эдилар. 1806—07 йилларда Тошкент ҳокими Султонхўжа ўзини мустақил деб эълон қилади ва исён кўтаради. Олимхон бу исёнчи «шаҳзода»га қарши 19 ёшли укаси Умарбек бошчилигида қўшин юборади. Тарихчи Ҳакимхон тўранинг ёзишича, 1806—07 йилда бўлган бу тўқнашувда Султонхўжа аскарлари мағлубиятга учрайди, ўзи асир тушади. Умарбек Тошкентга Султонхўжанинг укаси Ҳомидхўжани ҳоким қилиб тайинлайди ва ўзи Қўқонга қайтади. Укасининг бу хизматидан миннатдор бўлган Олимхон унга Марғилон ҳокимлигини беради.

Умарбекнинг онаси Минг ойим эса шаҳзодани уйлантириш тараддудига тушади. Лекин Умарбек ўз қариндоши бўлмиш гўзал Моҳларни севарди. Бу воқеа Нодиранинг замондоши, сарой шоири қози Абдунаби Хотифнинг хотираномасида қуйидагича ҳикоя қилинади:

«... Оталиқ неку ном Раҳмонқулибек олий мақомки, ўз қариндоши эди ва Фарғона қаламравинда туғдор ва маснаднишини ҳукумат салтанат эди, ҳарамни исматида бир мастураи ҳумоюн талъат ва бир маҳжубаи зебо ҳайъат қизи бор эдиким, хирад ва фатонат, ҳусн ва латофат қаламравинда ул ягона манассаи жаҳон ичра жилва қилмагон эрди. Рашки рухсори зебосидин чаман гуллари шармисор ва лаъли руҳафзосидин Яман ақиқи безътибор, қомати хиромонининг олдида сарв бирла шамшод сарпаст ва чашми сурмагуни томошасида нарғис кўзи ҳайратпараст эди.

Н а з м:

Бир нодиран замони иффат,
Бир гунчан бўстони исмат.

Иқлими жамол комёби,
Исмағ фалакини офтоби.

Дониш била фаҳмга ягона,
Яинки ягонаи замона.

Гулшан эди мунфаил кўзидин,
Ой бирла қуёш хижил юзидин.

Эрди анга шаҳзода ошиқ,
Узроға нечукки зор Вомиқ.

Ед айлаб ўшал нингори дилкаш,
Ақлу хиради эди мушавваш.

Ҳар лаҳза ҳаёл этиб карашма,
Эрди кўзи ёши чашма-чашма.

Ул нодиран айём ишқида бул шаҳзода танимаюб кечалар хилват тутиб, то субҳгача шамъ янглиғ куйар эди»⁷.

Умарбекнинг онаси Минг ойим бу воқеадан хабардор бўлиб, сарой аҳлидан маслаҳат сўрайди. Улар совчи юборишчи таклиф қиладилар. Лекин Раҳмонқулибий қизини Умарбекка беришга розилик бермайди. Бу хабардан ғазабланган Олимхон сарой амалдорларининг маслаҳатига кўра шайхулислом Маъсумхон тўра билан бир неча қарияларни яна совчиликка юборди. Бу воқеани Ҳакимхон тўра шундай баён қилади:

«Ул вақтда Андижон ҳукумати Раҳмонқулибий амир Олимхоннинг тоғаси эрди, анга тааллуқ эрди. Раҳмонқулибийнинг пардаи исматида бир қизи бор эрди, исми Моҳлар ойим эрди. Амир Олимхон хоҳладиким, ул мухаддарани амир Умархоннинг ақди никоҳига киргузса. Маъсумхон тўрани бениҳоят ҳадя бирла юбордиким, Умархонни Андижонга олиб бориб, ақди никоҳ қилиб, Марғилонга келтуруб қўйиб келгил. деб рухсат берди. Маъсумхон тўра Марғилонга келиб, шаҳзода Умархонни домодлиққа таклиф қилиб, Андижонга олиб, яхши соатда ул авжи салтанатни (Умархонни — М. Қ.) ноҳиди буржга (Нодирага — М. Қ.) ақд боғладилар»⁸.

Хотифнинг ёзишича, тўй маросими жуда катта бўлган. Шубҳасиз, ҳукмрон синфга мансуб кишиларнинг ҳар бир катта маросимлари халқнинг мол-мулкини талаш ҳисобига бўлар эди.

⁷ Нодиранинг ўзбекча девони фотокопияси, инв. № 921, 65—77-бетлар. Шунингдек, 1963 йили нашр этилган Увайсий девонига Ҳошимжон Раззоқов ва Ғанижон Абдуллаевлар томонидан ёзилган сўз бошида ҳам «Еш Умарбек Андижон ўрдасида юрган йилларида ўз оталиги Раҳмонқулининг Ойшахонимдан туғилган жажжи, гўзал қизи Моҳлар ойим (Нодира) билан бирга ўсади ва уни севиб қолади», — дейилади (6-бет).

⁸ «Мунтахабут таворих», 161-а, б варақлар.

Хотиф хотираномасида тўй маросими дабдаба, катта тантана билан ўтказилганлиги, қалин учун қимматбаҳо матолар, қул ва канизлар, от ва анжомлар берилганлигини баён этади. Қўқондан Андижонга ҳар ер, ҳар ерда тўхтаб 7 кун борилганлиги ва уларни Андижон беклари, амалдорлари дабдаба билан кутиб олганлиги тасвирланади.

Тўй маросими бир ойгача давом этади. Атрофдан, ҳатто, Амударё бўйларидан меҳмонлар келади. Шоир Хотиф яна шундай ҳикоя қилади:

Бўлди бу салои ҳашмати зўр,
То кишвари Руму Ҳинд машҳур.
Дарё Амунча бароё
Азм айлади қилғоли томоша...
Ўз қасрида шаҳзода воло,
Изоҳора вериб шукуҳи Доро.
Ўз жойида ул маҳи замона
Ул кишвари ҳусн аро яғона.
Фош ўлди никоҳ таври ул тун.
Ендурди чароғи бахт гардун.
Ой бирла қуёш келиб кирона,
Ўйрулди муред ила замона⁹.

Баъзи адабиётшунослар Нодирага аввало амир Олимхон уйланмоқчи эди, Олимхон уни ўз ҳарамига зўрлик билан каниз қилиб келтирган ва Умарбекнинг акасига ёлвориб қилган илтижолари натижасидагина Умархон Нодирани ҳарамдан қайтариб ўзига никоҳлаб олган, деган мулоҳазаларни айтгандилар¹⁰. Хотиф ва Ҳакимхон берган маълумотлар бундай фикрларнинг нотўғри эканлигини исботлайдиган далилдир.

Тўй маросимлари ўтгандан кейин Нодира Марғилонга келтирилади. Бу ерда у яна мутолаага берилади, шеър машқ қилади. Нодира халқ орасида танилган марғилонлик шоира Жаҳон отин Увайсий билан ҳам яқин муносабатда бўлади. Ҳатто, Нодиранинг илтимоси билан Увайсий ўрдада ёш болалар ва канизакларни ўқитиш учун муаллима, созанда сифатида таклиф этилади¹¹. Ҳар икки шоира дўстона муносабатда бўлиб, кейинчалик ҳам бирга ижодий ҳамкорлик қилдилар.

Қўқон хони Олимхон сиёсатидан норози бўлган феодал гуруҳлар уни ҳокимиятдан четлатиб, ўрнига Умарбекни хон қилиб кўтариш ниятида эдилар. 1811—12 йилларда Олимхон Тошкент сафарига юрганда, бир гуруҳ аъёнлар ва саркардалар Умарбекни Қўқонга олиб келиб, тахтга ўтқзади. Олимхон эса Умархон соқчилари томонидан ўлдирилади.

Умархон тахтни эгаллагандан сўнг Нодирани ўғли Муҳаммадалихон билан Қўқонга келтирадилар. Ёш шоира шу

⁹ Нодиранинг ўзбекча девони фотокопияси, 84—85-бетлар.

¹⁰ Увайсий, Девон, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963, 7-бет.

¹¹ Ўша асар, 7—8-бетлар.

йиллардан бошлаб адабий ҳаёт билан мустаҳкам боғланади ва ижод билан жиддий шуғулланади. Бу ерда Нодиранинг шеърый таланти тобора сайқал топар ва жилоланар эди. Кўп ўтмай, у асл ва жозибадор шеърлар автори сифатида танила бошлайди.

Нодиранинг турмуш йўлдоши амир Умархон ҳам шоир бўлиб, у Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзар эди. Умархон атрофига бир қанча шоирларни тўплаб адабий гуруҳ яратган.

Умархон, бир томондан, қурол кучи билан халқ оммасини зулм ва истибдод остида сақласа, иккинчи томондан, ўзи ва бошқа шоирлар ижод этган асарлар ёрдами билан ўз мавқени мустаҳкамлашга уринар эди. Аммо хон атрофидаги кўпчилик шоирларнинг яратган асарлари қашшоқ бўлиб, дарду аламларни куйлаш орқали умидсизлик кайфиятларини ёяр эдилар. Уларда хон кўкка кўтариб мақталарди. «Умархон даврида сўз аҳллари ва назм арбоблари,— деб ёзади Хотиф,— ҳаддан ташқари қасида ва мадҳиялар ёзиб, олий останага арз қилиб турар эдилар»¹². Бу шоирлар ўз истеъдодлари, турмушни тушуниши, англаши, ҳаётга қараши жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилар эдилар. «Улар ўзларининг феодал сарой идеологияси ва интилишларидан қатъий назар,— деб ёзади профессор В. Зоҳидов,— объектив суратда ўзбек адабиётида айрим масалаларда из қолдирдилар. Ўзбек адабий тили тарихида, бу тилни ривожлантиришда уларнинг иштироки бор»¹³.

Шу даврдаги ҳукмрон мавқени эгаллаган феодал-клерикал адабиётга қарама-қарши бўлган, меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволини реал тасвирлашга интилган, шеърятда ҳаётий темаларни ифодалаб, адолатсизлик ва ноҳақликка, зулм ва истибдодга қарши норозилик билдирган, халқнинг орзу-умидларини куйлаган демократик йўналишдаги адабиёт ҳам мавжуд эди.

Нодира, Увайсий, Маҳзуналар ҳам шу илғор йўналишдаги адабиётга яқин турган ҳолда ижод этдилар. Булар орасида Нодира алоҳида ўрин тутади. Шоиранинг ижодида энг яхши инсоний фазилатлар кўзга ташланиб туради. Унда фантазия, фикр, сезги, ҳис ғоятда кучлидир. Шоира инсон психологиясини ифодалашда ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлади. Тўғри, шоира илк ижоди даврида Амирий билан ижодий ҳамкорлик қилган. Бу ҳақда у ўзбекча девонининг муқаддимасида шундай ёзган эди: «... То андак фурсатда шеър

¹² Нодиранинг ўзбекча девони фотокопияси, 77-бет.

¹³ В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1961, 173-бст.

қондаларига мувонасат пайдо қилдим, назм фунунига моҳир, мазмун сипеҳрида соҳир бўлдум... ул ҳазрат баъзи тоза мазмунлардин бир мисра билла савол тариқасида сўрар эрдилар, филфавр охири мисра билла жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим. Бири будирки, бир кун савол қилдиларким, мисра:

— Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор?

Жавоб айдимки, мисра:

— Ким булар урён, аларнинг жуббау достори бор» (31)

Шоира бу мушоарада, ҳатто, ёшлигиданоқ жамиятдаги тенгсизликни, камбағал ва бойлар орасидаги фарқни кўра олгани ва камбағалларга хайрихоҳ эканини ифода этади.

Нодира Амирий ва бошқа шоирлар билан қилган мушоарасида ижодий муваффақиятларга эриша борди. У мазмунан пухта ғазаллар яратиб, шеърятда санъаткор даражасига кўтарила олди. Чунончи, халқ орасида машҳур бўлган бир мушоарада айтилган байтларни эслатиб ўтамиз:

Баҳор кунларидан бирида, эрта саҳар шоир Амирий боғни сайр этар экан, шабнамда эндигина очилиб келаётган қизил гуллар, раъноларнинг гўзал манзараси ва хушбўй ҳиди уни мафтун этади. Шоир тасавурида гўё бу қизил гуллар ўзаро бир-бирлари билан гўзалликни даъво қилмоқда эдилар. У гўзалликда лоф ураётган ана шу гуллардан бир нечасини узиб олиб, гулдаста ясайди ва уни айвон(кўшк) лабида ўтирган Нодирага келтириб беради. Шоира гулларни олар экан, Амирийга киноя билан шу байтни ўқийди:

Барои зеби дастат, шоҳи ман, гулдаста овардӣ,
Дили булбул шикасти шоҳи гул бишкаста овардӣ.

Мазмуни:

Шоҳим, қўлингнинг зийнати учун, булбулнинг дилига озор бериб, гул шохини синдириб, гулдаста келтирдим

Бу мисолларда шоиранинг ўткир зеҳни, нозик дид эгаси эканлиги ифодаланлади.

Бу даврларда шоира ўз ижодини самимий муҳаббат, чин вафо, ёрга садоқат, ҳаёт қувончи, висол айёми, севинч муждаларига бағишлади. Шоира ўзининг ички ҳиссиётини, ҳаяжонини, севгисини ифодаловчи шўх ва қувноқ ғазалларида ҳаёт севинчидан баҳрамандлигини изҳор этди.

Шу билан бирга, шоира саройда яшар экан, эл-юрт, мамлакат ва халқ аҳволидан хабардор бўлиб турди. У ўзининг ҳаққонийлиги билан замона ҳукмдорларидан хайру саховат, инсоф ва шафқат талаб қилди. Шу жиҳатдан Нодира шеърларида хонга ҳам ваъз ва насиҳат билан мурожаат қилишга журъат этди:

Бўйлаким, мумтоз эрурсан барча султонлар аро,
Шод қилғил бандаларни (нг) кўнглини эҳсон этиб (38₂).
Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шоҳ анга,
Ҳашмату салтанату рифъату шон барча абас.
Шоҳ улдурки, райиятга тараҳҳум қилса,
Пўқ эрса қондан амну амон барча абас (63₂).

Шоира қатор ғазалларида халқ манфаати шоҳнинг манфаатидан устун эканлигини куйлади. У яхши ҳоким, хон, албатта, халқни ранжитмаслиги ва унинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозимлигини таъкидлади; агар шоҳ, ўз халқининг аҳволидан хабардор бўлмаса, ундай ҳокимга ҳашамат, салтанат ва шон-шараф беҳуда эканлигини уқтирди ва уни халқпарвар бўлишга чақирди.

Шоира ўзининг тожик тилида ёзган «дигар аст» радифли ғазалида мақтанчоқлик, мансабпарастлик, тожу тахтга берилишни танқид қилиб, дадиллик, сахийлик ва мардликни, халқгами билан яшашни улуғлайди:

Кор дигар, лофи чуръат дигар аст,
Мардро осори ҳиммат дигар аст.

Тоҷу тахту боргоҳу қаср нест,
Шоҳро асбоби давлат дигар аст.

То кунад арзи шукӯҳи карру фар,
Подшоҳиро аломат дигар аст.

Дар миёни чумлаи гарданкашон
Рутбаи аҳли каромат дигар аст...

Шуъла зад теги забон Макнуаро,
Чавҳари шамшери ғайрат дигар аст (22).

Мазмуни:

Иш бошқаю журъат ҳақида лоф урмоқ бошқадир,
Мард кишида ҳиммат асари бошқадир.

Тоҷу тахту боргоҳу, қаср шоҳликнинг асбоби эмас,
Шоҳнинг давлат асбоби бошқадир.

Подшоҳ ўзининг шон-шавкати кўрсатмоқчи бўлса,
Бунинг аломатлари мутлақо бошқадир.

Юқори мартабали кишилар орасида
Каромат аҳлининг мартабаси бошқадир.

Макнуна тилининг тиги ярқиради,
Ғайрат қиличининг жавҳари бошқачадир.

† Нодира ўз даврининг сиёсий масалалари тўғрисида фикр юритар экан, унинг бу каби халқпарварликка ва адолатга интилиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари маълум даражада чекланган эди. Ўзи ҳам юқори табақага мансуб бўлгани учун

шоира жамиятдаги қарама-қаршилик, социал тенгсизликнинг натижаси эканлигини англаб етмади. Шоира шоҳ адолатли, инсофли бўлса, мамлакатда осойишталик ўрнатиш мумкин деб ўйлар эди. Унинг дунёқарашидаги бундай чекланганлик ўша давр адабий ҳаракатчилигидаги шаронтга боғлиқ эди. Шунга қарамай, у феодал муҳитда ўзининг ярамас ниятларини амалга оширишга уринган мағрур ва худбин ҳукмдорларнинг манманлигига қарама-қарши ўлароқ, инсоф ва адолатни, инсон қадр-қийматини улуғлаш билан ўз даврининг илгор кишилари қаторида қадам ташлади.

Нодира зўравонликка қарши иттифоқ бўлиб яшашга, эл-юртда тинчлик, осойишталик ўрнатишга чақиради ва бу фикрларни ўз ғазалларига сингдириб юборади:

Ба худсарони чаҳон обрўи маърака нест,
Ба иттифоқ кунад кори зулфиқор ангушт (24).

Мазмуни:

Жаҳон зўравонлари майдонда обрў қозонолмайдилар,
иттифоқ бўлиб бириккан бармоқлар қиличнинг ишини қилади.

Нодира ҳаётда юз берган айрим воқеа-ҳодисаларга ҳозир жавоблик билан ўз муносабатини билдирад эди. У кичик ўгли Султон Маҳмудхон туғилганда, она учун энг катта қувонч бўлган бу воқеани шундай тасвирлайди:

Баҳри давлатдин башорат сизга, эй аҳли жаҳон,
Бир ҳумоюн тифл Бобир наслидин бўлди аён...
Келди чун дунёга ул шаҳзодан олий гўҳар,
Нодира қилди дуои хайр ила сўз мухтасар (293₂).

Бу ғазалда онанинг фарзандга битмас-туганмас меҳр-муҳаббати улуғланади.

Ота-онага фарзанддан ҳам азизроқ кимса бўлмайди. Шоира ана шу мазмунни, онанинг фарзандга бўлган жўшқин, чексиз меҳрини ҳароратли мисраларда куйлаб, китобхон қалбига сингдиришга интилади:

Фарзанд меҳри элитар ғам зангин кўнгулдан,
Ҳарчанд шод эрурман бу икки тоза гулдан (281₂).

Нодира она сифатида ўз фарзандларининг тарбиясига аҳамият берганидай, бошқа болаларни ҳам тарбиялашга ғамхўрлик қилган. Тарихчи Ҳакимхон ҳам Нодира тарбиясида бўлганлиги ва унинг суҳбатидан баҳрамандлигини шундай хотирлайди: «...Фақир ва Муҳаммадалихон қондага мувофиқ... ҳарамдаги аёлларнинг ҳаммасидан муҳтарам ва улуғ бўлган Моҳлар ойимнинг ҳузурига ҳар куни уч-тўрт мартаба кириб турар эдик. У бу фақирга ўз онамдан ҳам шафқатли ва яхшироқ эди. Кириб салом берар эдик ва соатларча унинг

ёнида чой ичиб, суҳбатлашиб ўлтирар эдик»¹⁴. Бу каби фактлар Нодири болаларни ва ёшларни яхши тарбия қилиш ва уларга ҳаёт тажрибаларини ўргатиб боришга катта эътибор этганидан далолат беради. Нодиранинг катта ўғли Муҳаммадалихон шоир, кичик ўғли Султон Маҳмудхон эса, ўқинишли давлат арбоби, Ҳакимхон ўз замонасининг машҳур тарихчи олими бўлиб етишган эдилар.

1822 йилда шоира тахминан ўттиз ёшлар чамасида экан; унинг шахсий ҳаётида оғир мусибат юз берди. Нодиранинг ҳаёт йўлдоши Амририй бевақт вафот этди. Унинг 14 яшар ўғли Муҳаммадалихонни салтанат тахтига хон қилиб кўтардилар.

Ҳассос қалбли шоира бу оғир йўқотишни лоқайдлик билан кечири олмас эди, албатта. У ҳижрон аламлари билан изоҳланган марсиялар, фироқномалар ёзди:

Нигоримдин айрдинг, эй ажал, фарёд дастингдин,
Ажаб эрмас гар этсам дамба-дам юз дод дастингдин.
Ки бўлди сабру тоқат хирмани барбод дастингдин,
Улусни хонумони бўлмади обод дастингдин.
Паришонҳол эрурман, хотирим ношод дастингдин,
Қилурман, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин (289₂).

Шоиранинг мотам кунларида, ҳижрон аламларида ёзган муҳаммас, мусаддас, мусамман, таркиббанд, таржиъбанд ва фироқномалари унинг маънос ҳолатини акс эттирувчи асарлардир. Нодиранинг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзади: «Ва ҳар гоҳки, фироқ шиддати ғалаба қилур эрди, марсия, фироқнома хаёл қилиб, мазмунида дилхирош ғазаллар иншо қилур эрдим ва кўнгул иштиёқиға анинг бирла таскин берур эрдим» (6₂).

Гарчи шоира фожиали айрилиқ дардида маржондай қатра-қатра кўз ёшлари тўкса ҳам, тақдир ўжарликларига бўйсунганини истамайди. У тақдирнинг зулмига қарши исён кўтаради ва «Нодири кўз тутма гардундин мурувват» дейиши билан ҳар қандай фалокатга қарши инсон иродасини қувватлайди ва бу мотам ичидан оптимистик равишда умид нишонларини излайди. Шоиранинг шахсий ҳаётидаги мусибат унинг ижодидаги оптимистик руҳни сўндирмайди.

На ҳожат нола чекмак, кўз ёшнини айламак тўфон,
Фироқи меҳнат ичра сабр этмакдур сазоварий (244₂).

Умархон вафотидан кейин мамлакат идораси Муҳаммадалихон қўлига ўтган бўлса-да, унда Нодиранинг ҳам иштироки катта эди. Юқорида қайд этилганидек, у маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди, ўз атрофиға шоир ва

¹⁴ Мунтахабут таворих, 482-в. (таржимасини бердик).

шоирларни, олим ва фозилаларни йнғди. Хотиф бу ҳақда шундай ёзади:

«Умархон вафотидан сўнг бу ифбат садафининг инжуси кунларини ҳасрату фироқ билан шу тариқа ўтишини ношукурчилик деб билди. У гулистондек, Чаҳорчаман боғига борди. Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келди»¹⁵.

Йиғиб бир неча соҳиби фан жувонмард,
Хунар бобида эрди ҳар бири фард.
Бири нозикнавису зар қаламдур,
Бири тасвир илмида аламдур.
Неча соҳиб хунарким, эрди ҳамдам,
Бор эрди ҳар бири машҳури олам¹⁶.

Шундай қилиб, бу аёл,— деб ёзади Хотиф,— ақлу дониши ва яхши савоб ишлари сабабли ягонаи даврон, нодиран замона бўлиб танилди ва халқлар таҳсинига сазовор бўлди.

Нодира бу вақтда бир неча китобларни кўчиртирди ва шоирларни янги-янги девонлар, асарлар, дostonлар ёзишга ташвиқ қилди. Бу ҳақда ҳам Хотиф шундай эслатади:

«Бу кунларда яна китоблар ёздирди ва буларга зеби зийнат беришга фармон қилиб бир кутубхона бино эттирди. Бу кутубхонада ишловчи котиблар, наққошлар, рассомларга шундай қарам ва эҳсонлар кўргаздики, бунинг овозаси атроф оламга машҳур бўлди. Амударёнинг бу томонидаги ёқутқалам котиблар, Мирали рақам роқимлар, наққошлар, ҳалқорлар, Моний каби рассомлар бу ерга жам бўлдилар. Шу жамoadан Беҳзод хислатли домла Муҳаммад Ниёз ўз замонасининг яғонаси эди, Туркистондан то Румгача бу хунарманд наққошнинг овозаси кетган эди. Бу устозга яна бир қанча моҳир ҳалқор наққош хунармандларни қўшиб, варақларга зеб-зийнат бериш учун тайинланди. Ҳарамхона хизматкорларидан Олима отун Хонимдан қандай топшириқ бўлса, бе каму кўст бажарар эди. Зийрак, доно, Олима отун шу даргоҳнинг қадимий хонимларидан бўлгани учун ташқаридаги давлат ходимлари ва улар орасидаги ишларни Хонимга маълум қилиш учун тайинланган эди.

Самарқандлик мулла Хожа Муҳаммад котиб, мадрасада ўқувчи талабалардан бўлиб, фазилат ва камолот ва ҳусни-хатда ўз асрининг Миралиси ва даврининг Маҳмуди эди»¹⁷.

Нодира асарлар, девонларнинг чиройли ёзилиши, муқовасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. У

¹⁵ Нодира ўзбекча девонининг фотокопияси. 69-бет, (таржимасини бердик).

¹⁶ Уша асар, 163—164-бетлар.

¹⁷ Уша асар, 69—70-бетлар.

яхши ишлаган котибларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «Заррин қаламлик» мансабига кўтарган.

Хотиф бу даврда кўчирилган китоблар ҳақида шундай дейди:

Китобат қатъини тархини собиқ,
Чекиб гардун буружина мувофиқ.
Буюрди ҳар варақда тоза ранги,
Не ранг ойина пардози фаранги.
Сиеҳ ўрнига зарҳал этибон,
Саҳойиб узра қилди сиймафшон.
Жавоҳирбанд этиб қилди муҳайё,
Ясаб лаълу зумурраддин муқавво.
Анга ўтказди сқут ила инжу.
Ўлуб ҳар ерда сокин ўт билла су¹⁸.

Тарихий манбаларда айтилишича, Нодира маданий ҳаёт ва ободончилик соҳасидаги ишларга ҳар йили мамлакат хазинасига келадиган даромаднинг кўп қисмини сарфлаган. У хазинадаги олтин ва кумуш пулларни ҳаммом ва меҳмонхоналар, бозор ва расталар, хиёбон ва боғлар, масжид ва мадрасалар, кўчалар ва карвонсаройлар қурилишига сарф этган. «Мукамал тарихи Фаргона» асарида Моҳлар ойимнинг гўристони калондаги Мадрасаи Чалпак, Тақагарлик растасидаги Моҳлар ойим мадрасасини солдиргани, бир етимхона ва мусофирлар учун бир сарой бино эттиргани ҳақида ҳам маълумот бериллади.

Нодиранинг маданият ва ободончилик ишларини йўлга қўйиш учун интилишини кузатган кўпгина тарихчи, адиб ва шоирлар унинг меценатлик фаолиятига таҳсинлар ўқиганлар, таъриф ва тавсифлар қилганлар, шеърӣ мадҳиялар ёзиб қолдирганлар. Масалан, ўша давр тарихчиларидан Бехжад Нодира даврида бино қилинган мадрасалардан бирини назарда тутиб, шундай ёзади: «У чиройли бир мадраса бино қилдики, унинг пештоқи осмонга қараб қад кўтарган эди. Унинг ҳар бир ҳужраси жаннатнинг қасрларига ўхшаган, таълим асбоблари муҳайё қилинган дарсхона эди»¹⁹.

Нодиранинг замондоши шоир Мушриф ҳам мадрасада ўқиган талабаларнинг овқат, кийим-кечак билан таъминланганлиги, мадраса тоқчаларида муҳим тарихий, илмӣ, адабий китоблар терилганлиги тўғрисида сўзлайди, мадраса атрофидаги ер-сув, боғлар, карвонсаройлар, раста, бозор, мусофирхона, ҳаммом ва шу қабилар ҳаммаси мадрасага вақф қилинганлигини қайд этиб ўтади ва қуйидагича «тарих» битади:

Ефтам ин мисраи ҳасбул маром,
«Мадрасаи Хоними неку қадам»²⁰.

¹⁸ Ўша асар, 164-бет.

¹⁹ Ўша асар, 137-бет.

²⁰ Ўша асар, ўша бет.

Бу кейинги мисра абжад ҳисоби билан жам қилинса, ҳижрий 1240 (милодий 1824—25) йил келиб чиқади.

Нодира ўз девонидаги сўз бошисида ўша даврда олиб берилган қурилиш ишларига оид қўйидаги маълумотларни ёзди: «...Масокин ва бенаволарга хайру эҳсонлар бирла баҳра еткурдим. Карам ва ато хонидин фуқаро халқини мамнун ва мустағни айлаб, марҳамат ва шафқатлар кўргуздим... Ва жаворида мадрасаи файзосор улуми талабларига бино қилдим. Ва тижорат аҳли ва савдо хайли учун саройи олий барпо қилдим. Жидду жаҳд бирла сипоҳийларга анжом, фуқарога ором еткурдим. Мамлакатни обод ва мустамандлар кўнглини шод қилдим. Фазлу дониш қабиласига шафқат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргуздимким, эътибор даражасига тараққий қилдилар» (6—7-бет).

Шоиранинг ўзбекча девонида Беҳжад Нодиранинг ҳаёт йўли, маданият ва ободончилик ҳамда адабиётга бўлган иштиёқини таърифлайди. Унда: «Нодираи давронимиз, камол, ақлу ҳушёрликдан мамлакатни ўз тахти таснифига олди. Халқларни эҳсону карам билан шод этди. Фарғона мулкини обод қилди. У Зухра сифат Нодира ҳеч вақт давлат, салтанатга мағрур эмас эди. Камол ақлу закоси табъи расосидан кечаю кундуз рангин ғазаллар ёзиш ва ўқиш билан машғул бўлар эди»²¹,— деб ёзилган.

Нодиранинг маърифатпарварлиги ва бу соҳадаги амалий фаолияти унинг ижодида ҳам яққол акс этди, чунончи, «тут» радифли газалида:

Донишу фаҳму хирад, сабру сукуну ақлу хуш,
Барчани парвопаи шамъи руҳи жонона тут (28).

Бу каби сатрлар Нодиранинг донишманд, илм ва сўзнинг кадрига етадиган аёл эканлиги, донолиги, ақли, кучли иродаси ва олималик фазилатларидан дарак беради.

Зиёлилар ўртасида ва, хусусан, шоирлар даврасида катта ҳурмат билан тилга олинган Нодиранинг олимларга, фозилларга эътибор берганини, чинакам истеъдодли шоирларни ижодга ташвиқ қилганини, айниқса, хотин-қизлардан чиққан шоираларни ўз ҳимоясига олганини ўша даврнинг таниқли шоири Нодир бундай деб баён қилган:

Анингдек, келмаган даҳр ичра Ойим,
Анинг кўнгли саховат ичра дойим.
Сўрубон келтириб аҳли фазонл,
Йиғилди даргоҳида ҳар қабонл.
Йиғибон ҳар тарафдин неча хотун,
Бариси фазлу дониш ичра отун.

²¹ Ўша асар, 138-бет.

Бари Зебуннисодек эрди шоир,
Бари Марям каби зуҳд ичра моҳир²².

Нодиранинг ўзи гувоҳлик беришича, ўша даврда саройда унинг атрофида кўпгина хотин-қиз олималар, шоиралар бўлган. Девонларининг «ҳамнишин олима афифалар, фозила ҳамсуҳбат шарифаларнинг маслаҳатлари ва ташаббусларига кўра жамлангани»ни шоира ўзбекча девонига ёзган сўз бошида қайд этиб ўтади, лекин ҳозирча Нодира замонасида саройдаги шоиралар, муншийлик, мирзалик қилган ёки котиблик вазифасини бажарган аёллар, олималар бўлганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Шоира Нодирага яқин бўлган ва бирга ижодий ҳамкорлик қилган Жаҳон отин — Увайсийнинг ижоди ва ҳаётига доир материалларгина маълум, холос. Нодиранинг замондоши шоира Маҳзунанинг ҳам баъзи шеърлари бизгача етиб келган. Нодиранинг замондоши бўлган ва унинг билан ҳамкорликда ижод этган шоираларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш, уларнинг шахсиятлари билан таништириш адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида XIX асрнинг иккинчи ярмида Саодат Муштарий котиба қўли билан кўчирилган қўлёзма сақланади. Бу қўлёзмада у ўзининг биографиясига оид баъзи маълумотлар беради. Масалан, у жуда ёш чоғида саводини чиқариб, билимли бўлгани тўғрисида шундай деб ёзади:

Олти ёшда Муштар мактаб кирди. билинг,
Етти ёшда каломулло тутди. билинг,
Ун ёшида давог қалам олди, билинг²³.

Муштарийнинг отаси Умархон даврида Қўқон қозиси бўлган. Унинг ўзи Қўқон хонлиги саройида 40 йил котиблик қилган ва «Даҳмаи шоҳон», «Ибратнома» каби форсча асарларни ўзбек тилига таржима қилган:

Бул хат бирла Фарғонага мирза бўлди,
Худоёрхон подшоҳга китоб айтди,
Қирқ йилгача ҳамнишини хонлар бўлди,
Бул сабабдин юрагимда кўп доғлар бор²⁴.

Хон саройининг дабдабали ҳаёти Муштарийни ҳеч қизиқтирмаган:

²² Нодир, Ҳафт гулшан, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. 1801, 8-варақ.

²³ ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. № 9922, 123-а варақ.

²⁴ Ўша асар, 125-варақ.

Қўнгул дер: подшо бўлсам, ки тахт устида ўлтирсам»,
Бу жоним дер эди «йўқ-йўқ, гадоп бенаво бўлсам».

Бизнингча, Муштарий Нодира даврасидаги шоирлардан бири бўлиши мумкин. Унинг 64 ёшда ёзган қуйидаги сатрлари шуни эслатади:

Ҳой-ҳой ўлан жон ўлан, Муштарийсан, ёр-ёр,
Шоирлар ичинда заррасан ёр-ёр,
Муштар ёши олтинш тўрт, ўзига етиб, ёр-ёр,
Битар хатни кўздан ёшлар тўкиб ёр-ёр²⁵.

Саодат отин «Дилором» номли ҳикояни кўчирган. Саодат Муштарий Худоёрхон тахтдан тушгандан сўнг ҳам 1875 йилларгача котиблик қилган. Хуллас, бу фактлар Саодатнинг Нодирага ҳам замондош, ўз даврининг олима, котибаси бўлганлигидан далолат беради.

Шоир Хотиф Нодиранинг маданий ва адабий ҳаракатчиликка раҳбарлик қилиши билан бирга, давлатнинг сиёсий ва иқтисодий ишларига, расман бўлмаса-да, актив қатнашганлигини, аксар давлат ишларини бошқариб турганини таъкидлаб ўтган эди; «У мақтовга сазовор аёл... мамлакат низоми ва халойиқ эҳтиёжларини тadbир ва адолат расмида, ақл ва фаросат билан шундай ораста қилдики, тамом умаро ва фузало ва ҳамма халойиқ унинг давлатини янада зиёда бўлишини тилаб дуо қилдилар»²⁶.

Яна, Нодиранинг давлат ишларини бошқариб турганлигига ишора қилувчи қуйидаги сатрлар характерлидир:

Ҳуре бу сифот аро келур оз,
Хуршид киби жаҳонда мумтоз.
Олам аро баски ҳукмрондур,
Билқиси мамолики замондур²⁷.

Нодирага давлат арбоби сифатида, мамлакат улуғи сифатида қилинган илтимослар, ёзилган ариза ва шикоятлар ҳам йўқ эмас. Бу жиҳатдан қараганда, қосонлик Узлат деган шоирнинг бир золим амалдор устидан шикоят қилиб ёзган арзномаси характерлидир:

Мен эдим асри чархи хунхор.
Золим эли илгина гирифтор.
Мен хаста гариб айлашни арз.
Етмоқ мени арзима эрур фарз...
Ногаҳ келиб биров йилондек,
Гўёки балойи ногаҳондек.
Бўлди ҳама зулмидин ҳаросон,
Ғам лойиға ботти аҳли қосон.

²⁵ Уша асар, 72-варақ.

²⁶ Нодиранинг ўзбекча девони фотокопияси, 69-варақ (таржимасини бердик).

²⁷ Уша асар, 166-варақ.

Жавр пла мени ҳалок этти,
 Гулдек юрогимни чок этти.
 Еғдурди бошимга ғам тошини,
 Баҳр айлади икки кўз ёшимни.
 Солди ҳама роҳатимга меҳнат,
 Епти мени иззатимга кулфат.
 Эй, Моҳ, аёлманддурман,
 Фақр уйида мустааманддурман.
 Арзим эштинг иноят айлаб,
 Хуррам кетайин саодат айлаб,
 Биз хаста кўнгулни шод этармиз,
 Улғунча дуода ёд этармиз²⁸.

Нодирадан моддий ёрдам сўраб арзнома ёзган шоирлар орасида ўша замонда яшаган Хижлат ҳам бор эди. У оғир иқтисодий аҳволини баён этиб:

Мен ҳам Хижлат дуоғўи дардманди,
 Иқилгон гурбат ичра мустаманди.
 Келиб қиш, эғнида йўқ пустиги,
 Бу эрмишдур ҳақиқат сўзни чини...
 Небок изҳор этсам қилмай эҳмол,
 Улуғимга қилурман арзи аҳвол²⁹,—

деб ёзган.

Бундай ариза ва шикоятлар феодал зулми ҳукмрон бўлган даврда халқнинг турмуш даражаси ниҳоятда оғир эканлигини, кўпчилик меҳнаткаш омма қашшоқ ҳаёт кечирганлигини яққол акс эттиради.

Салтанат эгаси Нодирага юборилган ариза ва шикоятлар хилма-хил эди. Баъзилар назмда иншо этсалар, бошқалар насрда ёки назм ва наср билан ёзардилар. Саййид қабиласининг уруғларидан Мирза Абдураҳмон Тошбекқутлуғ ўғли Нодирага хушомадомуз ёзган аризасини традицион муқаддима билан бошлайди: «Ариза будур: исмат шабистонининг дурахшондаси, иффат иқлимининг маснаднишини зебандаси, дониш баҳористонининг санжидаси ва бениш майдонининг гўйи нукта рубойи, фасоҳат достонининг қумри нағма саройи, латофат бўстонининг андалеби суханвори, балоғат шакаристонининг тўтии нуктапарвари, иффат буржининг ахтари, исмат дуржининг гавҳари, сафо боғининг гули ва вафо боғининг булбули мастураи пардаи исматнишин, афифаи солиҳан хилватгузин, хуршиди сипеҳри оламоро бадри дарахшондин фалак пайдо...»³⁰

Бу формалистик муқаддима мадҳиябозлик, хушомадгўйликдан нарига ўтмайди. Бундай арзлар муаллифларнинг маънавий қашшоқлигидан дарак беради. Демак, Нодирага юб-

²⁸ Уша асар, 169—170-варақлар.

²⁹ Уша асар, 181—182-варақлар.

³⁰ Уша асар, 145—146-варақлар.

рилган шикоятлар ва арзнамалар ўзининг турлича мазмуни билан ажралиб туради. Бунда муҳим момент шуки, Нодира халқнинг шикоятини тинглар, маданият ва адабиёт аҳлларини имкон борича ўз паноҳига олар, ғамхўрлик қилар эди.

Жуда кўп тарихий манбаларда Нодира оқилларнинг нодираси, ғарибларнинг ғамхўри, соф қалб эгаси, фаҳм-фаросат, илм ва дониш, карам ва саховатда «юз эрдан зиёда», «Нодираи даврон» деб таърифланиши бежиз эмас. Бу ҳақда Аттот ўзининг «Тухфатут таворих» асарида шундай ёзади: «Моҳлар ойим поклик ҳижласида парда остида ўлтирган, сахийлик қўлини узатган, у даврда Ҳотамитойнинг номини Нодираи даврон (номи) енгиб чиққан, ҳамиша ҳадялар бағишлаб, саҳо эшигини олимлар ва фозиллар, фақирлар ва ғариблар юзига очиб қўйган, ўз карамининг дастурхонидан ҳаммани тамомила мамнун қилган эди. Ҳар бева ва бечораларнинг дилини шод этар эди. Сурат юзасидан тахт эгаси, хулқ жиҳатидан малак, ҳиммат, бечорапарварликда жувонмард... эди»³¹.

Баъзи тарихий манбаларда Нодира яшаган даврда музика ҳам бирмунча ривожлангани тўғрисида маълумот берилган. Ўзбек халқининг қадимий музика санъати бу даврда яна ҳам бойиди. Машшоқлар ва раққосалар саройга тўпланган эди. Тантанали базмлар ҳамда шеър мажлисларида созандалар доира, чанг, рубоб, танбур, дутор, гижжак ва бошқа турли асбоблар билан хилма-хил куйларни, раққосалар эса чиройли, жозибатор рақсларни ижро этардилар.

Ҳакимхон тўра «Мунтахабут таворих» асарида Муҳаммадалихон 1830-31 йилларда ноғорахона солдирганини баён этиб, хон айш-ишратга берилган чоқларида занжирлари олтин ва кумушдан ясалган чилдирмаларни чалиб, кечалари базм қилиб, халқни нотинч қилганлигини ёзади³².

Маданий тараққиётнинг жонкуяри бўлган Нодира ўз даврида санъатнинг барча турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Санъатни севиш, хусусан, музикага бўлган жўшқин ҳавас шоира ижодиётига сингиб кетди. Куй ва ғазални баъзан хурсандчиликнинг боиси деб билган Нодира бир ғазалида музика ва созандаларни мақтади:

Вафо қонунидин савту тараннум айла, эй мутриб,
Ба ёди дўстоп ушшоқ базмида наво келтур.

Нодира бу мисраларда қўллаган мутриб (созанда), қонун (соз), савт (оҳанг), наво (куй), ушшоқ (ошиқлар ёки наво)

³¹ «Тухфатут таворих», СССР ФА Оснѐ мамлакатлари институтининг Ленинград бўлими, инв. № 440, 229-варақ.

³² «Мунтахабут таворих», 398-бет.

каби икки маънода ишлатилган сўзлар орқали дўстларнинг қувноқ суҳбати ва санъат аҳлига бўлган садоқатини тараннум этган.

Нодира, Увайсий каби ақл ва закога эга бўлган аёллар дин ва шариятнинг музика, ашула, рақсни тақиқлашига қарамай, санъат билан шуғулландилар, унинг тили орқали ўзларининг юрак дардларини ифода этдилар. Увайсий ҳам тор чертар, унинг мунгли садолари билан хўрланган, зулм остида эзилган муштипар аёлларнинг қайғу-аламларини, орзу-истакларини ифодалар эди.

Нодира, Увайсийларнинг севги, вафо ва садоқат ҳақидаги жозибатор ғазаллари куйга солинар ва халқ орасида шуҳрат толар эди.

Шундай қилиб, Нодира ўз даврида адабиёт ва санъатни ривожлантириш йўлида муҳим тadbирларни амалга оширди. Мадраса, кутубхоналар бино эттириб, илм ва санъат аҳлларига ҳомийлик қилди, шеъриятнинг равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшди. Унинг тожикча Макнуна девонига сўз боши ёзган шоир Нодира фаолиятини улуглаб:

Иқбол ёфт фаҳми маонӣ зи фитраташ,
Равнақ гирифт шеър ба давру замони ӯ (4).

Мазмуни:

Унинг табиатидан қайнаб чиққан маъноларнинг тушунлиши
бахту иқбол топди.

Унинг замонида шеърият, ижодият ўз равнақини топди,
ривожланди.

Нодиранинг ғазалларидан бирида шундай мисралар жiolанади:

Тиги забонинг ўлди мифтоҳи ганжи дониш,
Алломаи замондур олингда тифли мактаб (37₁).

ШОИРАНИНГ ДЕВОНЛАРИ

Нодиранинг адабий мероси ҳажми ва салмоғи жиҳатидан, ғоявий мотиви ва нафосати нуқтаи назаридан классик поэзия-мизнинг гўзал дурдоналаридан бири сифатида кўзга ташланади.

Моҳлар ойим ўз асарларини ўзбек ва форс-тожик тилларида Комила, Нодира ва Макнуна тахаллусларида ёзди.

Яқингача ҳам биз шоира мероси ҳақида жуда кам маълумотга эга эдик. Шоиранинг унча мукамал бўлмаган бир «Девон»и мавжуд эди, холос. Бу қўлёзма Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади³³. Унга Нодиранинг девон тартибида «>» (Д) ҳарфигача бўлган 109 (ёки 1704 мисра) газали кирган. Булардан 81 таси ўзбек ва 28 таси тожик тилида «Нодира» тахаллуси билан ёзилган. Девонда Нодира асарларидан ташқари, Амин деган шоирнинг тожик тилида ёзилган бир газали ва иккита рубойиси бор. Бунда яна XIX аср охири XX аср бошларида ижод этган шоир Нодимнинг шоиранинг ўзбекча ва тожикча ғазалларига тахмислари бор. Нодимнинг бу мухаммаслари яна 4179 рақамли «Баёзи Нодим» да ҳам учрайди.

Шоиранинг ўзбекча девони муқаддимасида унинг биографиясига оид баъзи бир муҳим маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, бу ўринда унинг «Комила» тахаллуси ҳам бўлганлиги ҳақидаги фикрлари аҳамиятлидир. «Аммо баъд бу қонлаи маҳжуба ва толибаи маҳжур, ишқу муҳаббат

³³ 4182 инвентар билан сақланаётган бу қўлёзманинг 1—52 варағи Нодира асарлари, 53—155 варағи бошқа шоирларнинг ғазал, мухаммас, рубойлари, 155—229 варағи «Шабистони хаёл» номли асардир. Бу «Девон»нинг илмий таърифи А. Қаюмов томонидан «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари»даги «Нодира» сарлавҳали мақоласида берилган (1958, № 1, 35-бет).

ولما

وكانت كرسى وعلوهم في ارجاء
بوكى كرسى وعلوهم في ارجاء

و

بسيح في سطور قبايب
بسيح في سطور قبايب

ولما

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

فانما كبرياء في ارجاء
فانما كبرياء في ارجاء

Нодиранинг ўзбекча девонидан саҳифа.

зумрасига шомила ва шарият аҳкоминда омила ал мулаққаб бил Қомила андоғ баёни ҳол, изҳори мофил бол этарким...»³⁴. ~ Дарҳақиқат, Ўзбекистон Тарих музейи архивида сақланаётган XIX асрнинг ўрталарида кўчирилган Фазлий шеърлари тўпланган қўлёзманинг охириги варақларида Нодиранинг «Қомила» таҳаллуси билан ёзилган 19 (яъни 328 мисра) ғазали топилди. Булардан 11 ғазал ўзбек, 8 таси тожик тилида ёзилган³⁵.

1963 йили наманганлик шоир Нодимнинг ўғли Мусалламхон Бобохоновнинг шахсий кутубхонасидаги бир қўлёзма билан танишишга муваффақ бўлдик. Бу қўлёзмага Нодиранинг ҳозиргача илм аҳлига номаълум бўлган, девон тарзида тузилган ўзбекча шеърлари киритилган.

Бу нодир қўлёзма ажойиб адибанинг тарихий ва адабий мавқеини анча кенг шарҳлашга имкон беради. Қўлёзмада Нодиранинг ғазалларидан ташқари, яна Навоий, Бедилга мухаммаслари, мусаддас, мусамман, таржиъбанд, таркиббанд ва фироқномалари борки, булар шоиранинг бадиий ижодда имконият доираси қанчалик кенг эканлигини исботлайди.

Қўлёзманинг фотокопияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Адабиёт музейи фондида 921 рақами билан сақланади.

Девонга шоиранинг 180 шеъри киритилган. Булардан 136 таси ўзбек тилида ва 44 таси форс-тожик тилида бўлиб, «Нодира» таҳаллуси билан ёзилган. Қўлёзманинг 271—342 ва 344-варақларида шоиранинг «Қомила» таҳаллуси билан ёзган икки ғазали ва бир таржиъбанди ҳамда бир таркиббанди бор. Ғазаллар орасида Нодиранинг 103 банддан ташкил топган 11 мухаммаси, 11 бандли икки мусаддаси, 5 бандли бир мусаммани, 11 бандли бир таржиъбанди, 8 бандли бир таркиббанди ва 10 бандли бир фироқномаси ҳам мавжуд. Янги топилган бу девондаги шеърлардан баъзилари Нодиранинг юқорида қайд этилган 4182 рақамли тўла бўлмаган ўзбекча девонига кирган. Масалан, ўзбек тилидаги 136 ғазалидан 61 таси ўша девонга киритилган. Қолган 75 таси, яъни 1930 мисраси эса ҳали ҳеч кимга маълум эмас эди.

Нодиранинг янги топилган девони бизга маълум ўзбекча девондаги кам-кўстларни тўлдиради. Ҳар иккала девонда ҳам Нодира томонидан бир мазмунда ёзилган сўз боши бор. Лекин 4182 рақамли девонда сўз боши тўлиқ эмас, янги девонда эса бу дебоча тўлалигича етиб келган.

³⁴ «Нодира девони», инв. № 4182, 2-варақ.

³⁵ Бу китоб 138 варақдан иборат. Китобнинг 123 варағидан то 133 варағигача 10 саҳифа йиртилиб кетган, 134 варағидан бошлаб «Қомила» таҳаллуси билан ёзилган ғазаллар учрайди, охириги варақлари йўқолган.

Юқорида айтилганидек, девон Нодира томонидан ёзилган каттагина сўз боши билан очилади. Дебочада Нодира ўзбекча шеърларининг девон тартибига солиб жамланганлиги тўғрисида шундай деб ёзади: «...Фурқат айёмида ҳам ҳаёл базмида висол маҳфилини тасаввур қилиб, анинг ёди била ҳасби ҳол айтишур эрдим. Ва бу васила бирла ғазал ва мухаммас ва рубоий машқига қоғозпоралар тўлди. Ва ҳар кимки ул пораларни мутолаа қилди, мақбули табиати бўлди. Охириламр хизматимда ҳамнишин олима афифалар ва мулозиматимда фозила ҳамсуҳбат шарифалар бир кун тазаррулар била илтимос қилдиларким, бул табиатзодаларининг паришон қолғони ошуфталиғдан ўзга натижа бермас ва бу жаридалар ҳаводис тундбодидин паришон бўлмоғонда девон тақлидиде жам қилиб, тартиб бирла ёзилса, зебо ва мустаҳсан бўлғусидур. Ҳазрати Амир девонларининг баробаринда мухтасар девон бўлиб, сабаби дуо ва боиси мағфиратдур ва дўстларга маншай сурур ва нашот ёдгорлик бўлур. Ночор ул нодиратабъ маъсумалар ва ул афифан муҳтарамаларининг савоб райларин маъқул ва мақбул билиб, жам этмоққа иқдом кўргузуб, эҳтимом ва саъйи тамом бирла ҳар баҳрини ўз маҳаллида сабт қилдим, тартиб бирла ҳар қайсиси ўз ерида марбут бўлинди. Шоядки, аҳбоблар ва соҳибдил улул арбобларга манзурин назар бўлиб, дуои хайр бирла ёд қилғайлар.

Рубоий

Алвон ғазал йиғилди, девон ўлди,
Девон демаким, рашки гулистон ўлди.
Ҳижронда сўзларим паришон эрди,
Ҳар ким ўқуди, табъи паришон ўлди.

Ераб, бу савод ишқда содиқ бўлғай,
Иқбол баёзига мувофиқ бўлғай.
Ишқ аҳлини хотирн бўлуб хуш андин
Мақбули табиати халойиқ бўлғай...

Саҳву хатоларин маъзур билиб, инсоф келтургайларким, кўпроғи шавқ ғалабаси ва жунун тугёнида айтилғон ва баъзи: беҳудликда, баъзиси беҳушлик ифротида ёзилғондур.

Байт

Ушалким хушманду нуктадондур.
Хатоси хатларин маъзур тутқай.
Бериб ислоҳ анинг нуқсонларига
Мухоллиф таънасини дур тутқай»³⁶—

деб девон ҳақида камтаринлик билан сўз юритади.
Қўлёзманинг 13—63, 224—301 ва 342—356-варақларида

³⁶ Нодира ўзбекча девонининг фотокопияси, 7—10-варақлар.

шоиранинг шеърлари жамланган, 65—221-варақларида эса, Хотиф, Ҳозик, Хижлат, Мушриф, Фазлий, Адо каби шоирларнинг қасида ва марсиялари, Нодиранинг маданий-адабий фаолиятига бағишланган қасида ва тарихлари бор.

Қўлёманинг 184—223 ва 325—341-варақларида шоира замондоши Нодирнинг шу вақтгача маълум бўлмаган ғазаллари бор. Ҳозиргача Нодирнинг шоира Нодирага бағишлаб ёзилган «Ҳафт гулшан» номли достони маълум эди, холос.

Девон ким томонидан ва қачон кўчирилган маълум эмас.

Юқорида айтганимиздек, шоир Хотиф Умархоннинг ниҳоятда чиroyли, хушхат ёзилган, мовий рангли, муқоваси қимматбаҳо зумрад тошлар билан безатилган девони ёзилиб бўлган йилга шундай деб «тарих» битган:

Тарих барон хатми ин нусхан зар
Меҳост зи мушнини хирад дўш ҷавоб:
«Итмоми китоби подшоҳи бо ҷаҳд»
Фармуд рақам барон тарихи китоб³⁷.

«Итмоми китоби подшоҳи бо ҷаҳд» мисрасидан тарих чиқарилса, ҳижрий 1239 (милодий 1823—24) йилда ёзилгани маълум бўлади. Бу йилларда кўпгина девонлар ёздирилган. Нодира девонлари ҳам Амирий девони қатори шу йилларда кўчирилган бўлса керак.

Демак, Нодира XIX асрнинг биринчи чорагидаёқ соҳиб девон шоира сифатида шуҳрат қозонган.

Филология фанлари доктори С. Иброҳимов Адабиёт музейига Нодиранинг бир неча ўзбекча ва тожикча ғазаллари кўчирилган дафтарини тақдим этди. Бу дафтардаги шеърлар Андижонда 1926 йили қўлёмна манбалардан кўчириб олинган бўлиб, бу ғазаллар орасида мусаддас, мусамман ва таржиъбандлардан ҳам намуналар бор. Бу дафтар Адабиёт музейида 297 рақами билан сақланади.

Шунингдек, Адабиёт музейи фондида Нодиранинг шоир Маҳжур томонидан тўпланган ва 180 мисрага яқин ғазалини ўз ичига олган дафтар ҳам 297 рақами билан сақланади. Юқорида қайд этилган манбалардаги ғазалларнинг баъзилари Нодиранинг ўзбекча девонларини қисман тўлдирувчи янги асарлардир.

Шоиранинг яна бир қанча ғазалларини ўша даврларда ёзилган баёз ва мажмуаларда учратиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозиргача биз шоиранинг Нодира ва Комила тахаллуслари билан ёзилган тўрт минг мисрага яқин ўзбек тилидаги шеърларини тўплашга муваффақ бўлдик.

Лекин биз шоиранинг ўзбек тилида ёзилган ҳамма асар-

³⁷ Уша асар, 76-варақ.

وصاينكى نىسە ايجان تا پاكايلىغى. ذلار روشتىر كىمىمىز بىسندىن بىر اغان

نوراجو مازارلار تىنمىز كىسنىكە. نە باكلە كىم بىس فغانىم بىسنىكە

بىنمىز بايا نىنگ دورا كىسەر ماز. خدادور بولمىشقا جانىم بىسنىكە

نوراقىنگە بىنمىز دا بىدور تىدام. كىت واصل اولغا روىمىز بىسنىكە

نە دورا كىس بىنمىز جەننەت بىر لىجان. قىسقىچە بولغان جەننم بىسنىكە

كەلۈپ بىر بىر دورا لارا اى عىل. خدادور بولمىشقا جانىم بىسنىكە

قران ايتىمىز كىمىز جاىمىز. بىسلا عرض مەقرا نىم بىسنىكە

قىيا جەمەت بىر نىكە نىكە لارا بىم. باي رىدە خون فغانىم بىسنىكە

وصاينكى نىسە ايجان تا پاكايلىغى. ذلار روشتىر كىمىمىز بىسندىن بىر اغان

قىيا بار دىنگە نىكە نىكە لارا بىم. نىكە نىكە نىكە نىكە نىكە نىكە نىكە

دوراق كىمىمىز بىسنىكە بىسنىكە. مەدەت لىلان ايجان بىسنىكە

Нодиранинг янги топилган ўзбекча дегонидан саҳифа.

ларини тўла аниқладик, деб айта олмаймиз. Чунки, Нодира ғазалларини кўздан кечирганда, масалан, қофия ва радифларини «ت», «م», «ن», билан тугаган ғазаллари 20 дан ортса, шу билан бирга «ل», «ع», «ف», «ق» каби ҳарфлар билан тугалланадиган ғазаллари жуда оз ва йўқ даражада, рубойлари ҳам аниқланмаган. Ваҳоланки Нодира ижодининг илк даврларида мухаммас ва рубойлар машқи билан қогозпораларни тўлдирганини ўзбекча девонининг сўз бошисида эслатиб ўтади.

Нодира замондошларининг маълумотларига кўра, шоираниннг ўзбек тилида ҳам мукамал девони тузилган. Нодираниннг тўла девонини ахтариш ва топиш навбатдаги вазифаларимиздан ҳисобланади.

Шу вақтга қадар шоираниннг Нодира ва Комила тахаллуслари фанга аён эди. Филология фанлари доктори А. Қаюмов Увайсийнинг «Воқоти Муҳаммадалихон» номли шеърини асарига асослаиб, шоираниннг «Макнуна» тахаллуси ҳам бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Увайсий шундай ёзган эди:

Шоҳлар орасидадур Умархон
Бир неча кун сурудн даврон.
Маҳпора эди анинг заифи
Макнунду тахаллуси латифи...
Фарзандларидин ўлди пайдо
Муҳаммадалихон оти бир аъло³⁸.

Шу асосда, биз Нодираниннг Макнуна тахаллуси билан ёзилган тожикча девонини топишга муяссар бўлдик³⁹. Бу девон Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади.

Асар XIX асрнинг охирида кўчирилган бўлиб, Макнуна тахаллуси билан ёзилган беш минг мисрага яқин. Девон (333) ғазални ўз ичига олади. Девоннинг дебочаси номаълум бир шоир томонидан ёзилган. Девоннинг охириги варақлари йўқолганлиги учун унинг ким томонидан кўчирилганини аниқлаш ҳозирча мумкин бўлмади.

Дебоча авторининг ёзишига кўра, бу девон Нодираниннг буёруғига асосан жамланган. Унда шундай дейилади: «...Шу

³⁸ А. Қаюмов, Нодира, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1958, № 1, 38-бет.

³⁹ ЎзССР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. № 7766, Худди шунингдек, Адабиёт музейининг Қўқондаги филиалига яқинда XIX асрда яшаб ижод этган шоирлардан Узлатнинг девони олинди. Бу девондаги баъзи ғазаллар Макнуна девониди Макнуна тахаллуси билан мавжуд. Бу ҳол ана шу ғазаллар кимга тааллуқли эканлиги масаласини алоҳида текширини галаб қилади.

خارچیل از زمین ندم دور برین
چون قطره با خون جگر بپوش
دوشش ز ددم گفت که تا بچ

نور و زخم لاله در جان بدو
گردل بهر لعل خشت بر او
مثنوی از فراق تو افغان

امید که بر صبح امید ما رسد
ببین جان کزینا ما مرادان با
خداش جان سپکانه حریف
بر یک منزل الکی مرمم است
چو شمع در شبم روغم کند از
ز صبح که دل بسته ام بر پیش
سهر بر کشد بیه نجوم از کوفی

نهایت شب ندانی ببارسد
مرا چیت کند و امن قیام
زلوح دل و دهر و صفت
ز ره پای و قفس بهمنه پارسد
رو و سپاهی پروانه ضیا بر
نفس کشاید انفس و کشاید
ز غین بوش بمضموم جوارسد

мусибат чоғида унинг ёқимли мастураси, ифбатли маҳбубаси, салтанат паноҳида ва ҳашамат чодирисида тарбия топган насаб ва камол денгизининг гавҳари, иззату иқбол садафининг дурри ноёби, фуқаро ва халқпарварлик ишида катта ва кичикка мусаллам бўлган, дилга ёқимли шеърлар ёзиш ва тушунишда минг ақлли эркаклардан ортиқроқ бир хотин. Унинг яхши хислатлари ва мақтовга лойиқ сифатлари ҳаддан зиёда ва саноқдан ташқаридир. Лекин тузини кўп ичган менингдек қулга, ул ифбат ҳарамининг мастураси тўғрисида бундан ортиқроқ сўзлаш одобдан узоқ бўлгани сабабли, сўзимни қисқартирдим. Хуллас, ул хотинлар тожи, иззат ва улуглик парданишини, баъзи-баъзида хурсандлик ва юрак ўтлари алангаланган чоқларда олий табиатидан чиқариб ранг-баранг шеърлар ёзар эди. Озгина вақтда кўп пароканда газаллари йиғилиб қолди, шунинг учун унинг олий фармони билан ул шеърлар шу мажмуага жамъ ва дарж қилинди... Шеър ва адабиётнинг чуқур маъноларига тушунадиган табиати юқори хизматчиларининг маслаҳатлари билан ул жаҳон паноҳи ифбат садафида яширинган гавҳарнинг таҳаллуси «Макнуна»⁴⁰, деб муқаррар этилди.

Шеърда бу ном унинг баёнига кўрсаткич бўлди. Албатта унинг шаънига бу таҳаллус мувофиқдир»⁴¹.

Девон муқаддимаси ва ундаги шеърлар Қўқон қоғозига оддий настаълиқ хати билан ёзилган. Газаллар икки қатордан жойлаштирилган, атрофлари олтин ҳал ва кўк чизиқлар билан зийнатланган. Китоб 132 варақдан иборат, саҳифалар ва муқоваси яхши сақланган. Муқова кейинчалик қилинган бўлиб, икки жойда тилла суви билан нақшланган ўйма муҳрда «۱۳۲۹ ماحمدمصاحف» деб ёзилган. Бу эса китоб 1911 йилда муқоваланганидан далолат беради. Лекин девон тугалланмай қолган. Девондаги охириги газал:

Ҳамчу бӯ маҳрум аз гул аз танат оғушҳо,
Чун хаёли рафтаи мӯи миёни кисти

байги билан тамом бўлади. Девоннинг кейинги саҳифасидаги байт «گشته دليا» сўзи билан бошланиши кўрсатилган.

Девондаги баъзи мисралар ўчиб кетган ёки котиб томонидан хато кўчирилган. Текшириш натижасида маълум бўлишича, Нодиранинг 4182 рақамли девонидаги форс-тожик тилида ёзилган газалларидан 26 таси шоиранинг 7766 рақамли янги топилган девонига киритилган. Лекин аввалги тўпламдаги тожикча шеърларида Нодира таҳаллуси қўйилган бўлса,

⁴⁰ *Макнуна* — яширинган, махфий маъносига.

⁴¹ *Макнуна* девони, инв. № 7766, 3—4-варақлар.

бу тожикча девонидан ўрин олган худди шу ғазалларига Макнуна тахаллуси қўйиб ўзгартирилган. Шунингдек, яна шоиранинг Комила тахаллуси билан ёзилган ғазаллари ҳам тожикча девонига Макнуна тахаллуси билан жойлаштирилган.

Биз юқорида Нодиранинг янги топилган ўзбекча девонида ҳам шоиранинг Нодира тахаллуси билан ёзилган 44 та тожикча ғазали борлигини эслатиб ўтган эдик. Ана шундан 30 таси тожикча девонда учрайди.

Шоиранинг Комила ва Нодира тахаллуси тожик тилидаги шеърларини янги топилган девонидаги шеърларга таққослаб кўрар эканмиз, ҳар бир ғазалнинг охирида фақат тахаллуси алмаштирилганини ёки сўнгги байт ҳамда мисраларнинг ўзгартирилганини кўрамиз.

Масалаи, Нодиранинг 4182 номерли девонидаги: «Боз он ки месўзад дилам чун шамъи базм аз рафтанат» деб бошланган ғазалининг охириги байти:

Лаъли ҳамўшат дар суҳан хуни малоҳат рехта,
Найрангу айёри бувад аз Нодира дил бурданат; (28)

деб ёзилса, 7766 номерли Макнуна девонига кирган худди шу ғазалнинг охириги байти:

Лаъли ҳамўшат дар суҳан хуни малоҳат рехтанд,
Найрангу айёри бувад Макнунаро дил бурданат,— (21)

шаклида ўзгартирилган.

Яна Комила тахаллусидаги «сурх» радифли ғазалнинг охириги байти:

Чун Комила бинозам бар ҳусни он шакарлаб,
К-аз васфи лаъли ў шуд дар коми ман забон сурх,—

деб ёзилган бўлса, 7766 рақамли Макнуна девонига киритилган худди шу ғазалнинг охириги байти қўйидагича ўзгартирилган:

Макнуна мебинозам бар ҳусни он шакарлаб,
К-аз васфи лаъли ў шуд дар коми ман забон сурх (46).

Бу девон шоиранинг ўзи ҳаёт вақтида, унинг фармони ва адабиёт аҳлларининг ташаббуси билан тузилганлиги учун унга кирган Нодира ва Комила тахаллусли ғазалларга Макнуна тахаллуси қўйиб ўзгартирилган.

Нодиранинг Макнуна тахаллуси билан ёзилган тожик тилидаги шеърларини яна Шарқшунослик институти фондида сақланаётган баъзи баёзларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, 660 рақамли баёзда 250 та, 2090 рақамли қўлёзмада 90 та ғазал Макнуна тахаллуси билан ёзилган.

Атоқли шоирамизнинг ижодий меросини тўла белгилашдаги мураккаб ҳолатлардан бири унинг тахаллуси ҳақида турли

ривоятларнинг тарқалишидир. Ҳозир юқоридаги қўлёмаларга асосан шоиранинг Нодира, Комила ва Макнуна деган уч тахаллус билан қалам тебратганлиги аниқланди.

Юқоридаги манбалар Нодиранинг форс-тожик тилида ҳам жуда бой адабий мерос қолдирганини кўрсатади. Лекин форс-тожик тилида ёзилган шеърлар сўнги вақтгача адабиётшуносларимиз томонидан яхши ўрганилмай келди.

Талантли шоиранинг форс-тожик тилидаги ғазаллари ҳам мазмун, ҳам бадний жиҳатдан ўзбек тилидаги ғазалларидек юксак даражада ёзилган бўлиб, шоира ижодини яна ҳам кенг ва тўлароқ ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Нодира ҳам ижодий камолотида классик адабиётнинг традицияларини изчил давом эттириб, ўзбек ва форс-тожик тилларида ҳаётий мотивлардан иборат бўлган асарлар яратди. Бу билан шоира, ҳар икки — ўзбек ва форс-тожик халқларининг асрлар бўйи давом этиб келаётган дўстлиги, ҳам-жиҳатлиги ва адабий бирлигини мустаҳкамлашга хизмаг қилди.

Ҳозирча, Моҳлар ойим — Нодиранинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган ўн минг мисрага яқин шеърини тўплашга муваффақ бўлдик. Бу эса маърифатпарвар шоирамизнинг ўз давридаги ўзбек ва тожик халқлари адабиётни ривожига баракали таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.



МУҲАББАТ ВА ҲАЁТ ЛИРИКАСИ

Нодира ўз ижодий фаолиятида ўтмиш адабиётнинг традицияларига амал қилди. Ўзидан илгари ўтган, жумладан, Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Отойи, Навоий, Бобир, Фузулий, Бедил, Зебуннисо каби сўз санъаткорларининг ижодий маҳоратидан ўрганди ва ўрнак олди. Аммо шоиранинг ижодий камолотида «муаллимни аввал», шубҳасиз, Алишер Навоий эди.

Алишер Навоий ўз ижодини эл-юрт манфаатларига қаратди. Кишиларни адолатга, маърифатга чақирди. Ўзаро низо-ларни, адоват ва риёкорликни қоралади. Инсон ҳаётидаги энг нозик ҳиссиётларни, гўзал инсоний фазилатларни тарғиб қилди. Алишер Навоий ижодида мавжуд бўлган бундай фазилатлар Нодира ижодида ҳам кенг ўрин эгаллайди. Нодира Навоийнинг лирик мисраларига ҳамоҳанг бўлган, худди ўша вазн, ўша қофияда шеърлар ҳам ёзди.

Масалан, Навоийда:

Тугонди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфарони юз
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни⁴²;

Нодирада:

Қизил қондур сиришким, заъфарондур чеҳран зардим.
Мени ким кўрса фарқ этмас, хазон бирла баҳоримдин (356₂).

Бу икки байтда вазн ўлчови, услуб, бир неча сўзнинг ўхшашлиги, мазмун ва маънонинг бирлигини сезамиз. Ҳар иккала байтда ҳам биз икки санъаткорнинг чуқур инсоний кайфиятларни изҳор қилиш учун ошиқнинг ички ва ташқи ҳолатларини табиат ҳодисалари билан қиёслаш приёмидан

⁴² А. Навоий, Ҳазойинул маоний, 1-том, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 656-бет.

фойдаланганлигини кўрамиз. Чунончи, Навоийда ҳасрат билан заъфарон бўлган ошиқ ўз баҳорининг куз билан алмашганидан шикоят қилган бўлса, Нодиранинг лирик қаҳрамони ҳам худди шундай нола чекади. Унинг газалида Навоий асарларидаги образлар баъзан такрорланса-да, аммо юксак инсоний ҳис-туйғулар ўзига хос услубда жозибали ва таъсирли ифодаланади.

Нодира кишининг энг нозик ҳиссиётларини ифода этмоқ учун Навоий қўллаган параллелизм усулидан фойдаланади, шунингдек, образ ва табиат лавҳаларини алоҳида талант, ўзига хос маҳорат билан тасвирлайди. Бу жиҳатдан қуйидаги мисол ҳам характерлидир. Навоийда:

Қўрқутма мени томуғдин, эй зоҳиди ях,
Жаннат манга бўлғуси дебон урма занах⁴³.

Нодирада:

Ишонма, лофи муҳаббатдин урса элга занах
Ки бордур ишқ ила зоҳид ароси юз фарсах (471).

Бу мисралар худди Навоий газалининг давомидек сезиладди. Шу байтларда вазн бошқа, қофия айнан бўлгани билан дунёвий муҳаббатнинг улугвор кучи, бу ишқ олдида зоҳиднинг ожизлиги Навоий гоёларига оҳангдош сатрларда тараққий этилади.

Навоий салафларидан Эрон шоири Ҳофизда:

Зоҳид ба таъна гуфт «биррав тарки ишқ кун!»
Муҳточи чанг нест, биродар, намекунам⁴⁴.

Мазмуни:

Зоҳид таъна билан: «Бор ишқни тарк қил», дейди,
Эй биродар уришмоқнинг ҳожати йўқ, тарк қилмайман.

Навоийда:

Қилур жунуну қадаҳ манъини манга зоҳид,
Дегайму телбага бу сўзни бўлмаса аблаҳ⁴⁵.

Нодирада:

Тарки ишқ эт, деди менга зоҳид,
Демади ҳеч телба мунча қабиҳ (431).

Ҳар учала байтда дунёвий лаззатлардан кўз юмган сўфилар, таркидунёчи зоҳидлар шаънига қаттиқ таъна қилинади. Шунингдек, уларнинг барча салбий томонлари аёвсиз фош қилиб ташланади. Бироқ шу умумий муштарақлик билан бир-

⁴³ А. Навоий, Ҳазойинул маоний, 1-том, 747-бет.

⁴⁴ Ҳофиз, Девон, Адабиёт музейи фонди, инв. № 28, 252-бет.

⁴⁵ Навоий, Ҳазойинул маоний, 1-том, 553-бет.

та, булар ўртасида анча тафовут ҳам яққол сезилади. Навоий байтида зоҳид май ичишни тақиқласа, Ҳофиз ва Нодира байтида зоҳид «тарки ишқ эт» дейди, яъни севишни манъ қилади. Бу масалада Ҳофиз зоҳид билан келишувчилик йўлини тутса, Нодира «ҳеч бир аблаҳ бу сўзни сўзламайди» деб зоҳидни масхаралайди. Бу фикр Нодиранинг Ҳофиз ва Навоий ижодига етук санъаткор ва ижодий жиҳатдан юксак маҳорат эгаси бўлган шоира сифатида ёндашганлигини кўрсатади.

Ҳофиз, Навоий, Отойилар дунёвий адабиётнинг ҳомийси бўлиб гавдаланди. Масалан, Отойи:

Саъи этар зоҳид мени жаннатнинг эски боғина
Мен борурменму юзунгтек навбаҳоримдин йироқ⁴⁶.

деб ҳақиқий ҳаёт гўзаллигини улуғласа, Нодира ҳам ҳаётни ёрсиз, ҳамдард дўстларсиз тасаввур қилолмаслигини қўидагича куйлайди.

Гар бўлмаса висоли менга жаннатда не бор,
Дўзах эрур кўзумга гар жаннатда бўлмаса ёр! (258₂).

Нодиранинг классик адабиёт традицияларини ижодий ўргангани, ундан илҳомланиб янги асарлар яратганини шоиранинг поэтик асарларида, шу жумладан, Навоийга бағишлаган мухаммасида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маълумки, умуман, Шарқ классик поэзиясида бир шоирнинг иккинчи бир шоирга бўлган муносабати, муҳаббати, ижодий ҳамкорлиги турлича шаклланади. Бу муносабатнинг, ижодий ҳамкорликнинг энг машҳур ва кенг тарқалган усулларида бири тахмис (арабча «бешлантириш» демакдир) усулидир. Бир шоирнинг иккинчи бир шоир ғазалига қилган тахмис, яъни унга қўшилган мисралар вазн ва қофия мослиги билангина эмас, балки мазмун, фикр, мушоҳада, образлар жиҳатидан ҳам бир-бирига органик боғланганлиги билан характерланади. Ҳатто, тахмис қилган иккинчи шоирдан ўз қудратига яраша ғазалдаги фикрларни маҳорат билан ривожлантириш ҳам талаб қилинади. Масалан, Навоийнинг «Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум» деб бошланган ғазалига Нодира боғлаган саккиз банддан иборат мухаммаснинг ҳар бир бандида шоира бадий образларни Навоийдаги бадий образларга мослаштиришга, тенглаштиришга муваффақ бўлади.

Нодира ҳам Навоийдек висол орзуси иштиёқини зўр ҳаяжон ва эҳтирос билан куйлади. Бу мухаммасни бир шоирнинг қалам ҳақсули деб тушуниш мумкин. Чунки тил, услуб, изланиш, оҳанг, бадий образлар, ички кечинма, умид ва кай-

⁴⁶ «Ўзбек адабиёти», 1-том, 1959, 294-бет.

фият, сабр ва матонат каби инсон руҳининг турли ҳолатларини акс эттириш жиҳатидан бу мухаммас катта бадий маҳоратнинг маҳсулидир. Биз мухаммасни қисқартиб берамиз:

Сўроғинда биёбонлар кезиб бе поу сар юрдум,
Қуюндек чарх уруб жисмим, ғуборим кўкка совурдум,
Сен азм айлаб кетарга, мен бўлуб бемор қайгурдум,
Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум.
Санга жон бирла кўнглумни, сени тегирига топиурдум.

Видоингли қилурда куйди жоним хайрбодидни,
Фалак сақфи қорарди дуди оҳимнинг мидодидин,
Жаҳон зулмат саройи дуди оҳим имтидодидин,
Нишондур тийра бўлгон ахтари бахтим саводидин,
Туганларким, фироқинг ўтидин ғам шони куйдурдум...

Зарар қилмас муҳаббат аҳлига агёрни(нг) таъни,
Эрур бадҳоқларни(нг) гуфтгўйи барча бемаъни,
Буқун, эй Нодира, бошдин кўюб тожи мурассаъни⁴⁷,
Макон гулхан кулин қилди Навоий телбадек яъни,
Жунун торожидин охир қаро туфроққа ўлтурдум⁴⁸.

Шоира Навоий ғазалига тахмис қилар экан, унинг фикрларини кўпроқ давом эттиришга, шоир томонидан қўйилган фикрий муаммоларни шарҳлашга, кенгайтиришга, шу йўл билан уларнинг мантиқий тўғри ривожланиб боришига эътибор билан қараган.

Шуниси характерлики, мухаммасда Навоийнинг маъшуқага қарата айтган фикрлари ўз маъносида қолгани ҳолда, Нодира, ошиққа қарата сўзлайди ва мушоара формасини қўллайди. Лекин фикрдаги уйғунлик, сўзларнинг тартиби асарда бир бутунликни ташкил қилиб қола беради. Икки қалам кучи билан бир муаммо ечилгандек бўлади:

Қошинг ёси таманносидадур пайваста қаддим ҳам,
Юрак захмига марҳам истаб этмасман тараддуд ҳам,
Кўнгул новакларингни (нг) захмидин роҳат топар ҳар дам,
Нигоч бирла бошоққим, танда қолмиш улдурур марҳам,
Жунундинким, фироқинг ўқларин жисмимда синдурдум.

Бундаги биринчи мисрада ошиқнинг қадди «хам»лиги севгилиснинг қошлари ёсига ўхшатилади. Изтироб ва алам чеккан инсон қоматининг эгилишини камонга ўхшатиш анъана бўлиб келган. Иккинчи мисрада қош камонидан отилган ўқ натижасида ўз қалбининг жароҳатланганига иқроп бўлади ва бу дардга даво истамаслигини, чунки севгилиснинг новаклари, яъни ўқлари захмидан кўнгул роҳат топиши мумкинлигини сўзлайди. Учинчи сатрда ҳам биринчи ва иккинчи

⁴⁷ Нодира девонининг фотокопияси, 278-варақ.

⁴⁸ Алишер Навоий, Ҳазойинул маоний, 1-том, 419-бет.

мисралардаги «ёй», «ўқ», «жароҳат» образлари давом эттирилади. Бу уч мисрадаги фикрларни Нодира Навоий мисраларидаги фикрлар билан чамбарчас боғлайди ва ўз фикрининг давомини ундан келтириб чиқаради. Юқорида шоира ўзининг учинчи мисрасидаги кўнгул роҳат топишининг босини англатишни Навоийга ҳавола қилади. Шундай қилиб, бу банднинг тўртинчи мисраси, яъни Навоий байтининг биринчи сатри шундай тузилган:

Йиғоч бирла бошоқким, танда қолмиш улдурур марҳам.

Мана, севгили ёр отган ўқ учининг ошиқ танида қолиб кетиши шоир назарида асл марҳам саналади. Бешинчи мисрасида ҳам шу фикр давом эттирилиб:

Жунундинким, фироқинг ўқларин жисмимда сундурдум,— дейиладики, танда қолган фироқ ўқларин ошиққа қанча азоб берса ҳам, лекин у севгидан куйган дилларга ором бўлади.

Нодира ижодиётидаги ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқат, инсонга шафқат ва мурувват, эрк ва ҳурриятга ташналикни қўйлаш, қолоқлик, ниҳоятда чекланган феодал ахлоққа қарши ўз замонининг илғор ғояларини тарафдор эгиш Навоийдек буюк мутафаккирнинг баракали таъсири натижасида тобора ривожлана борди.

Нодира устозининг асарларини варақлаганда ва илҳом қайнаб янги асарлар яратганида ўзини, дарҳақиқат, Навоийнинг эпик ва лирик асарларида улуғланган жозибали аёллардан биридай ҳис этади, яъни у ижод билангина эмас, балки ҳаётий ва ахлоқий нормалар билан ҳам Навоийнинг сўнмас дилбар идеалларига тенглашмоққа интилган. Буларнинг ҳаммаси Нодира қалбига — шоира шеъриятига файз ва завқ бағишлаган.

Қиссан Фарҳоду Мажнун қолди, мен ҳам ишқ аро,
Нодира, бир жон гудоз афсона бунёд айларам (348₂).

Нодира ўзининг буюк устози Навоий мактабининг истеъдодли, нозик фикрли шогирди сифатида унинг энг яхши, олижаноб анъаналарини давом эттиради. Навоийнинг:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса, яхшилик била от,—

каби чуқур мазмунли, инсонни яхшиликка чақирган, башарият тарихида муҳаббат ва ҳурмат билан хотирланишга даъват этган мисраларидан илҳомланиб, Нодира:

Хуш оқилки, айлаб яхшилик бунёддини маҳкам,
Ўтар бу даври фонидин ўзини неқном айлаб,— (36₂)

деб ёзди ва кишиларга, ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилишга ва шу туфайли абадий ном қолдиришга ундади.

Шарқ классик адабиётининг йирик намояндалари Ҳофиз ва Бедил каби илғор ижодчиларнинг асарларидан ҳам Нодиранинг баҳраманд бўлгани кўзга ташланади. Буни биз шоиранинг Макнуна девонининг саҳифаларида ҳам, унинг Бедил ғазалига боғлаган мухаммасида ҳам аниқ кўрамиз.

Нодиранинг форс-тожик тилида ҳам гўзал, таъсирчан шеърлар ёзиши бежиз эмас эди. Чунки Урта Осиё халқларининг адабиёт аҳллари, шу жумладан, биринчи навбатда ўзбек адабиётининг буюк намояндалари традиция бўйича форс-тожик тилларига катта ҳурмат билан қараб, форс-тожик тилини ўрганишни ўзларига шараф деб билган эдилар. Бу ҳақда совет олими машҳур шарқшунос Е. Э. Бертельснинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир:

«... XV асрдан бошлаб, адабиётнинг ўзбек тилида ривожланиши форс ва тожик тилида мавжуд бўлган адабиётлар шу вақтдан бошлаб фақат Урта Осиёда яшовчи тожик аҳолисининггина бойлиги бўлиб қолмай, балки ўзбек халқининг ҳам бойлиги эканлигини кўрсатади. Форс-тожик тили ҳамон ўзбекларнинг иккинчи адабий тили бўлиб қола беради.

Форс тили мактабларда ўрганилди, форс классик адабиётини билмаган кишилар ўқимишли киши ҳисобланмас эди. Ҳатто Муҳаммад Аминхўжа Муқимий сингари шоирлар ҳам ўз она тили билан бир қаторда форс тилини ҳам эгаллаб, бу тилда анча дуруст шеърлар ёза олганлар. XIX асрдаги Урта Осиё халқлари адабиётини ёзишда ҳар икки адабиётнинг бир-биридан ажралиб қолмаслиги учун ҳар иккиси устида баробар иш олиб боришга тўғри келади»*.

Нодира ҳам ўзининг лирикасида жўшқин фикрларни ифодалашда форс-тожик халқининг сўз бойлигини чуқур эгаллашга, ундаги назик ифодалар, гўзал образлар, бадий воситалардан усталик билан фойдаланишга интиланган. Бундай катта ишдаги муваффақиятнинг намунаси шоиранинг Бедил ғазалига ёзган мухаммасида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон территориясида ва, умуман, Урта Осиёда яратилган поэзияга Бедилнинг таъсири катта бўлган. Ҳатто, бизнинг давримизгача Тошкент, Қўқон, Бухоро, Андижон, Хива, Самарқанд, Наманган каби шаҳарлардаги адабий давраларда «бедилхонлик» кечалари уюштирилгани ва шоир асарларини шарҳлашга адабиёт ихлосмандларининг ғоят қизиққанлиги маълум.

Бедилнинг ўзбек адабиётига таъсири айрича ўрганишни талаб қилади:

Нодира Бедилнинг:

* Е. Э. Бертельс, Персидская литература в Средней Азии, «Советское востоковедение», т. V, М.—Л., 1948, стр. 227.

Илоҳи, бора тамкине дами ваҳшинигоҳонро,
Ба қадри орзуи мо шикасте качкулоҳонро,—(22)

деб бошланган ғазалига боғлаган мухаммасида Бедил ғазалидаги чуқур ҳаётий фикрларни давом эттиради.

XIX асрда Ўрта Осиёда Озарбайжоннинг улуг шоири Фузулийнинг адабий мероси кенг тарқалди ва унинг лирик ғазаллари бу ўлкаларда яшаган ижод аҳлларига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди.

Нодира ҳам Фузулийга зўр ҳурмат билан қараган. Унинг асарларига назира ёзар экан, шеър қофиясини сақлаш учун озарбайжон тилининг баъзи элементларини қўллайди.

Биз муқояса йўли билан Фузулий ва Нодиранинг ўхшаш ғазалларидан намуналар келтирамиз:

Фузулий:

Эй кўнгул, ёри иста, жондан кеч,
Сари-қўйин кузат, жаҳондан кеч⁴⁹.

Нодира:

Васли ёр истасанг, жаҳондин кеч,
Ҳарна мақдуринг ўлса, ондин кеч (42₂).

Еки:

Эй кўнгул, ёр учун жаҳондин кеч
Ҳаваси боғу бўстондин кеч (41₁).

Фузулий:

Кимсада рухсорина тоқати наззора йўх,
Ошиғи ўлдурду шавқ, бир назара чора йўх⁵⁰.

Нодира:

Ер керак ошиқа, менда севар ёр йўх,
Дарду ғамим беадад, сўрғали ғамхор йўх (45₁).

Фузулий:

Най кимн, ҳардамки, базми васлини ёд айларам
То нафас бордур қуруқ жисмимда, фарёд айларам⁵¹.

Нодира:

Менки фурқат тунлари ул гул юзун ёд айларам,
Булбуледурман хазон фаслида фарёд айларам.

Еки:

⁴⁹ Муҳаммад Фузулий асарлари, т. 1, Азарбайжан ССР Элмлар Академияси нэшрийяты, Баки, 1958, 102-бет.

⁵⁰ Уша асар, 107-бет.

⁵¹ Уша асар, 245-бет.

Ҳар қачоқким ул париваш васлини ёд айларам,
Чарх бунёдини бир оҳ или барбод айларам (348).

Нодира фақат Фузулий асарларигагина назира ёзиш билан чекланмай, балки ўз замондоши озарбайжон шоираси Ҳейрон хоним Думбули асарларидан ҳам хабардор бўлгани эҳтимолдан йироқ эмас.

Нодиранинг:

Эй сабо, рози дилимни беҳабар ёримга айт,
Дардлик кўнглимни(нг) аҳволини дилдоримга айт... (27).

матлаи билан бошланган ғазали Ҳейрон хонимнинг:

Эй фалак, дарду ғамим шарқини жонона етир
Сабит ғил мулк харожини ў султона етир.⁵²

матлаъли ғазалига мазмун жиҳатидан жуда яқин, ўхшашдир.

Шу юқоридаги мисоллардан кўринадики, Нодира ҳам ўз замондошлари қатори, озарбайжон адабиёти намоёндаларининг ижоди билан жуда яқиндан танишган ва ундан таъсирланган.

Нодира поэтик санъатда шарқ классик лирикасининг илгор традицияларига амал қилди, ўрганди. Шу билан бирга, талантли шоиранинг ўзи сўз гулшанидан ажойиб муаттар гулдасталар терди, унга ўзи яшаган даврнинг нафаси ва овозини сингдирди.

Нодира девонидаги лирик шеърларнинг тематик доираси кенг ва ранг-баранг бўлиб, унда шоиранинг ҳаётдан олган бой таассуротлари, ички кечинмалари ва маълум даражада тарихий-ижтимоий ҳодисаларга муносабати ўз ифодасини топган.

Нодира лирикасининг гоявий мундарижаси асосан пәззияда дунёвий муҳаббатни куйлаш, гуманизм руҳи билан суғорилган. Инсонни улуғлаш, унинг гўзал фазилатларини зўр шавқ билан мадҳ этиш, ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқат, ҳижрон аламлари, висол орзуларини зўр пафос билан куйлаш ва бу ҳақда чуқур мушоҳадалар юритиш Нодира ижодининг асосини ташкил этади. Севги, вафо ва садоқат куйчиси Нодиранинг ўзбекча девонининг кириш қисмида қуйидаги рубойини келтиради:

Ёраб, бу савод ишқда содиқ бўлғай,
Иқбол баёзига мувофиқ бўлғай,
Ишқ аҳлини(нг) хотири бўлуб хуш анди,
Мақбули табиати халойиқ бўлғай (9₂)

Маълумки, классик шоирлар ўз асарларида севги-муҳаббат темасига катта ўрин ажратганлар. Бу мавзу воситаси

⁵² Ҳейрон хоним, Сечилмиш асэрлэри, Бақы, Азэрнэшр, 1951, 27-бет.

Билан улар инсоннинг тор муҳаббат ҳисларинигина эмас, балки айни замонда ҳаёт ҳақида, инсон ва унинг гўзал фазилатлари тўғрисида, ўз замонасидаги зolim, адолатсиз хонлар, ҳукмдорлар ҳақида, инсон ҳуқуқини поймол этадиган диний ақидалар ва диннинг риёкор вакиллари — руҳонийлар ҳақидаги танқидий қарашлари билан халқпарварлик, инсонпарварлик каби гуманистик фикрларни ифодалашга интиланганлар. Уша замондаги зулм ва адолатсизликни қоралаб, диний ақидаларнинг реакция томонларини фош этганлар.

Ўзбек классик адабиётининг атоқли номояндalари Отойи ва Лутфий, Саккокий ва Амирий каби шоирлар ҳаётни тасдиқлаш, инсоннинг гўзаллиги ва камолини тараннум этиш каби дунёвий мотивларни илгари сурдилар. Буюк шоир Алишер Навоий шеърлятида эса самимий муҳаббат, вафодорлик, юксак садоқат темаси янада ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Навоий ижодида хотин-қизларнинг гўзаллиги, фазилатлари, қаҳрамонликлари, уларнинг ёрга, реал ҳаётга нисбатан самимий муҳаббатлари, она юрагининг тароналари жуда моҳирлик билан конкрет ва жонли сатрларда куйланди.

Нодира ҳам ўз ижодида инсоний муҳаббатни зўр бадий воситалар орқали ифодалар экан, инсоннинг энг мураккаб, нозик ҳиссиёти бўлган севгининг моҳиятини чуқур очишга ва унга кенг ижтимоий мазмун беришга интилди.

«Нодира ижодининг энг муҳим фазилатларидан бири шундан иборатки, — дейди профессор Воҳид Зоҳидов, — шоирада фантазия, фикр парвози зўрдир, эркин, озод фикрлилик кучлидир. У мураккаб инсон психологияси, ички дунёсини, нозик ҳиссиётини чуқур очишга ва кенг акс эттиришга интилади, инсоний муҳаббатни ажойиб воситалар билан куйлайди. Шу ҳиссиёт севгини баъзан дин ақидаларига ва тақводорларга қарши қўяди, шу ҳиссиёт севгини бир неча бошқа муҳим ижтимоий масалалар билан боғлаб олиб ифодаляди. Бу нарса Нодира ижодий фаолятида қўйилган ва куйланган муҳаббатнинг кенг кўламда эканлигидан дарак беради»⁵³.

Жаҳонда бўйлаки бўлмишмен ишқ ойнаси.
Менга зиёда бўлур ёр ҳуснидин ҳайрат. (30).

Ўзини «ишқ ойнаси» деб танитган Нодира ҳақиқий севги кншининг маънавий ҳастига роҳат ва севинч бахш этгани каби, ижодий меҳнатда ҳам маҳорат, жасорат ва мардликчи ундовчи ижтимоий фактор эканлигини тушуниш даражасига ета олди ва бу ҳақда шундай хулосага келди:

⁵³ В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан, ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1961, 177-бет.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт! (28₁).

Бу қисқа, аммо мазмундор мисраларда муҳаббат ҳақиқий инсон ҳаётининг фазилати экани таъкидлаб ўтилади. Нодира ҳар қандай муҳаббатни эмас, балки чин қалбдан пайдо бўладиган самимий муҳаббатни куйлади. Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинскийнинг фикрича, инсонга, хусусан, «аёлларга муҳаббат юксак ҳиссиётдир. Аммо у бошдан эмас, қалбдан чиққандагина ҳақиқийдир»⁵⁵. Нодиранинг ҳам муҳаббат ҳақидаги фикрлари чин қалбдан чиққан теран мушоҳадалардир.

Шу муносабат билан Нодирадаги образлар диапазони-нинг кенглигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Одатда ўтмишдаги лирик шоирларнинг асарларидаги тематик доира фақат ошиқ ва маъшуқанинг лирик кайфияти билан чекланган бўлса, Нодира аёлларнинг ички кечинмаларини ифодалаб, ўз фикрларини маъшуқанинг ошиққа нисбатан бўлган муҳаббати, садоқати доирасида давом эттиради.

Нодира яшаган даврда айниқса хотин-қизларнинг қисмати жуда оғир ва фожиа эди. Улар жисмоний, руҳий хўрланар, севиш ва севилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Чунки уларнинг тақдири отанинг, оғанинг ва эрнинг хоҳишига боғлиқ бўлиб, шафқатсизлик билан ҳал этилар эди. Жуда ёш қизларни ҳам паранжи ичида сақлаш, зўрлаб эрга бериш авж олган эди. Шундай шароитда Нодира муҳаббатсиз ўтган умрни мақсадсиз ва маъносиз ўтган умрга тенглаштирди. У лирик газалларида муҳаббатнинг ғоявий мазмунини очишга, унинг инсон ҳаётида нақадар чуқур ва зўр қудратга эга эканини кенг маънода тушунтиришга интилди:

Жаҳонда, Нодира, ишқ ихтиёр эт,
Муҳаббатсиз кечургон хайф овқот! (24₁)

Диний хурофот ҳукмрон бўлган, хотин-қизларга ожиза, заифа, чўри деб қаралган ўтмиш замонда уларнинг қалб ҳислари севгиси, хоҳиши билан ҳеч ким ҳисоблашмас эди. Аёллар севиш ҳамда севилиш йўли билан эмас, балки молдек қалин ва пул баробарида сотиб олинар ва чўридек хўрланар эдилар. Бундай адолатсизлик шоиранинг нозик қалбини эзар, у дугоналарининг қийноқ, азоб, қўрқув остида яшашларидан бениҳоя изтироб чекар ва уларнинг бундай оғир қисматидан зорланар эди:

Куюб, эй Нодира, олам элга,
Муҳаббат шевасини ошкор эт! (28₁)

Бадий юксак ва фикрий теран бу сатрларда шоира замонасида ҳал қилиниши керак бўлган масалаларни, жумла-

⁵⁵ В. Г. Белинский, Собрание сочинения, т. III, М., 1948, стр. 9.

дан, турмушда, онлада муҳаббат тенглигини дадиллик билан майдонга ташламоқчи бўлади.

Ҳар кимда агар бор эса осори муҳаббат,
Лайлар анга маҳбублар изҳори муҳаббат.
Роҳат тиласанг, ишқ биносини паноҳ эт,
Осуда эрур сояи девори муҳаббат (572).

Нодиранинг севги лирикаси ўзининг жўшқинлиги, раволиги, вафодорликка ундаши билан халққа манзур бўлди. У ўзининг тожик тилида яратган ва муҳаббатни тараннум этган ғазалларида ҳам ўз даври учун жуда оригинал фикрлари баён қилади. Масалан, тожикча «муҳаббат» радибли ғазалида «Дили ғампарвариман кони муҳаббат», яъни «менинг ғамгин кўнглим севгининг конидир» деб тушунтирган шоир ачирдан ҳам олижаноб инсоний кечинмаларнинг оташин куйчисидир. Қоронғи, мудҳиш, шафқатсиз феодал жамият шароитида севгини — юракка яқин кишини қадрлаш туйғусини унутилмас сатрлар билан дилга жо этган санъаткор, албатта, замонамизнинг бахтли ва эркин авлоди назарида ҳам халқ ҳурматига лойиқдир.

Эй зулфи сиёҳи ту шабистони муҳаббат,
Анвори чамолат маҳи тобони муҳаббат.

Бе ҳарфи хушат зиндағие нест ба дилҳо.
Чонон, лаби лаъли ту бувад чони муҳаббат...

Бошад руҳи ту маъдани раъноию хўбӣ.
Бошад дили ғампарвари ман кони муҳаббат.

Афғону ғаму оҳу чафоу ситаму доғ,
Ин аст ба даврони ту сомони муҳаббат.

Охир адаби ишқ ба сахрон чунун зад,
Бишкаст чафоҳои ту паймони муҳаббат.

То чанд кунӣ хоки мазаллат ба сари мо,
Эй чони муҳаббат, машикан шони муҳаббат.

Хоҳӣ ситаму зулм намо, хоҳӣ шоят,
Макнуна бувад банди фармони муҳаббат (41).

Мазмуни:

Муҳаббат туни зулфининг қоралигидандир,
Жамолигининг нурлари муҳаббатнинг тўлини ойидир.

Ёқимли сўзларингизсиз дилга ором йўқ,
Сенинг лаъли лабинг ёқимлилиги муҳаббат аҳлининг жонидир.

Сенинг юзинг раъноликнинг ва ғўзалликнинг маъдани бўлса,
Менинг ғампарвар дилим муҳаббатнинг конидир.

Афғон, ғам, оқ, жафо, ситам ва доғ —
Сенинг даврингда муҳаббатдан ҳосил қилган давлатим
шуларди.

Ишқнинг мактаби мени жиннилик саҳросига олиб борди,
Сенинг жафоларинг муҳаббат аҳди паймониини синдирди.

Қачонгача хорлик туфроғини бошимизга сочасан,
Эй муҳаббатнинг жони, муҳаббат шон-шавкатини синдирма!

Хоҳ зулму ситам кўрсат, хоҳ иноят қил,
Макнуна муҳаббатнинг фармонига қулдир.

Нодира лирикасида севги ва севилувчининг нозик ҳисси-
ётлари, руҳий кечинмалари етук лавҳаларда тасвирланган.
Унинг муҳаббат рисолаларида ошиқ ва маъшуқанинг қалб
ҳарорати баланд руҳ билан куйланади:

Эй хуш ул ёрки, ёри бирла ҳар шому саҳар,
Қилсалар бир-бирининг ҳусну жамолига назар (52).

Шоира муҳаббатнинг ҳаётбахш чашмаларидан баҳраманд
бўлишни орзу қилган хотин-қизларнинг энг улуғ ниятларини
ҳимоя қилди. «Бўлса то умри ҳаётим боқи, мени илкимдуру
домани вафо» деган шоира вафо ва садоқат муҳаббатнинг
асосини ташкил этажагини, яшашнинг мазмуни ҳам инсонга
муҳаббат, дўстга шафқат ва чексиз вафодорликдан иборат
бўлиши кераклигини тараннум этди.

Инсоний муҳаббатга юқори баҳо берган Н. Г. Черни-
шевский: «Ошиқ-маъшуқларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши — улар
бир-бирини инсон биллиб, бир-бирини тенг кўришидадир»⁵⁶. —
деб ёзган эди. Шу мазмунни биз Нодира ижодида ҳам ку-
затамиз:

Эй, хуш он ошиқ ки дар кўн вафо,
Чони худ таслими чонон мекунад (48).

Мазмуни:

У қандай яхши ошиқки, вафо йўлида ўз жонини
жонинга фидо қилади.

Нодиранинг замондоши Увайсий эса ёридан тонган, аҳди-
га вафо қилмаган ошиқни «имонсиз» деб айтади:

Бўлди жон фито, анга ким бўлур жондин жудо,
Кимки меҳри ёридан тошурки.— имондин жудо⁵⁷.

Шоиралар ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқатнинг замирида
инсоннинг бахтиёрлиги, ҳаётдан мамнунлиги, шод-хуррам
яшашлиги ётишини тараннум этдилар. Аммо улар яшаган

⁵⁶ Н. Г. Чернишевский, Нима қилмоқ керак, Тошкент, Ўздав-
нашр, 1957, 440-бет.

⁵⁷ Увайсий девони, 9-варақ.

замона шароитида шахснинг ва муҳаббатнинг фожиали тақдирини, ишқ аҳлининг умри фиғон билан ўтганини кўрдилар.

Хуллас, реакцион ислом идеологияси ҳукмрон бўлган ўша даврда Увайсий ва Нодиралар бефаҳм, бемехр ва тошюраклардан дод деб «вафо оламда топилмайдиган бир гавҳари ноёб» эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтдилар, садоқат ва вафо мзладилар. Лекин у замонларда шоирларнинг бу истаклари орзугина бўлиб қолди. Улар чин севгини, вафо ва садоқатни қанчалик жон куйдириб қуйламасинлар, замона зулмининг аламлари, бевафолик, ҳижрон жабру ситамлари қалбни пора-пора қилди.

Жаҳон маккора золи бевафодур.
Вафо бирла кўнгулли қилмади шод. (52₁).

Нодиранинг шахсий ҳаётида ҳам чинакам хурсандчилик бўлмади. Лекин руҳан тетик шоира аянчли ҳаётда умидсизланмади. Аксинча, «фалак жафолари тигидан жисми пора-пора» бўлса ҳам ишқ муҳаббат йўлида ижод қилиш муддао эканлигини куйлади.

Эрур ишқу муҳаббат муддао ижоди оламдин,
Гараз бу жазбан тавфиқдур кавну макондин ҳам. (348₂).

Муҳаббат кишвари обод эрур иқболу жоҳимда,
Тонг эрмас бўлсалар ишқу жунун аҳли паноҳимда.

Муҳаббат кишвариди дастгоҳимни томоша қил,
Фалакни гардани боглиқ каманди дуди оҳимда (241₂).

Мавж янглиғ сувга сол, ё шамъ янглиғ ўтлара,
Ишқ ичра ҳар на бўлса банди фармонингам. (352₂).

Нодира лирикасида севишганларнинг бир-бирларига етишиш учун интилишлари, вафодор қалбларнинг айрилиқ ва хасталикда чеккан кулфатлари, васлга етишиш йўлида минг балоларга рўбару бўлганда ҳам ёрга содиқ қолиш истаги санъаткорона тасвирланади.

Нодиранинг «Дило ба ишқи бутон толиби вафо мебош» деб бошланган ғазалида ишқу муҳаббатнинг шартин вафо ва садоқат эканлигини ва бунга амал қилиш кераклигини таъкидлаб замонасига нисбатан илғор фикрларни баён этади:

Дило ба ишқи бутон толиби вафо мебош,
Ҳамеша бар дари аҳли вафо гадо мебош.

Хушаст шеваи бегонаги зи бедардон,
Ба ҳар диле ки бувад дард, ошно мебош.

Вафо шукӯфта гули гулшани муҳаббати ўст,
Ба ҳар тарик ту Макнуна дар вафо мебош (89).

Таржимаси:

Эй кўнгул маҳбублар ишқида тут шарти вафо,
Донмо аҳли вафолар эшикида бўл гадо.

Ишқи йўқ бедардлардан юз ўгирмоқ яхшироқ,
Қайда бўлса дард аҳли анга бўлгил ошно.

Ишқ боғида вафо гўё очилган гул эрур,
Эмди Макнуна ҳар йўл бирла маҳкам тут вафо.
(Анисий таржимаси).

Нодира «Он ки» деб бошланган ғазалида бепарво, жафокаш ошиқ ва ёрга садоқатли, лекин донмо айрилиқда, унинг ғамида бахти қаро бўлган маъшуқанинг ҳис-туйғуларини контраст — қаршилантириш приёми орқали усталик билан ифода қилади.

Он ки дилсанг, ситамгору, чафочўст, туй.
Он ки маъюси балодидан зор аст, манам...
Он ки хуршед бувад дар фалаки ноз туй.
Он ки чун соя сияхрў зи нигораст, манам (III).

Мазмуни:

У ки, дили тош, жафокор бўлса, сенсан!
У ки, ноумид балога дучор бўлиб йиғлаган менман!
У ки, ноз осмонининг қуёши бўлса, сенсан!
У ки, нигор олдида соядек қора кунга учраган менман!

Нодира бу сатрларда вафосизлик ва жафодан соядек қора кунга учраган, сиёнаси афгор бўлган маъшуқанинг оху надоматларини тасвирлайди. Шоира ҳаётда роҳат кўрмаган, эркин нафас олишга интилган, ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлишни истаган тутқун хотин-қизларнинг орзу-тишакларини умумий тарзда бўлса ҳам куйлашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Нодира ижодиётидаги бу характерли хусусият ўша даврда мавжуд бўлган илғор адабиёт вакиллари ижодиётида ҳам мустаҳкам ўрин олган эди. Чунончи, шоиранинг замондошларидан шоир Ғозий қуйидаги сатрларида қаршилантириш приёми орқали ўша замонда жафо чекканларнинг ичкў хиссиётини шундай тасвирлайди:

Ҳама жабру чафо, меҳру вафо он аз ту, ин аз ман,
Задан санги ситам, доим дуо — он аз ту, ин аз ман.
Кашидан теғу меҳру гардани таслим ҳам кардан
Қамар бастан ба кин, сад марҳабо — он аз ту, ин аз ман⁵⁸.

Мазмуни:

Ҳама жабру жафо, меҳру вафо-у сендану, бу мендан.
Ситам тигини урмоқ, доим дуо қилмоқ-у сендану, бу мендан.

⁵⁸ Азиз Қаямов, Ғозий, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 18-бет.

Тиг кўтариш, муҳаббат ва бўйин эгиш таслим бўлишлик,
Емонликка бел боғлаш, юз марҳабо-у сендану, бу мандан.

Нодира ва Ғозий каби шоир ва шоираларнинг мана бундай ёрқин фикрлари энг яхши инсоний туйғулар инъикосидир. Бу эса шеърятнинг ҳаётбахш бўлиб қолишини таъминлайди.

Навойи:

Ки ишқ аҳлидин ўлгай дostonс,
Муҳаббат хайлидин қолгай нишоне,—

деса, Нодира ҳам у куйлаган ишқ-муҳаббатнинг афсоналари дoston бўлиб оламга тарқалишини қуйидагича ифодалади:

Аз китоби ишқ чандин дoston дорад дилам,
Ҳамчу доғи лола аз савдо нишон дорад дилам (108).

Дар муҳаббат булъачаб афсонаҳо ангехтам,
Дар чаҳон овозан ин дostonам меравад (57).

Мазмуни:

Ишқ китобидан дилимнинг кўнгина дostonлари бор,
Лола дилидаги доғ каби ишқ савдосидан дилимнинг доғлари бор.

Муҳаббат йўлида ажойиб афсоналар қолдирдим,
Бутун оламга шу дostonимнинг овозаси, шуҳрати тарқалажак.

Нодира лирикаси ҳассос қалбнинг садоси, ростгўй дафтари деб аталишга лойиқдир. Нодира расман «малика» бўлса-да, мусулмон шарқи аёлларининг оғир қисматидан озод эмас эди. Бинобарин, Нодира лирикасидаги фарёдлар анча чуқур социал мазмунга эгадир. Шоиранинг «оташ аст» радибли бедилона ғазалида ўртанаётган юракнинг ҳароратли истаги билан ҳаётдаги зиддиятлар ўртасидаги ҳолат ёрқин ифодаланган:

Бе ту дар базми тараб мавчи шаробам оташ аст,
Бе ман лаъли лабат нуқлу кабомам оташ аст.
Васл мушкул, ёр бепарво, фиғонам бе асар,
Дўстон раҳме ки дар чони харобам оташ аст.
Аз табу тоби дили зорам малурс, эй ҳамнафас,
Шамъи ҳичронам табам — доғасту тобам — оташ аст.
Зоҳиди хушк аз чи мепурсей зи ҳоли зори ман,
Синаи пурҳасрате дорам, чавобам оташ аст.
Дар каломам нест Макнуна ба ғайр аз сўхтан,
Дафтарам — маҷмуан доғу, китобам — оташ аст. (41).

Мазмуни:

Сенсиз хурсандлик базмларида менинг шароб тўлқинларим оташдир,
Сенинг лаъли лабинг майнисиз газак ва кабомим оташдир.

Етишмоқ қийин, ёр бепарво, фиғоним таъсирсиз,
Дустларнинг меннинг хароб жонимга қилган марҳаматлари ҳам
оташдир.

Дилимни қиздирган иситмалардан сўрама, эй улфат,
Айрилиқ чирогиман, иситмаларим — доғ, иссиғим — оташдир.

Менинг ҳоли зоримдан нима сўрайсан, эй қуруқ зоҳид,
Ҳасратга тўлган кўкрагим бор, жавобим оташдир.
Мен, Макнунанинг сўзларида қуйинишдан бошқа нарса йўқ.
Дафтарим — доғ тўпламю, китобим — оташдир.

Инсоний эҳтиёж ва интилишларни ифодаловчи сермазмун лирик сатрлар шеърнинг мазмун ва бадиий жиҳатдан камолотга эришганлигидан далолат беради.

Нодири яшаган давр, шароит, муҳит жуда мураккаб эди. Бу ҳол шоиранинг ижодий фаолиятига таъсир этмасдан қолмас эди. Нодиранинг кечинмалари, ўй ва фикрларидаги қарама-қаршиликларни кўрсатувчи, ўша мураккаб шароит ва зиятини акс эттирувчи, ҳаёт ва инсонни улуғловчи «этиб кет» радибли ғазали характерлидир:

Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.

Олам чаманини булбулисен,
Гул шохда ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет! (53)

Нодири бу реалистик тасвирда жаҳонни бир чексиз, бепойн чаманга, инсонни эса шу чаманининг булбулига ўхшатади. Бу билан шоира инсон ва унинг ҳаётини қадрлашга, севишга, ҳаётда бирор яхши иш билан ном қолдиришга чақиради. Нодири яшашнинг мазмунини сарой доирасидан фарқли равишда жуда кенг маънода тушунади. Юқоридаги ғазал шоира ижодининг эпитафи бўла олади. Лекин Нодири ўз давридаги ярамас одатлардан, жамият иллатларидан қанчаранжимасин, уларга қарши кескин кураша олмади. Замонасининг шароити билан изоҳланган бундай қарама-қаршиликдан қатъий назар, кишини ҳайратга солувчи ҳаётбахш ғазаллари билан шоира инсофу адолатни улуғлади, кажравликни касб этган дунёни қоралади.

Нодири ҳаётни, киши бахтини куйлашдан тўхтамади. У инсонлик ғурури билан яшаш афзаллигини яхши билар, ро-

мантик орзулар огушида эзгу ниятлар томон парвоз этар эди. «Сен ўзингнинг инсонлик номингни қандай ишлар қилиб исботладинг, жаҳонга нима мақсад билан келгансан, ўз кайфиятингни баён этиб кет» деб замондошлари олдига катта талаб қўйди. У ҳаётга бўлган объектив муносабатини равон ва рангдор иборалар билан барала изҳор этди. Нодирира ижодида бундай гоёвий мотивлар муҳим ўрин тутади.!

Юқоридаги ғазал ўзининг мазмунидорлиги ва мусиқийлиги билан ўша замондаёқ катта шуҳрат топди. Залилий, Ходимий, Нодим, Роже каби замондош ва сўнги шоирлар бу ғазалга мухаммас боғладилар. Шу факт Нодиранинг ўз замонасининг забардаст санъаткори бўлиб етишганлигига далилдир.

Нодирира яхши ниятлар томон ҳаракат қилишга, кишиларни ҳам-ғусса гирдобидан чиқишга чақиради, панд-насиҳат қилади, қайғуга дучор бўлганларга тасалли беради. Бу жиҳатдан шоиранинг «гузар аст» радифли ғазали характерлидир:

Кори худро ба вақт бояд кард,
Фурсати рўзгор дар гузар аст.

Сабр кун, то фараҳ ба даст ояд,
Печутоби хумор дар гузар аст.

Эй фалак, бар шукӯди хеш маноз,
Ин ҳама гирудор дар гузар аст.

Даҳр оина аст Макнуна,
Ҳар ки гардад дучор, дар гузар аст (19).

Мазмуни:

Ўз ишингни вақтида қилмоғнинг керак,
Фурсати рўзгор ўтиб кетади.

Сабр қилсанг, фараҳ этиб келади,
Яъни дарди хумор ўтиб кетади.

Эй фалак, савлатингга қилма ғурур,
Бунчалик гиру дор ўтиб кетади.

Бу жаҳон мисли кўзгу, Макнуна,
Бўлса ҳар ким дучор ўтиб кетади.

√ Нодирира бу ғазалида инсонни ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга, сабр-тоқат билан меҳнат қилишга, фурсатни қўлдан бермасликка чақиради. Ғазалдаги бу гоё шоиранинг гуманистик дунёқарашини, дунёвий фикрларни илгари сурганини кўрсатади.

Нодирира ўз поэзиясидаги дунёвий ишқу муҳаббатни ҳамма нарсадан устун қўйиши унинг эл-юртга бўлган меҳри билан узвий боғлиқдир. Юрт севгиси шоиранинг ғўзал Фарғона

манзараларига, табиат гўзалликларига қўйган ихлоси орқали жилваланади. Ҳақиқатан ҳам ватанпарварликни ватан тупроғига ва табиатга бўлган муҳаббатдан ажратиш мумкин эмас. Нодира газалларида табиатнинг гўзаллиги, ранг-баранг табиат лавҳаларини инсонга тасалли, эстетик завқ берадиган қилиб чизади, жонли манзаралар яратади.¹

Шоира табиат лавҳаларини реалистик чизишга ва шеърларига ижтимоий-фалсафий фикрларни сингдириб юборишга ҳаракат қилган. «Соқиб, қадаҳ пур кун, фасли навбаҳор омад» деб бошланган тожик тилидаги шеърда шундай дейди:

Андалеб бо гул гуфт: «Пур машав ба худ магрур,
Чун ту сад чаман болид, хамчу ман ҳазор омад» (46).

Мазмуни:

Булбул гулга хитоб қилиб: «Сен ўзинга кўп магрур бўлма,
Сен каби юз чаман дунёдан йўқолади, мен каби минг булбул
келиб кетади».

Бундай таъсирчан сатрларда шоира табиатнинг объектив қонунларини ҳаётини воқеликка боғлаб, дунё, табиат, жамият ўзгариб туриши ҳақида, гарчи умумий тарзда бўлса ҳам, тўғри хулоса чиқаради, борлиқнинг ўзгарувчан эканлигини, доимо янгиланиб туришини уқтиради. Бунда борлиқ ва табиат ҳақидаги тушунчасини умумлаштириб, ижтимоий ҳаёт тўғрисида, инсонлар орасидаги муносабат ва бир-бирига боғланиш ҳақида сўз юритади. ✓

Шоира баҳор фаслининг чаманзор гулшани, уни безатувчи: бинафша, гули раъно, сабза, лола каби дилором гулларнинг гўзаллигини самимий юрак сўзларида тараннум этади. Унинг «Баҳор» «Бинафша», «Бинафша баҳор», «Баҳор омад» каби газаллари инсон қалбидаги ватан баҳорига бўлган ёлқинли севгининг нафис ифодасидир.

Нодира қўйидаги каби дилрабо газалларида контраст приёмини қўллаш орқали табиат лавҳаларини инсоннинг ички кечинмалари билан таққослаб мусиқавий ва юракка бориб етадиган сатрларни яратди:

Гунчалар гулшан аро очилмасун ул ёрсиз,
Гунча янглиғ то менинг кўнглум доғи қон ўлмасун.

Очмасун зулфини сунбул боғ аро дилдорсиз,
Токи сунбулдек менинг ҳолим паришон ўлмасун.

Тушмасун шабнам гул узра гулузоримдин жудо,
Токи шабнамдек кўзум ёши фаровон ўлмасун.

Абри найсон лаҳза-лаҳза ёгмасун гузорга,
Абри найсондек кўзум ҳар лаҳза гирён ўлмасун⁵⁹ (225₂).

Нодира маърифатпарварлик ғояларини куйлашга интил-

⁵⁹ Бу газал қўлёзманинг 234-варағида «бўлмасун» радифида айнан кўчирилган.

ди. Унинг илм-маърифат, савод-билим, маориф ҳақидаги фикрлари замонаси учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Нодира «хат» радифли ғазалида ўз ички кечинмаларини, ҳаёт воқеликларини конкрет тасвирлаб беради. Шу билан у турмуш ҳодисаларини умумлаштириб ифодалайди. «Менинг ҳайронлик билан қарашим тутқунликнинг хат бошисидир» деб очиқдан-очиқ бахтсиз ҳаётини тасвирлайди. Шоира заъфарон юзидаги қонли ёшлар фақат «хат»нинг ёрдами билан жилваланиши, қоғозга терилиши орқасидагина оламга маълум бўлишини алоҳида қайд қилиб ўтади ва бу билан яна бир марта илм-фаннинг моҳиятини, хат аҳамиятининг зўр эканлигини таъкидлайди:

Чу рўзи ман набувад тира, холи шабрангат,
Ба бахти ман зи сиёҳй, нашуд баробар хат.

Нигоҳи ҳайрати мо сархати гирифтोरист,
Бувад ба сафҳан оина мавчи чавҳар хат.

Чи нақшҳо ки ба рӯи фалак зи оҳи ман аст,
Қи дида аст дарин сафҳа зии накутар хат.

Сиришки сурх чу Макнуна бар рухи зардам
Падид гашт, зи шинграфи қоғози зар хат (93).

Мазмуни:

Сенинг оқшомранг холинг менинг кунимдек қора эмас,
Қоралик бобида менинг бахтимга хат қоралиги баробар
келолмайди.

Кўзгу юзидаги тўлқинланган жавҳар хатлари каби
Бизнинг ҳайронлик билан қарашимиз гирифтोरликнинг дебочаси.
Фалакнинг юзига менинг оҳимдан қандай расмлар тортилган,
Бу сафҳада ким бундан чиройлироқ хатни кўрибди?
Мен — Макнунанинг саргайган юзидаги қонли кўз ёшларим
Зарҳал қоғозиди кўринган қизил хатга ўхшайди.

Ғазалда шоира хатнинг турлича маъносини беради. Масалан, хат, ёзув — сурат, чизиқ, қизил бўёқ ва ҳужжат маъносиди қўлланилади. Шоира бу ғазалида ўша замоннинг зулмидан пайдо бўлган шикоятмуз фикрларини мантиқан ривожлантиради. Шоира юрак ҳаяжонланишини тўлқинга, ошнқнинг қора холни қора чизиққа, осмондаги қора булутни ўзининг қора толенга таққослаб, оригинал ўхшатишлар ва муболағалар яратган.

Умрининг охиригача тинмай ижод этган Нодира китоб ва қалам унинг доимий йўлдоши, ҳамдарди бўлиб қолганлигини бундай баён этди:

Гардонда зи рўзу шаб варақҳо
Умри гузарон — китоб дорам (107)

Мазмуни:

Кечаю кундуз саҳифаларини варақлайман,
Ҳар донм китоб билан умрим ўтади.

√Нодира ўзи яшаб ижод қилаётган муҳитдан олган таассуротларини нозик лирик кечинмалар формасида ифодалайди. Бунда шоира етук лирик санъаткор сифатида намоён бўлади. Нодира турмуш ҳодисаларини изчил кузатиши ва таҳлил қилиб бериши натижасида ўз даври воқеликларининг моҳиятини айрим замондош ва касбдошларига нисбатан анча кенг ва чуқур тушуна борди. Шунинг учун ҳам шоира шеърларида ҳаёт воқеликларини маълум даражада реалистик акс эттиришга интилди.

Нодира газалларида жамият аъзоларининг манфаатларини, жумладан, хотин-қизларнинг олижаноб инсоний фазилатларини; муҳаббат, садоқат, вафодорлик, дўстлик ва бошқа чинакам инсоний истакларни зўр маҳорат билан куйлади. У феодал-клерикал ахлоққа, хотин-қизларнинг хўрланишига ва адолатсизликка, инсон қадр-қимматининг ерга урилишига, орзу-умидларнинг бўғилишига қарши шикоятмуз кайфиятларни тараннум этди. Бу фикрларни шоира ўша замондаги хотин-қизларнинг аянчли тақдири билан боғлади. Унинг ижодида кенг кўламда куйланган аламли фарёдлар, ҳаяжонли фикр, нола, фиғонлар ана шу давр ситамларидан келиб чиққандир.

Нодиранинг энг яқин кишиси — устози Увайсий қўйидаги «Анор» чистонида анорнинг ички хоналарини зулмат ва жаҳолат чулғаб олган «ичкари» зулматига, қизил доналарини эса давр, ҳукмрон қонун-қондалар таъқибни остида дили қонга айланган ҳуқуқсиз мазлумаларга таққослаб, замона зулмидан нолийди:

Бу на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон.
Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидин олсам хабар
Юзларида парда тортиқлик турурлар бағри қон⁶⁰.

Нодира ҳам худди Увайсийдек «Менинг шиорим анор доналаридек юз пора бўлган қонли дил билан парда тортиб ўлтириш (шиори ман дар хун нашта бо дили сад пора чун анор) деб, ҳамшираси чистонининг ҳаяжонли мажозий маъносига ўз овозини, юрак садосини қўшади. Шундай қилиб, бу иккала шоира ҳам ўзлари яшаган даврдаги эркисизлик исканжасида ҳаёт кечириётган ўзбек аёлларининг руҳий кечинмаларини ифодалайди. √

Нодира «Фалакдан гар шикоят ошкор этсам, тонг эмаским, ғами-ҳижрони табдил айлади айши мудомимни», «Вафо кўрмадинг чархдин, эй кўнгил, фалакни баса имтиҳон айладинг» деб зорланди ва фалак зулмидан шикоят қилди.

⁶⁰ Увайсий, Девон, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 190-бет.

Фалакдин ўтти фиғоним, қуёшга етти уним,
Ҳануз, Нодира, кам бўлмади бу оҳу наво (18).

Нодира яшаб ижод этган давр ва умуман феодал истиб-
доди ҳукмрон бўлган ўша замондаги меҳнаткашлар оммаси-
нинг аянчли ҳаёти, барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этил-
ган мазлума аёлларнинг оғир аҳволи илғор фикрли шоир-
лар ижодида ҳаққоний тасвирланди. Нодирадан икки аср
илгари яшаган шоира Зебуннисо бундай нидо чеккан эди.

Дар ниҳон ҳунем, зоҳир гарчи ранги нози мо,
Ранги ман дар ман ниҳон чуи ранги сурх андар хиност.

Бас ки бори ғам бурун андохтам бар рӯзгор,
Чома нили қард инак бин, ки пушти у дутост.

Духтари шоҳам ва лекин рӯ ба фақир овардаам,
Зебу зиннат бас ҳаминам номи ман Зебуннисост⁶¹.

Мазмуни:

Гарчи рангим гоза бўлса ҳам, ичим қонга тўлган,
Худди қизил ранг хинода яширингандек менинг рангим ҳам
ўзимда яширин.

Ҳаётнинг устига ғам юқларини шундай ортдимки,
Худди бўёқчи букилгандек унинг (ҳаётнинг) елкаси букилди.

Подшоҳнинг қизиман, лекин йўқсулларга юз ўгирдим,
Мени номим Зебуннисолиғнинг ўзи менга зеби-зийнатдир.

Зебуннисодан икки аср кейин яшаган шоиралар ижодида
ҳам жаҳолат зулматининг азоб-уқубатлари, жабру ситамла-
ри аламли сатрларда қуйланди. Увайсий бундай зорланган:
Авалло мен ушбу дунёни вафосин билмадим,
Вожгун зое фалакнинг муддаосин билмадим.

Дўстлиғнинг неча ғамга ибтилосин билмадим,
Ваҳки, беҳуда улуснинг можаросин билмадим⁶².

Шу ижтимоий-тарихий шароитда яшаган Нодира ўзининг
илғор дунёқараши билан давр иллатларига танқидий назар
ташлади. Бу ўринда шоиранинг ушбу аламли мисраларни
келтириш жоиз бўлар:

Даврон — забуну, ёр — ситамгару, бахт — дун,
Дигар кучо расад, ҳаваси фикри хоми мо? (9)

Мазмуни:

Даврон тескари, ёр жафокор, толе паст бўлса,
Бизнинг хом фикримизнинг ҳаваси энди қаерга ҳам
етар эди?.

⁶¹ Зебуннисо, Маҷмуан шеърҳо, Нашриёти давлатӣ Тоҷикистон.
1958. 12-ум саҳифа.

⁶² Увайсий девонининг фотоси, 230-бет.

Нодира, даврон тескарн, ёр ситамгар, толе паст бўлган ўша замонда яшаганларнинг ҳамдами дарду гусса, алам эканлигидан шикоят қилди. Заҳматдан қадди букилиб, орзу-ҳаваслар хом хаёлгина бўлиб қолганидан нидо чекди. Даврнинг аламли фарёди шоира ижодида акс садо бериб турди:

Сарв янглиғ қоматимни бори меҳнат қилди ҳам,
Дард — ёру, гусса — ҳамдам, ғам — фаровон, айш — кам. (271₂).

Бу сатрларда Нодира нозик табиатига беҳисоб алам етказган, ташвиш, фитна, азоб-уқубат, ғам тиллари билан кўнглини тирнаган замонадан зорланади ва жоҳилликка нафрат ўқийди. Уша замон зулмидан жигари хун бўлган нотавонларнинг чорасиз қисматини куюниб ифодалайди:

Пийразоли чархким, ошиқ кушу маккорадур,
Жаври зулмидин юракда бениҳоя ёрадур.

Йиғламай найлайки, ғам жонимни ўртаб борадур,
Чора топмай дардига бу нотавон бечорадур (271₂).

Нодира покиза қалб эгаси, олижаноб фазилатли ижодкор бўлганлиги учун саройда шоҳона ҳаётда яшаса ҳам, ўзини маънавий жиҳатдан бахтиёр ҳисоблай олмас эди. Чунки бир томондан, қиличидан қон томиб турган хонлар, бекларнинг талон-торожлик урушлари, саройдаги жирканч ҳаёт, ҳарамдаги турли фиққу фасодлар, мамлакатдаги оғир фожиали турмуш уни руҳан эзар, иккинчидан, ислом дини ва шариатнинг қонун-қоидалари эркин фикрли шоиранинг ҳур овозини бўғар, қанотини қайирав, парвозини пасайтирав эди.

Нодира ўз замонининг нодираи даврони, маликаси бўлишига қарамай, ўтмишда бахтсизлик, қайғу ҳасрат кўрғонида кўз ёшлари тўкиб яшаган, фожиали кунларни бошидан кечирган ўзбек хотин-қизлари орасидан чиқиб кетолмас эди. Шўнинг учун ҳам Нодира ғазалларидан бирида: «мени салтанат маснадида кўриб, гумон этманг айшу фароғат билан», деб зорланди.

Нодира ижодида феодал замонида жабр-ситамга гирифтор бўлган эрксиз, ҳуқуқсиз хотин-қизларнинг чеккан изтиробни, фожиали ҳаёти, аламли кечинмаларини акс эттирувчи лавҳалар тез-тез кўзга ташланиб туради:

Соқие кўп хаста хотирман жафо давронида,
Бир қадаҳ май тугил, озод айла ғам зиндонидин.

Қолмади ман кўрмаган бедод даврон илгидин,
Доға верди кўнглуми андуҳи бепоёндин.

Этмангиз, эй дўстлар, мендин нишонун ном ким,
Ерга ворди туфроғим оҳу фиғон тўфонидин (228₂).

Нодира ўрта асрнинг адолатсиз қонун-қондаларига қарши инсоф, адолатни ҳимоя қилди. Лекин замон Нодиранинг умид-орзуларини, истакларини чилпарчин этди. Шунга кўра, шоира кўпчилик ғазалларида замондан шикоят қилди, дод солди:

Дод, аз дасти чархи шаъбадабоз,
Турфа дуньярвар асту сифланавоз.

Медиҳад халқро бо ваъда фиреб,
Ҳаст афсонахоёш афсунсоз (87).

Мазмуни:

Дод, шу найрангбоз фалакнинг дастидан, ки
Ярамас пасткашларга кулиб боқади.
Халқни эса қуруқ ваъдалар билан алдайди.
Унинг афсоналари сеҳр билан аврашдан бошқа нарса эмас!

Нодира ижодининг характерли хусусиятларидан бири — зоҳидларнинг таълимотларини қоралаш, инсоний севги, муҳаббатни оёқ ости қилишга уринган мутаассиб руҳонийларнинг кирдикорларини фош этиш, ҳаётдаги барча гўзалликларни зўр эҳтирос билан куйлашдир.

Нодира риёкор шайхларни фош қилган Навоий традицияларини давом эттирди. Унинг устод шоир Навоийдан таъсирланиб ёзган асарларидан намуналарни биз юқорида ҳам кўриб ўтган эдик. Унинг ўзи бевосита давлатни бошқаришга бош қўшган, сарой ва унинг атрофидаги турли тоифадаги кишилар билан яқиндан танишган даврида риёкор руҳонийларнинг макр ҳийлаларини, очкўзлигини ўз кўзи билан кўрди.

Шоира ўзининг «Шайх» радифли ғазалида бу риёкорлар тўдасини нафрат билан фош этди:

Риёу, хирсу тамаъ савтидур таронаи шайх,
Эшитмаким, ҳама афсус эрур фасонаи шайх.
Кўнгуллар ўлди совуқ суҳбагидан афсурда,
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқонаи шайх.
Берур ғурур ила оройиш фаши достор,
Ки худнамолиғ эрур зеби корхонаи шайх.
Топилса, Нодира, бир шайхни орифи комил,
Бошим ҳавосин этай назри остонаи шайх (44₂).

Нодира дин аҳлининг ҳам, давлат арбобининг ҳам адолатли, халққа гамхўр бўлишини истади.

Шоира ғазалларида шарият ҳаром деб эълон қилган май, соқий, қадаҳ таъбирларини ҳам кўплаб ишлатади. У лирик ғазалларидан бирида:

Келди мазмум муҳаббат йўлида зуҳди риё,
Бодадиге айлама парҳез, дамо-дам, қадаҳ ич (35₂), —

дейди. Яъни «Муҳаббат йўлида зуҳди риё, тақводорлик ёмон кетди, кел бодадан парҳез қилмай қўя қол, дамба-дам қадаҳ

ич», деб зуҳд ва риёкорликка қарши муҳаббат, шодлик, ҳаёт эркинлигини тараннум этди. У муҳаббат шаробини ичиб, ундан лаззатланиш, ибодат ўрнига ишқ намозини ўқишни афзалроқ деб таъкидлайди:

Нодира, жомя муҳаббатни лабо-лаб ичибон,
Мастлиғ бирла қилай ишқ намозини адо (13₂).

Ўз муродига, ёр васлига етишиш учун зоҳидлардан ва уларнинг манфур таълимотларидан юз ўгириш мумкинлигини пешқадам санъаткорларга хос фаросат ва жасорат билан куйлади:

Соқий, менга қидаҳ тут, бу дайр аро лабо-лаб,
Зуҳд аҳлидин ўсондим, тутдум сенингла машраб (31₂).

Биз Нодиранинг замонаси учун прогрессив аҳамиятга эга бўлган ижодини қайд этиш билан бирга, унинг феодал зўравонлиги ва ислом ҳукмронлиги даврида яшаганлигини ва ўзи ҳам феодал жамиятнинг аристократия доирасига мансуб эканлигини унутмаслигимиз керак.

Нодира шайхларнинг реакцион таълимотларини қораласа ҳам, умуман, уларга хайрихоҳлик билан қарар эди. Унинг саройдаги шайхлардан бирининг вафотига бағишлаб ёзган шеъри фикримизнинг исботидир. Шоира ўзбекча девонининг муқаддимасида ҳам «Сайид ва содот, машойих ва уламолардан туҳаф ва ҳади бирла дуолар олдим... зуҳд аҳлига ихлос ва ақидат заҳр қилдим», — деб ёзган. Бундан кўринадики, шоира ўз даврининг фарзанди сифатида ҳукмрон диний эътиқоддан четда туролмаган.

Нодиранинг ижодида баъзан учрайдиган диний мистик майллар, оҳ-нолалар ўша муҳит билан боғлиқ эди. Шунинг учун шоира асарларида айрим мистик кайфиятлар ҳам акс этган. Шунга қарамасдан, бу олижаноб инсон ўз шеъриятида ҳақсизлик, жаҳолат, тенгсизликдан шикоят қилди ва, айниқса, хотин-қизлар тақдирининг аччиқ оқибатларидан фарёд этди, ҳаётда эзгуликни улуглаб, инсоний орзуларни куйлади. Ана шу томонлари билан Нодира ўзи мансуб бўлган синф доирасидан маълум даражада юқори кўтарилган олди ва ўз ижоди билан демократик йўналишдаги адабиётга мойиллик кўрсатди. Шу туфайли ҳамма давр адабиёти ихлосмандлари учун яқин ва азиз бўлиб қолди.

Эзгу ниятлар, гўзал романтик орзулар билан яшаган шоира жаҳолатдан, риёдан, адоватдан холи бўлган яхши бир куннинг ҳаёли билан банд бўлади. Унинг «Ўмед ҳаст ки субҳи умеди мо бирасад» деган ғазали Нодиранинг оташин оптимистик лирикасининг гўзал намунасидир:

Ўмед ҳаст, ки субҳи умеди мо бирасад,
Ниҳояти шаби зиндонини бало бирасад.

Ба юми чоки гиребони номуродон боз,
Мурод чуст кунад, домани қабо бирасад.

Хароши нохуни бегонаи ҳариф оиро,
Зи лавҳи дил биравад, ҳарфи ошно бирасад.

Ба реги манзили Лайли ки марҳами алам аст,
Зи роҳи бодия Қайс бараҳнапо бирасад.

Чу шамъ дар шаби ғам равшанам кунанд аз ғайб,
Равад сиёҳну парвонаи зиё бирасад.

Насими субҳ, ки дил бастае бар нафасаш,
Нафас кушояду анфоси дилкушо бирасад.

Синехри пир кашад пунбаи нучум аз гӯш,
Зи айни ҳуш ба мазмуни мочаро бирасад.

Асри ҳалқан гисӯи ўст Макнуна,
Ба савби олами ҷамъият аз кучо бирасад (63).

Таржимаси.

Умидворман, умидимиз тонги келиб қолади,
Балоларининг, зиндонларининг кечаси йўқолади.

Умидворман, ёқаси чок номуродлар бахтига,
Мурод ўзи бечоралар этагига келади.

Бегоналар тирноғидан юракдаги яралар,
Битиб кетиб дил лавҳига дўстлик сўзи тўлади.

Аламларга марҳам бўлган Лайлининг эшигига,
Яланг Мажнун саҳролардан қадамлаб йўл олади.

Менинг ғамгин тунларимни ёритар шам чирогим,
Нурга етар парвоналар, қоронғу тарқалади.

Субҳидамнинг шаббодасин кўп соғинди кўксимиз,
Энди эркин нафас билан еллар жавлон қилади.

Фалак олиб қулоғидан юлдуз-юлдуз мамуғин,
Можаралар мазмунига уйгоқ назар солади.

Умид зулфи халқасига асир тушди Макнуна,
Ҷамъият оламига шу умид қайдан келиб егади!

(Шайхзода таржимаси).

Нодира бу каби чуқур мазмунли, фалсафий мундарижага эга бўлган асарларида яхши кунларнинг келишига ишонч билан қарайди. Макнунанинг хаёлини ўзига асир қилиб олган бу умид ҷамъият оламига қачон ва қардан келар экан, деб чуқур мушоҳада юритади.

Бундай умидбахш шеърлари билан у ўз замондошларини келажакка ишонч руҳида тарбиялашга интилади. Бу жиҳатдан қуйидаги сатрлари ҳам характерлидир:

Дар хонаи торикн дил, эй чон, сабурй пеша кун,
Шояд ки партав афканад луршеду моҳ аз равзанат (20).

Мазмуни:

Эй дил хонаси, эй жон, сабр бардош қил,
Зора эшингн очилиб, қуёш ва ой нур сочиб қолса.

Бу каби фикрлар Нодира оптимизмининг характерини бел-
гилайди. \!

* *
*

Нодира ижодига диққат билан назар ташласак, у классик поэзиянинг мавжуд ҳамма адабий жанрларида барабар қалам тебратганини кўрамыз. Шоира девонлари газал, рубойи, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржиъбанд, таркиббанд, фироқнома каби хилма-хил поэтик жанрларни қамраб олган бўлиб, бадиий баркамоллиги билан диққатни тортади. Шоира классик поэзиянинг илғор традицияларига амал қилиб, ранг-баранг поэтик жанрларнинг гўзал намуналарини яратди.

Нодира ижоди ўзининг хилма-хил шеърый шакллари билан ҳам мароқлидир. Унинг ўзбекча ва тожикча газаллари арузнинг 5, 7, 9, 12, 13 ҳатто 18 байтли турли вазнларида ижод қилинган. Лекин шоира газалларининг асосий қисми 7, 9 байтлидир. Нодира газалларининг бундай хилма-хил шакли кишининг руҳий оламини кенг ва атрофлича тасвирлашга, ўз мушоҳадаларини изчиллик билан баён қилиб беришга мосланган. Унинг шеърларининг катта-кичик шаклда ёзилганлиги турмуш ҳодисаларини мантиқий акс эттиришга асосланади.

Нодира лирикасида арузнинг хилма-хил шеър вазнларини учратиш мумкин. Масалан, шоира газалларининг биридан олинган ушбу парча «ҳазаж» баҳрининг энг ўйноқ ва шўх вазнларидан бири бўлган «ҳазажи мусаддаси аҳраб мақбузи маъкуф» (ҳазажнинг тўлиқсиз олтилиги) ўлчовида ёзилган. Унинг ритмик схемаси ёки парадигмаси қуйидагичадир:

Дупё чаманини булбулсен,
Гул шоҳида ошён этиб кет!
мафъулун мафойлун фаълун
— — V V — V — V V —

Яна бир мисол:

Фигонким, гардиши даврон айирди шахсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсан ҳоли зоримдин.
мафойлун мафойлун мафойлун мафойлун
V — V — V — V — V — V V —

Бу газални шоира арузнинг мураккаб — 16 ҳижоли ҳазаж баҳрининг энг тўлиқ варианты бўлмиш «ҳазажи мусаммани солим» (саккизлик тўлиқ ҳазаж) ўлчовида ёзган.

Биз Нодира ижодидаги бадий маҳорат тўғрисида сўз юритар эканмиз, унинг классик адабиёт традицияларини санимий ва ихлос билан давом эттирганлигини Навоий газалга боғлаган мухаммаси мисолида кўриб ўтдик.

Навоий газалларидан илҳомланган Нодира ўз устозин асарларига ижодий ёндашди; унинг ҳар байтига қўшган мисраларида Навоий қайси бир поэтик шаклни қўллаган бўлса, Нодира ҳам ўша бадий воситалардан фойдаланиб, оригинал фикрлар ижод этди. Бу ажойиб таъсир намунасини биз Нодиранинг Навоийга боғлаган мухаммасидан олинган бир бандда аниқ сезамиз:

Гирибон чок эрурман, субҳи наслинг интизоридин,
Қоронғу бўлди шомим дуди оҳимнинг губоридин,
Шарарлиқ шуълалар бош чекти кўксим хор-хоридин,
Тутотди шамдек ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,
Илик марҳам кўяй деб чун кўнгул чокига еткурдум.

Навоийнинг шу бандга кирган байтида шоир ўз бармоқларининг шамдек куйганига сабаб — «ҳижрон шарори», яъни ёрдан айрилиқ учқунлари деб изоҳламоқчи бўлади. Албатта, бармоқнинг шамдек куйишини айрилиқ аламидан деб кўрсатиш табиий изоҳ эмас. Лекин бу ўхшатиш кишининг айрилиқ азобида яшаган дунёсини изҳор қилиш учун кучли бир восита сифатида хизмат қилади.

Классик шоирлар бир воқеани била туриб, бўлак ва ғайри табиий сабаблар билан изоҳ беришни махсус усул тариқасида қўллаганлар ва унга «ҳусни таълил» (яъни бир воқеанинг иллатини гўзал бир ваз билан тушунтириш) деб ном қўйганлар. Навоий юқоридаги байтида шу усулни қўллар экан, Нодира ҳам:

Қоронғу бўлди шомим дуди оҳимнинг губоридин,
деган мисрасида кучли бир «ҳусни таълил»ни қўллайди. Шоира чеккан оҳ-фарёдлар губоридан оқшом чиндан ҳам қоронғу бўлмаслигини у яхши билади. Бироқ шеърда «ҳусни таълил»ни қўллаш билан шоира катта ҳиссий ва бадий таъсирчанлик ярата олган. Бу бадий маҳорат намунасидир. Дарҳақиқат, «оқшомнинг дуди» киши руҳидаги аламзадаликни ифодалашга хизмат қилади. Шу приёмни шоира учинчи мисрада ҳам қўллайди:

Шарарлиғ шуълалар бош чекти, кўксим хор-хоридин.

Бу мисра орқали Нодира ҳижронга дуч келган киши кўксидagi изтироб тиканларидан учқун ва шуълалар пайдо бўлади,

дер экан, дилдаги изтироблардан ўт пайдо бўлиши ҳам, албатта, ғайри табиий эканлигини билан туриб, ўз ички кечинмаларини ифодалаш учун «ҳусни таълил» усулини қўллаган:

Хусни ишқ айлар сени хокистарингни тўтиё,
Шамдин куймакни касб эт, мазҳаби парвона тут (49).

Бу байтнинг биринчи мисрасида шоира ишқда куйган инсон қилини тўтиёдек табаррук билиб, кўр кўзларга дори-дармон қилади,— дейиши билан кучли образ яратиб, «ҳусни таълил» приёмини қўллайди. Бунда шоира маълум воқеанинг содир бўлиш сабабини бошқача маъно билан изоҳлайди. Чунки ишқда куйиш билан киши тани кулга айланмайди ва ҳар қандай кулдан тўтиё ясалмайди. Бу нарсаларнинг бўлмаслигини билади, аммо жўрттага шундай шарҳ этиб, ўзининг «ҳусни таълил»ини кучайтириш учун кўнглига хитоб қилади, куймакни шамдан, шам атрофида айланиб қурбон бўлишни парвонадан таълим олгин, дейди. Ҳолбуки, инсоннинг ички изтиробини шамнинг куйиб эришига ва парвонанинг оловга туташиб ҳалок бўлишига ўхшатишнинг ўзи ҳам символлик мазмунга эга эканини шоира билгани ҳолда, ўз ички кайфиятларини бўрттириб бериш учун шундай «ҳусни таълил» усулидан фойдаланади.

Нодира ўз газалларида кўпроқ «мукаррар» ва «қўш мукаррар» усулларини қўллайди.

Сўзнинг такрорланиб келиши классик шеърятда «мукаррар» (такрорлаш) деб аталган. Нодира бу усулдан фойдаланиб, образлар доирасини кенгайтирган, бойитган, ўзи айтмоқчи бўлган муддаосини жуда нафис далиллар билан асослаган. Китобхоннинг ёки эшитувчининг кўз олдида конкрет ва кенг манзара яратиб берган:

Талх комонро ба соғар аз лабу дандонн ў,
Заҳр-шаҳду, шаҳд-ширу, шир-шаккар мешавад (74).

Бу байтида шоира ёрнинг лаби теккан қадаҳ бахти қаро, тақдир аччиқ ўтган одамлар назарида заҳарни болга, болни сутга, сутни шакарга айлантиради дейди. Бу ерда биз «қўш мукаррар» приёмини кўрамиз.

Нодира газалларида классик адабиётнинг «мурутун назир» (ўхшашликка риоя қилиш) приёмидан ҳам кенг фойдаланган. Бу приём қадимги поэзияда энг мураккаб усуллардан саналган. Яъни мисраларда тасвирланган деталлар биринчи образнинг руҳига ва шаклига мослаштирилиши керак. Шоиранинг қўйидаги фахрияси «мурутун назира» приёмига тааллуқлидир.

Нодираи газал саро назминн кўрса ногаҳон,
Дурру жавоҳирин қилур фикрига баҳру кон фидо (15).

Шеърда айтилишича, Нодира ғазалини конлар ва денгизлар тўсатдан кўриб қолса, шоиранинг ажойиб фикрига улар ўзларининг бағридаги дур ва инжуларини армуғон қилган бўларди. Бу мисолда образлар системаси бир принципга асосланади. Шунинг учун бу парча «муроотун назир»га мисол бўла олади.

«Ғазал назми» дейилганда кўз олдингизда шоиранинг ипга тизилган жавоҳирдай мисралари намоён бўлади. Айнан шу байтнинг ўзида Нодира иккинчи бир приёмни қўллайди. Яъни шоира ғазалнинг ёки қасиданинг мақтаида ўзининг ижод соҳасидаги маҳорати билан мағрурланади. Ҳофиз, Сақкокий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бобир ва бошқа қатор шоирларнинг асарларида ҳам ана шундай фахрияларни учратамиз. Бу ҳолатни классик шоирлар нуқсон деб эмас, балки шоирнинг қонуний ҳақи деб билганлар. Лекин бир шарт билан, маълум шоир чиндан ҳам мақташга лойиқ асарлар яратган бўлса!.. Бу приёмни махсус термин билан «фахрия» (фахрланиш) деб атаганлар.

Нодиранинг бир неча ғазалларида ана шундай фахрия мавжуд:

Тонг эмасдур бўлса бу муддатда устоди сухан,
Нодира ашъорига таҳсин этар, Салмон кўруб (182).

Шеърнинг мақтаидаги «Салмон» сўзи XIV асрда яшаган машҳур Эрон шоири Салмон Савожийга ишорадир. Навоий «Хожа Қалимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобук сувори ва ўз замонининг беназир сухангузоридур»*, — деб жуда юқори баҳо берган эди. Нодира ана шунга ишора қилиб, «сенинг шеърингга ҳатто Салмондай улуғ шоир ҳам таҳсин қилади» деб фахрланади. Албатта, у шундай дейишга, ўз ғазалларини дурдоналарга ўхшатишга тўла ҳақли эди. Бу ҳолни биз қуруқ мақтанчоқлик эмас, балки шоиранинг адабиёт соҳасидаги қилган кўп йиллик меҳнатига лойиқ баҳо эди деб эътироф этамиз.

Нодира лирикасида яна кенг қўлланилган бадний воситалардан бири «талмиҳ» усулидир. Бу термин классик поэзияда анча машҳур бўлиб, арабча «ламҳа» (кўз қири билан қараш) дейишдир. Бунда автор асосий мазмунни айта туриб, ногаҳон бошқа кутилмас образларга кўз ташлайди. Бу ногаҳоний образлар мифологиядан, классик шеърятдан, афсоналардан, эғзаки ижоддан олинган бўлади. Шу усул билан классик шоирлар, аввало, ўзларининг кенг маърифат ва мутолаа эгаси эканликларини исбот қилганлар. Иккинчидан эса, улар китобхонларга маълум ва машҳур бўлиб кетган образларни

* Алишер Навоий, Муҳокаматул луғатайн, III том, Тошкент, Уздавнашр, 1948, 198-бет.

жалб этиб, ўз олдида айтмоқчи бўлган муддаоларини янада чуқурроқ сингдиришга уринганлар. Бу приёмни Нодиранинг кўпгина шеърларида учратамиз.

Масалан:

Фурқат ичра тушди савдон Зулайҳо бошима,
Қиммати Юсуф баҳо топди, харидоримға айт (27).

Бу байтда асрлардан бери шарқ шеърлятида машҳур бўлиб келган Юсуф ва Зулайҳо образларини шоира усталик билан талқин этган. Аммо у бу эски афсонага янги мазмун киритган. Яъни автор, гарчи афсоналардаги Зулайҳо Юсуф бошига кунфатлар тушириб, унга тухмат қилган бўлса, мен Юсуфимнинг қадрини биламан, деб айтади. Шоира таъбири билан айтганда, «Қиммати Юсуф баҳо топди, харидоримға айт» деб талмиҳда шоира новаторлик кўрсатиб, эски афсонага янги дунёвий мазмун киритади:

Бўлмағил Фарҳоду Мажнундек жаҳон афсонаси,
Ишқ аро, эй Нодира, ойини нангу ном тут (26).

Бу байтда Нодира классик адабиётдаги машҳур жафокаш ошиқлар образи Фарҳод ва Мажнун номларини тилга олади. Аммо у ўзини Фарҳод, Мажнунга ўхшатган шоирлардан фарқли равишда, муҳаббатда ифқат ва одоб сақлашга аҳд қилади. Бу мисраларда аёллар психологиясига хос кечинмалар акс этган. Шу йўл билан шоира афсонавий образларга янги талқинлар киритади, новаторликка интилади.

Нодира асарларида мажозлар, ташбеҳлар, истиоралар, муболагалар, тазодлар, тадрижлар, ташҳислар (жонсиз буюмни жонлантириш), интоқлар (тилсиз буюмни тилга киргизиш, сўзлатиш) каби бадий воситалар жуда кўп қўлланилади. Булар классик поэзияда «саноеий бадийия» (бадний санъатлар) деб аталади. Бунда шоира бир томондан, классик шеърят хазинасига кириб кетган гавҳарлардан фойдаланган бўлса, иккинчи томондан оғзаки поэзиянинг бисотидан талай дурдоналарни олган. Шу билан бир қаторда, ўзи ҳам оригинал, янги бадий инжулар ярата билган. Масалан:

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул, эмди раҳи майхона тут,
Маст ўлуб, соқий аёгини ўлуб, паймона тут (28).

Бу байтда биз шоиранинг ўз кўнглига мурожаат қилганчи кўрамыз. Бундай «хитоб» классик лирикада қаҳрамоннинг руҳий кайфиятини очиш учун қулайлик туғдирар эди. Шу билан гўё шеърда иккинчи лирик қаҳрамон, шоирнинг эгизак образи яратилган бўлади. Юқоридаги ғазалда Нодира то шеър охиригача хитоб усулидан фойдаланиб, ўз туйғуларини тортинмасдан изҳор этишга имконият топади. Иккинчидан,

«Майхонага йўл тут» дейиши билан шоира илоҳий ва диний эътиқодлардан кўра, дунё лаззатлари афзаллигини уқтиради. Умуман, Нодира «май, шароб, бода, соғар, чағир, саҳбо, паймона» тушунчалари билан реал дунё майини мақтайди, диний ақидаларга қарши дунёвий темаларни тасвирлашга ҳаракат қилади. Мазкур байтнинг «Маст ўлуб, соқий аёгини ўпуб, паймона тут» мисрасида шоира чиройли сўз ўйини қилади. Бу ўриндаги «аёқ» сўзи май идиши ва киши аъзоси (оёқ) маъноларига эга. Шаклан бир бўлиб, икки хил маънони берадиган сўзлар классик шеърятда «ийҳом» дейилади. Бу усул ўзбек фольклорига «туюқ» жанрининг таъсирида ёзма адабиётга кириб кетган.

Нодира шеърда кишининг кайфиятини ифодаловчи мажозлар, ташбеҳлар ва истиоралар мавжуд. Чунончи: «Кўнгил ғизолин ром тут», «бир гўшада вайрона тут», «фалак қасри», «ишқ уйн», «қошларнинг шамшири», «кўзларнинг жаллоди», «беқарор кўнгил», «заҳри фироқ», «лаъли шакарбор», «жафо тиғи», «қадинг раъно ниҳоли», «жамолингга харидор эт», «гамза тиғи», «асири зулф», «тиғи забон», «ганжи дониш», «сарви гулрўй», «хуршид жамоли», «ишқ сайёди», «парирўлар каманди», «ҳалқан зулфи», «ғунчадек оғзи», «шарбатни лаъли», «юзингнинг ойи» ва ҳоказолар. Нодира лирикаси бўйлаб марвариддай сочилган бу каби нафис мажозлар шоира асарларининг тили қанчалик зийнатли, классик шеърят тили билан айтганда, нақадар «мурассаъ» (безакли) бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Шеърга оҳанг бағишлаш мақсадида Нодира қофия ва радиф танлашга ҳам катта эътибор қилган. У кўпинча қофиянинг жарангли бўлишига аҳамият берган. Нодиранинг нафис ва мусиқий сўзлардан усталик билан фойдаланганлиги унинг жуда кўп ғазалларида кўзга ташланиб туради. Масалан: «Ёр лаълин ёд этарман, ғунчан хандон кўриб» деб бошланган ғазалида барча қофиялар шу тарзда унли ва тўлиқ бўгинлардан иборат бўлган сўзлардан тузилган. Чунончи, биз етти байтли мазкур ғазалда саккизта қофия кўрамиз: хандон — райҳон — ҳайвон — султон — саргардон — жонон — ҳайрон — Салмон. Қофия учун ишлатилган бу сўзлар шеърда лирик қаҳрамоннинг бой руҳий ҳолатини очишга хизмат қилади. Юқорида тилга олинган ғазалда жуда чиройли ва ширали қофия билан бир қаторда, «кўруб» равишдошини радиф қилиб олиш билан шоира турлича образларга, лавҳаларга, муқоясаларга йўл очади.

Нодиранинг деярли ҳар бир ғазалидаги радиф ўша шеърга сарлавҳа бўладиган нафис ва сермазмун сўзлардан танланган. Масалан: «фидо», «ажаб», «офтоб», «айлаб», «саломат»,

«эшит», «муҳаббат», «эт», «тут», «бахс», «абас», «етмас», «ёд», «қилма», «айлагач», «кеч», «фироқ», «фалак», «тасаддуғинг», «ўлмасун», «бормукин», «ўргулай» каби радифлар шеърларнинг йўналишини кўрсатиш билан бирга, уни аниқроқ тушунишга ҳам хизмат қилади. Шу маънода бу радифлар маълум даражада газалларга тема ролини ўйнаши мумкин.

Нодиранинг бадий тилида халқ жонли сўзлашув тилига яқинлашиш тенденцияси ҳам кучлидир. Бу ўринда, Нодира шеъриятида халқ оғзаки ижодиёти хазинасидан ижодий фойдалана билганлигини алоҳида уқтириш лозим бўлади. Шоира чуқур ва ўткир маъно ва мазмунга эга бўлган халқ мақоллари, чистолари, афоризмлари ва таъбирларини усталик билан танлайди ва улардан унумли фойдаланади. Газалларнинг кўпчилигига манзур бўлишини назарда тутиб, халқ ижодиёти йўлидан боради, уларга фольклор руҳини сингдиради. Масалан, «ер қаттиқ осмон йироқ», «ҳо паст, ҳо баланд» мақоли Нодира газалида усталик билан ишлатилган. Мақоллар, халқ иборалари шоира қаламида қайта ишланган. Чунончи: «фигон беасар, умр бебақо», «ҳусн бегона, ишқ девона» кабилар.

Нодира:

Хомуш этарман ани бир шарори оҳ била,
Агарчи тез эрур ўт каби забонан шайх,—

мисраларида шайхларнинг аччиқ тили ва бошқа кирдикорларини очишда образлардан усталик билан фойдаланган.

Нодира газалларидан келтирилган қуйидаги сатрларни ўқирканмиз, халқнинг «бахти қаро», «бағрим кабоб» каби ибораларини, содда, равон ифодаларни шеърнинг мазмунини очишда тўғри ишлатганлигини кўрамиз. Бу ҳол эса шоиранинг ўз даври адабий тили ва жонли сўзлашув тилини пухта билганлигидан, адабий тилни бойитишга катта ҳисса қўшганлигидан далолат беради:

Ғамимин шарҳини юз мингидан бирини дедим,
Фалак ани кўтарурда ҳам айлади қомат (301).

Моҳи тобон юзлугим, ҳар лаҳза ёд этсам сени,
Дуд бағримдин чиқар ўт ичра тушгандек кабоб (172)

ва бошқалар.

¹Нодира шеъриятидаги айрим мисралар афоризмлар даражасига кўтарилган:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Ғар одамсан муҳаббат ихтиёр эт (28).

Яна:

Олам элида вафо топилмас,
Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб (20).

Нодира айрим ғазалида ҳам образли халқ иборалари билан содда услубда ўзининг ахлоқий-дидактик фикрларини баён этади.

Нодиранинг турмуш фактларини ақс эттиришда мазмунга мувофиқ келадиган бадний шакл ахтариб топа билишини алоҳида таъкидлаш зарур!

Нодира, ғазал ўйланган мавзунинг мазмунини изҳор қилиши керак, дейди:

Ғазал бунёд қилди, Нодира, ёрига арз айлаб,
Қўнгулда боғлаган мазмунини изҳор қил, ёраб (15₂).

Нодира асарларида қўлланилган бадний тасвирлаш воситаларнинг кўпчилиги реал ҳаёт тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтиришга хизмат қилади, тасвирийликни оширади. Ундаги бадний воситалар бирор нарса ёки ҳодисанинг очиқ, аниқ, равшан кўрсатилишига ёрдам беради.

Классик шеърят анъаналарини яхши билган Нодира бир нарса ёки ҳолатни бошқа нарса ёки ҳодисага таққослаб, ўхшатиш услубидан кенг фойдаланади. Қуйидаги сатрлар бу жиҳатдан характерлидир:

Банд этиб зулфинг аро кўнглумни озод этганинг,
Қўш учиргандек эрур боғлаб аёгига таноб (17₂).

Нодира муболаға приёmidан ҳам унумли фойдаланган. Улар шеър таркибида ўз ўрнида маҳорат билан ишлатилганлиги учун китобхонга табиий қўйма мисралардек туюлади. Масалан, Нодира ишқ йўлидаги дард-аламларнинг беқиёсلىгини тасвирлаб, шундай муболаға яратган:

Бу дарду ғамки, ани нотавон кўнгул кўтарур,
Муҳаббат аҳлига юздин бири эрур офат.

Менга баробар эмас Қўҳқап биле Мажнун,
Аларда бир ғам эди, лек менда минг ҳасрат (30₁).

Шоира шеърларидаги бу каби муболағалар ишқ-муҳаббатнинг улуғ кучини пафос билан тасвирлашга хизмат қилган.

Шоира сифатлашлар ёрдамида ёрқин образлар яратиб, табиат ҳодисалари ва воқеаларнинг жонли манзарасини чиқиб беради. У ишлатган сифатлашлар тасвирланаётган воқеа ва ҳодисанинг характерига албатта тўғри келади, уларнинг маълум белги ёки ҳодисаларини конкретлаштириб беришга хизмат қилади. Масалан, шоира ишлатган «гулгун қабо», «дарднинг кўнгил», «ғамза тиги», «васл давронни», «ишқ ойинаси», «доми зулф», «сарву гўё қомат», «лола рухсор» каби сифатлашлар мисралар мазмунининг янада тушунарли, жозибador, образли бўлишига хизмат қилади.

Нодира воқелик ҳодисаларини бадий бўёқларда берар экан, у айниқса, маҳбуб образини маҳорат билан тасвирлайди. Унинг бу хилдаги асарлари билан танишганда образнинг ташқи кўриниши: сарвга ўхшаш қадди, моҳи тобон юзи, хуршид мисол жамоли, ҳалқа зулфи, гунчаи хандон лаби, сабз хати, сунбул сочи, жоду кўзи, қора холи каби иборалар воситасида таърифланади: у лирик қаҳрамоннинг ички хусусиятлари (феъли, хислати, хулқ-атвори: жафокаш, бемехр, бевафо, бағригошлиги) ва бу хусусиятларнинг акси бўлган унинг вафоси, меҳрибонлиги, қайғуси, андишаси, жасорати, адолати каби сифатлари тасвирланади. Буюк революцион демократ танқидчи В. Г. Белинский: шоирнинг вазифаси исбог қилиш эмас, балки киши кўз ўнгида яққол гавдалантиришдир*, деганидек, Нодира ҳам табиат ва жамият ҳодисаларини кўз олдимизда реалистик гавдалантириб беради. Гўё шеърнинг ана шу лирик қаҳрамони худди қаршингизда тургандай бўлади.

Сурати ёдида рангин фикрлардин ҳар замон
Сафҳан фитраг аро тасвири Беҳзод айларам (348₂), —

каби сатрларида ҳам шоиранинг бадий тасвирлаш воситаларидан фойдаланганда, ўзига нисбатан талабчан бўлгани кўзга ёққол ташланади.

Нодира ўзбекча ва тожикча ғазалларида классик шеърят ва халқ ижодиётида учрайдиган изофали конструкцияларни ҳам кенг қўллади. Шоира ғазалларида: «табъи паришон», «табиати халойиқ», «шуълаи ҳусн», «базми ишрат», «дарди ҳижрон», «сарви ноз», «шўри жунун», «неъмат алвон», «савдойи Зулайҳо», «ёри вафодор», «гулшани ишқ», «моҳи осмон», «шароби арғувон», «занжири амал», «ҳури паризод», «ороми жон», «абри найсон», «гули рухсор», «гавҳари шахвор» каби изофали сўз бирикмаларининг тез-тез учраб туриши Нодиранинг сўз бойлигидан усталик билан фойдалана олганлигини кўрсатади.

Ҳар бир бадий асарнинг пухта ва раvon чиқиши, тил материали воситаси орқали вужудга келади. Нодира ўз ижодида тилдаги тасвирийликка катта аҳамият беради. У ижобий образ яратишда аниқ ва ихчам, чуқур маъноли тасвирий воситалар орқали жонли манзаралар яратади. Нодиранинг тилида бадий тасвирлаш воситалари пишиқ, бой ва кўп қирралидир. Лекин уларда замонасидаги бошқа шоирлар ижодида мавжуд бўлгани каби, форс, араб сўзларини кўплаб учратиш мумкин. Бу албатта асар мазмунини тушунишда ан-

* В. Г. Белинский, Сочинения, том I, М., 1943. стр. 445.

ча мураккаблик туғдиради. Нодира ҳам ўзбекча шеърларида ўзбек тилига сингиб, ўзлашиб кетган терминларни кўпроқ ишлатган. Масалан, сабр, таҳаммул, қомат, васл, ҳижрон, оқибат, мафтун, маъзур, иншо, ғам, надомат, фироқ, асло, абас, абжад каби арабча терминлар ва пирохан, ошкор, пинҳон, гирибон, ашк, поймол, мўр, харчанд, ангушт каби форсча сўзларни ишлатган.

Шоира ўзининг сермахсул ижодкор бўлганлигига қарамасдан, ниҳоят камтарлик билан фикр юритиб, янада самарали ва фойдали ижод қилишни тарғиб этади. Бу хусусият ҳақиқатан унинг камтаринлик ва олижаноблик фазилатларидан келиб чиққандир. У бундай деб ёзди:

Гирам, ба мавчи шоҳ рафиқон сафинаанд,
Ман заврақам ба паҳлуй ёрони хушманд.

Монди зи ҳамкинони худ имрўз Комила,
Ҳаргиз нашуд ки тавсани табъат шавад даванд (59).

Мазмуни:

Шоҳлик тўлқинларида дўстлар кема бўлсалар,
Мен у оқиллар ёнида гўё қайиңчаман.
Эй Комила, ўз тенгқурларингдан орқада қолдинг,
Табиатнинг оти ҳаргиз чопоғон бўлмади,—

деб ҳаётдан орқада қолмасликка, янада кўпроқ ижодий меҳнат қилишга ундади. Бу хусусиятни у инсоннинг олий даражадаги ахлоқий кўринишларидан бири деб ҳисоблайди. Нодиранинг қўйидаги мисралари жуда ҳам характерлидир:

Қатран обам, гар аз гавҳар ба Чайҳун мерасам,
Зарран хокам, гар аз рифъат ба гардун меравам (109).

Мазмуни:

Мен агар гавҳар бўлиб Амударёга етсам ҳам бир қатра сувман,
Қадру мартабала осмонга етсам ҳам бир зарра туфроқман.

Хулоса қилиб, айтганда, Нодиранинг ажойиб лирик ғазаллари чуқур мазмундорлиги, гуманистик мотивлари билан ўша замондаги илгор ғояларни тараннум этди. Шоира инсон ва унинг ҳуқуқини баланд овоз ва чуқур меҳр билан куйлади. Ўз даври учун прогрессив фикрларни илгари сурди. Бу ўз навбатида шоиранинг демократик тенденциядаги ўзбек адабиётининг ривожланишига қўшган муҳим ҳиссаси ҳамдир.

Нодира ижодида маълум бир эволюцияни кузатамиз. Шоиранинг ҳозир мавжуд ҳамма адабий меросини кўздан кечириш ана шу эволюцияни белгилашга имкон беради. Бизнингча, Нодиранинг ҳаётда инсоф, адолатни ҳимоя қилиб,

жаҳолат ва риёкорликка нафрат изҳор қилган асарлари Амририй вафотидан кейинги даврларда яратилган. Юқорида ҳам айтилганидек, Нодира Умархон вафотидан кейин расман бўлмаса ҳам, ҳокимият ишларига актив қатнашди. Ана шу даврдан бошлаб унинг ишқ, май, баҳор темаларига бағишланган асарларида аста-секинлик билан ижтимоий ҳаётнинг баъзи томонлари чуқурроқ акс эта борди. Шоира сарой дасирасидан юқори кўтарилди. Унинг поэзияси муқаддас инсон ҳиссиётларини, ўз давридаги мазлума хотин-қизларнинг умидорзуларини куйловчи қалб рубобига айланиб қолди. Нодира ижодидаги ана шу ҳаётий ғоялар уни замонасидаги прогрессив шоирлар қаторига олиб чиқди.

ФОЖИАЛИ ЙИЛЛАР

Нодира ҳаётининг сўнгги йиллари зиддиятлар кучайган, феодал бебошликлари ниҳоятда авж олиб, хонликда ички тартибсизликлар зўрайган, давлатлар ўртасидаги инфоқлар жиддийлашган бир даврга тўғри келди. Нодира ўзининг бутун куч-қувватини хонликда ўзбошимчаликни кучайтириб юборган ўғли Муҳаммадалихонни тўғри йўлга солишга, саройдаги фитналарни тинчлик билан бартараф этишга сарф қилди.

1822—1842 йилларда хонлик территорияси кенгайиб, уни идора қилиш ҳам мураккаблашган, Муҳаммадалихоннинг енгил-елли сиёсати билан вазият янада жиддийлашган эди. Унинг ҳокимиятни қўлда тутиб туришига Нодиранинг ҳаёти, ижтимоий, маданий, тадбирли фаолияти ёрдам берди. Лекин Нодира феодал зиддиятларни, мамлакатдаги кризисни, хонликлар ўртасидаги муносабатларни бартараф қилишдан ожиз эди.

Мамлакатда ички вазият ҳам оғирлашиб бормоқда эди. Хон амалдорларининг зулм-тааддилари, турли-туман солиқлар, жарималар, ҳарбий харажатларнинг кўпайиб кетиши халқ оммасининг тинқасини қуритар эди. Халқнинг мадраса, масжид, сарой қуриш, ариқ қазиш ва бошқаларда мажбуран ишлатилиши уларнинг турмуш даражасини янада оғирлаштиради, очлик, яланғочлик кучаяр эди. Натижада халқ қўзғолонлари авж олиб кетган эди.

1840—41 йиллар давомида бир неча халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Худди шу йиллари Қўқон хонлиги Бухоро амирлиги томонидан қаттиқ хавф остида қолдирилган эди.

Эзилган меҳнаткаш халқ ҳам хоннинг адолатсизлигига, ҳам Бухоро амирлигининг босқинчилигига қарши курашга отланди. Бу ҳаракатда актив қатнашган ҳунарманд мисгар Ҳожи Қаландар Муҳаммадалихон зулмига қарши олиб бе-

рилган қўзғолонга бошчилик қилади⁶³. У мисгарлик асбоблари, нозик буюмлар ишловчи уста сифатида халқ орасида танилган ва ўзининг донишмандлиги билан катта-кичик орасида обрў қозонган эди. Ҳожи Қаландар бир вақтлар Ҳақимхон тўраининг ҳам хизматида бўлган. У Арабистонга саёҳат қилган, бир қанча мамлакатларни кезган, турли мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бирмунча тушунган киши бўлиб, ўз мамлакатида ҳукм сураётган воқеаларга зийраклик билан қарар ва уларга тўғри баҳо берар эди. Шунинг учун ҳам халқни чексиз жабру зулм остида эзаётган хон ва сарой амалдорларига қарши қаттиқ ғазабга келган эди.

Ҳожи Қаландар 1840 йилда ўз атрофида хунарманд-қосиб ва камбағал деҳқонларни тўплаб майдонга отланди. Ҳақимхоннинг ёзишича, Ҳожи Қаландар бошчилигидаги қўзғолон шу қадар кенгайиб кетдики, ўша вақтда бўладиган катта халқ йиғинлари, ҳатто, байрам маросимлари—ҳайит кунларида ҳам бунчалик оломон йиғилмаган эди. Қўзғолончилар ғалаён кўтариб, Муҳаммадалихон амалдорларидан 18 кишининг мол-мулкини талон-торож қилади, ҳовли-жойларига ўт қўяди ва баъзи қўлга тушган амалдорларни ўлдиради⁶⁴.

Лекин Муҳаммадалихоннинг амалдорлари Ҳожи Қаландарни ҳийла билан қўлга тушириб, саройга олиб келадилар ва ўлимга ҳукм этадилар. Шунга қарамай, халқ қўзғолонлари вақти-вақти билан тез-тез давом этиб турар эди.

Қўқон фуқароси фақат хон ва унинг амалдорларига қарши кураш билангина чекланиб қолмай, балки Фарғона аҳолисига талон-торож ва ўлимдан бошқа иш кўрсатмаган Бухоро амири Насруллонинг юришларига, халққа қилган чексиз жабру зулмларига қарши ғалаённи давом эттиради.

1841 йили Насруллога Хўжанд топширилганидан норози бўлган халқ яна хон ўрдасига йиғилади. Шунда хон бу ғалаённинг сабабини сўраганда, халқ хонга шундай жавоб беради:

«Бир неча йил мобайнида бошимиздан кечирган жабру зулм, зўравонликни бирорта давлатда ҳам ҳеч қайси халқ ўз бошидан кечирган эмас, бу — кундан ҳам равшан! Хоннинг ана шундай жабру зулми ва қора қилмишлари учун Бухоро амири бизни ҳам динсизликда айбламоқда... Биз эса сиз учун бекорга ўлишни истамаймиз»⁶⁵.

Мамлакатдаги халқ ғалаёнлари ва феодаллар ўртасидаги ўзаро низоларнинг кучайишидан фойдаланган Бухоро амири

⁶³ Р. Н. Набиев, 1840—1842 йилларда Қўқонда бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 1961, № 7, 37—50-бетлар.

⁶⁴ «Мунтахабул таворих», 398-варақ.

⁶⁵ «Мунтахабул таворих», инв. № 592, 660 варақ.

1842 йили Қўқонга юриш қилади. Бу юришда Шаҳрисабзда турган Нодиранинг кичик ўгли Султон Маҳмудхонни ўзи билан бирга олиб келади. Амир Насрулло Уратепани олгач, унга Султон Маҳмудхонни ҳоким қилиб тайинлайди. Мамлакатнинг хавф остида қолганини сезган Нодира дарҳол ўғиллари ўртасидаги низои бартараф қилиш ва тинчлик ўрнатиш учун тadbир ва чоралар кўради. У амир қайтиб кетганидан сўнг Хўжандга келиб, икки ўглини яраштиради. Бу келишувга кўра, Уратепа, Хўжанд, Тошкентгача бўлган ерлар Султон Маҳмудхон тасарруфига ўтади. Фарғона водийси эса Муҳаммадалихон қўл остида қолади. Шундай қилиб, ўзаро урушга барҳам берилади, мамлакатда тинчлик ўрнатилади⁶⁶.

Лекин шунга қарамай, Қўқон ва Бухоро хонликлари ўртасидаги сиёсий муносабатлар борган сари кескинлаша бошлайди.

Маълумки, бу даврда саройдаги юқори маъмурий ва диний лавозим асосан Шайхулислом каби руҳонийлар қўлида эди. Улар ўз навбатида диний ақидалар ва шарият қонунлари билан халқни чалғитиб, алдаб эксплуатация қилиш билан бирга, сарой ичида ҳам игво ва фитналар уюштириб турар эдилар. Чунки Умархон ҳукмронлиги даврида асосий феодал гуруҳларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, уларнинг низоларини бартараф этишда эҳтиёткорона сиёсат олиб борган бўлса, Муҳаммадалихон ана шу реакцион руҳоний гуруҳларни таъқиб остига олди. Шу туфайли, саройдаги амалдорларнинг баъзиларини қатл эттирар ва айримларини ишдан четлатар ва ҳатто мамлакатдан ҳам қувғин қилар эди. Бу руҳонийлар исломнинг ўчоғи бўлган Бухорога бориб, мутаассиб амир Насрулло ҳимоясида яшар эдилар.

Амир Насрулло Қўқонга қайта юриш уюштириш мақсадида, гўё «ислом динининг поклиги»ни ҳимоя қилиш баҳонаси билан катта лашкар тўплаб, Қўқон хонлигидан қочиб борган руҳонийлар билан бирга 1842 йили иккинчи марта Қўқон хонлигига қарши юриш қилади.

Насруллонинг Қўқонга бостириб келаётган хабарини эшитиб, Тошкентдан аскарлари билан етиб келган Султон Маҳмудхонга урушнинг охириги соатларида Қўқон хонлиги топширилди. Аммо вақт қўлдан кетган эди. Золим амирнинг аскарлари Қўқонга бостириб кирдилар. Қисқа ва қаттиқ жанглардан кейин шаҳарни тор-мор қилиб, халқ мол-мулкни талади, прогрессив кишиларни эса қатл эттирди. Насруллонинг аскарлари шаҳардан қочиб кетаётган ака-ука хонларни

⁶⁶ «Тарихи Шаҳруҳий», Тил ва адабиёт институтининг Адабиёт музейи, инв. 160, 133—134-бетлар.

тутиб, хон ўрдасига келтирдилар. Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудхонлар заррин иморатда азон пайтида сўйдирилади. Бундай ваҳшийлик, ёвузликдан газабланган Нодира кўзида қонли ёш, дилида ўтли нафрат билан амирнинг олдига боради, унинг қотиллиги натижасида юзлаб бегуноҳ халқнинг қони дарё бўлиб оқаётгани, фарзандларининг ваҳшийларча ўлдирилганидан фарёд кўтаради, унга лаънатлар ўқийди. Қонхўр амир олдида ўз халқи, ҳокимиятини ҳимоя қилиш, фарзандларининг ўчини олиш учун ҳар қандай жазодан ҳайқмайдиган жасур, кучли иродали аёл рўбарў турар эди. Айниқса, амир Насрулло Нодиранинг набираси ёш Муҳаммадаминхонни сўйишга буюрганда, Нодиранинг яна газаби ошади ва амир Насруллога қараб ўзининг чексиз нафратини баён этади. Золим амир Нодирани ҳам ўлимга буюради. Шоира билан яна унинг яқинларидан Хушқолбиби, Норбиби ва Муҳаммадалихоннинг хотини Ойбибишларни ҳам шахид қилади.

«Анжуман ат таворих» асарида бу қонли кун «1258 ҳижрий, рабиус соний ойининг аввалинда»⁶⁷ деб баён этилади. Милодий ҳисоб билан бу 1842 йил 12 майга тўғри келади.

Нодиранинг ваҳшиёна ўлдирилиши ҳақида тарихчи ва адабиётшунослар турлича фикр юритадилар. Уларнинг бирида Нодира дорга осиб қатл этилган дейилса, иккинчиси халқ олдида қўл-оёқлари бирин-кетин кесилиб, азоб-уқубат билан ўлдирилганлиги, яна бир қатор манбаларда тирик-лайин ерга кўмилганлиги, отхонада сўйилганлиги ёки бир уйга қамаб, эшигини шувоқлаб, очлик ва ташналик билан ҳалок этилганлиги ҳақида тахминлар мавжуд.

Шулардан ҳақиқатга яқини, бизнинг фикримизча, Ҳакимхон тўра айтганидек, Нодира бир неча сарой аҳллари билан бирга хон саройининг ўзида Насруллонинг жаллодлари томонидан ваҳшиёна қатл этилганлиги муқаррардир.

Насрулло Қўқон шаҳрида қонли террор ўтказиш билангина чекланмай, балки асрлар давомида халқ томонидан тўп-ланган ва сақланиб келинаётган маданий ёдгорликларни ҳам йўқотишга уринди. У «Хон хазинасини талон-торож қилди, мадрасадаги китобларни қилич билан майда-майда қилиб чопиб, оловга ёндириб юборишни буюрди»⁶⁸. Насрулло Қўқонда 11 кун тургандан кейин, самарқандлик Иброҳим парвоначига ҳокимликни топшириб, ўзи қўлга киритган бойликлар билан Бухорога қайтди. У ўзи билан ҳунармандлар, олим ва шоирларнинг кўпини Бухорога олиб кетди.

Бу фожиаларнинг гувоҳи бўлган, амир Насрулло томонидан асир қилиниб, Бухорога кетишга мажбур этилган шоир

⁶⁷ «Анжуман ат таворих», 95-варақ.

⁶⁸ «Тарихи аҳволи Қозон ва Булғор», 252-бет.

Ҳозирқ амирнинг разолатига қаттиқ норозилик билдириб, тарихда унинг номи минг лаънатлар билан тилга олинажagini қуйидаги фардида ёзган эди:

Буриди бар қади худ аз маломат
Либосе то ба домони қиёмат⁶⁹.

Мазмун:

Ўз қаддинга лаънатлардан шундай бир кийим тикиб кийдингки, у кийим устингда қиёматгача қолади.

Фаргона аҳолиси Бухоро амирига бўйсунити истамади. Олимхон даврида қочиб кетган Норбўтобий укаси Ҳожибекнинг ўгли Шералихон бошчилигида Фаргона атрофидаги ўзбек, қипчоқ, қирғиз жамоалари билан бирлашиб, Насруллонинг аскарларини хонлиkning территориясидан ҳайдаб чиқардилар ва галаба қозондилар.

Шералихон Қўқон хонлиги тахтига ўтиргандан кейин Нодира ва унинг ўғиллари жасадини эъзоз билан «Даҳмаи шаҳон»га дафи эттирди. Жаҳолат қурбони Нодиранинг хотираси учун унинг қабри устига қўйилган катта тошдан ишланган ёдгорлик лавҳаси бугун ҳам шоиранинг улугвор образини эслатиб туради.

Нодиранинг фожиаси тўғрисидаги маълумотлар А. П. Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» ва Т. Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари» асарларида бирмунча муфассал баён қилинади, шунингдек, шоиранинг қатли ҳақида «Тарихи жаҳоннамо» китобида шундай дейилади: «1258 йил эрта билан чоршанба куни, савр ойида (савр ойи 22 апрелдан бошланади — М. Қ.) бухороликлар ҳамма ёқни талон-торож қилдилар. Ака-ука Андижон тарафга қочдилар. Лекин улар Ўзган қалъасига келганда, Маҳмудхўжа Абдували деган одам ҳийла билан уларни Насруллога тутиб берди. Султон Маҳмудхон ва Муҳаммадалихон заррин иморатда азон пайтида ўлдирилди... Шундай нозанин Моҳлар ойим, Хушҳолбиби ва Муҳаммадаминнинг онаси Норбибиш молхонага киргизиб ўлдирилиб, ерга кўмиб ташландилар. Кейин Шерали буларнинг жасадини олиб, иззат ва ҳурмат билан «Даҳмаи шаҳон»га кўмган экан»⁷⁰. Бу муҳиш воқеа ҳақида Ҳакимхон тўра қуйидагиларни ёзди: «Моҳлар ойим, Муҳаммадаминхон онаси Ойбишхоним ва канизаклар ҳаммаси қора кийизни бошларига солиб, ёқаларини йиртиб йигладилар. Моҳлар ойим ҳаётдан умидини узгандан кейин Амир Насруллони ҳақоратлади. Уни, икки хотин билан хор-зор қилиб, жабру ситам билан ўлдирди»⁷¹.

⁶⁹ А. П. Қаюмов, Қўқон адабий муҳити, 157-бет.

⁷⁰ «Тарихи жаҳоннамо», инв. № 9455, 164-варақ.

⁷¹ «Мунтабут таворих», инв. № 592, 317-варақ.

Шоир Азизий ўзининг «Тарихи Азизий» номли асарида қонхўрликни ўзига касб қилиб олган Амир Насруллонинг қирғинларига, шунингдек, Муҳаммадалихон, Султон Маҳмудхоннинг ваҳшиёна ўлдирилганлигидан газабланган онаси — Нодиранинг фарёд чекиб Насрулло олдига келгани ва уни лаънатлагани ҳақида гапириб шундай дейди: «Бу ҳодисанинг хабарини эшитиб, хоннинг ўз волидаси, алвидо этиб, қора либослар кийиб, фиғону нолалар билан: «Эй манғит шоҳи, на ҳаддинг бор эдики, амиралмуслимин тождор подшоҳнинг тахтнишини мурувват ўғлининг мулкларига келиб, шундай зулм-жабрларни қиласан, шариат бунёдидан чиқдинг!» дегач, аларнинг ҳаммасини амир фармонлари билан уйга қамаб, эшигини шувоқ қилиб ташладилар. Бу жамоа ушбу махсус жойда оч, ташна гурусналик билан нолазор қилишиб, ҳалок бўлишган эканлар»⁷².

Яна «Анжуман ат таворих» асарининг автори Нодиранинг ўлдирилишини шундай баён қилади «... Рабиус соний ойининг аввалинда, 1258 ҳижрий тарихида ярим кечадан ўтгандан кейин Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудбек ибн Умархон ва Муҳаммадаминбек, Муҳаммадалихоннинг онаси Моҳлар ойим, Муҳаммадаминбекнинг онаси ва унинг ҳомиладор хотини, яна сарой мўътабар хотинларидан икки хотин бухоролик амир Насруллонинг ҳукми билан хон кўшигига муттасил богнинг ичида шаҳид қилинди»⁷³.

Яна «Ғаройиби сипоҳ» номли қўлёзма асарда шундай дейилади: «Золим амир бебокнинг қўлида Фарғона мулки рўзгор инқилобидан фатҳ бўлди. Бухоро аскарларининг оғзида «қилич билан асирларнинг бўйнига ур!» — деган гап тарқалди. Хоннинг онаси шундай ваҳшийликдан халок бўлди. Жафо жаллодиннинг шамшири унинг қонини ерга тўкди. Сўйилишининг тарихи учун «Модари хон ҳам шаҳиди под шуд» деб тарих битилди»⁷⁴. Бунинг санаси ҳижрийда 1258, милодий ҳисоб билан 1842 йилга тўғри келади.

Шундай қилиб, бу мудҳиш воқеалар ва унинг сабаби тўғрисида тарихчилар турлича нақл ва ривоятлар келтирадилар, мулоҳазалар юритадилар. Айрим манбаларда Насруллонинг Кўқонга бостириб келишига сабаб Муҳаммадалихоннинг отасига никоҳлаб қўйилган қизга⁷⁵, яъни «ўз онаси»га уйланиб,

⁷² «Тарихи Азизий», ЎзФА ШИ фонди, инв. № 11108, 245-варақ.

⁷³ «Анжуман ат таворих», 95-варақ.

⁷⁴ «Ғаройиби сипоҳ», инв. 5408, 26—27-варақлар.

⁷⁵ Амир Умархон ўратепалик сайид Ғозихўжанинг қизи Пошшахонни ҳарамига келтирган эди. Лекин қиз ёш бўлганлиги учун уни тарбиялашни вазириларидан бирига топширган экан. Шу орала ўзи касал бўлиб вафот этади. Бир неча йил ўтгач, Муҳаммадалихон уни севиб қолади ва ўзига никоҳлаб олади.

шариатга «хилоф» иш қилганлиги учун Насрулло динни «кофирлар»дан тозалаш мақсадида қонли урушлар қилгани билан изоҳланади. Лекин бу асосий сабаб эмас, албатта. Агар ўшандай бўлганда, амир фақат Муҳаммадалихонни қатл қилиш ёки бошқача чора кўриш билан чекланган бўлар эди. Ваҳоланки, Насрулло Қўқон шаҳрини талон-торож қилиб, унда яшовчи барча халққа қаттиқ озор етказди, қонли террор ўтказди, аҳоли мол-мулкини талади. Бизнингча, бу қонли фожианинг ижтимоий илдизларини сиёсий ва иқтисодий фактлардан ва ҳоким ислом идеологиясининг оқибатларидан эканлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Қўқон хонлигида XIX асрнинг 20—30-йилларида жиддий сиёсий вазият ҳукм сурарди. Бу даврда хонликнинг территорияси кенгайтирилган бўлиб, шимолдан Россияга қарашли Ташқи Сибирь округи, ғарбдан Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги, жанубдан Қоратегин, Дарвоз, Қулоб, шарқдан Қашғар билан чегарадош эди. Хонликнинг кенгая бориши Бухоро амирлигига ҳам хавф солар эди. Шунингдек, Нодиранинг актив иштирокида мадрасалар, кутубхоналар, меҳмонхона, бозор, ҳаммом, расталар бино қилдирилиб, шаҳар қиёфаси ўзгармоқда эди. Бундай маданий қурилишларни барпо этган Нодира ўз ижоди билан ҳам демократик йўналишдаги адабиётга ўз ҳиссасини қўшмоқда эди.

Юқорида зикр этилганидек, Нодира Умархондан кейин йигирма йил мобайнида давлат ишларида актив иштирок этди. Аёл кишининг бевосита мамлакатнинг маданий ишларига раҳбарлик қилиши, Қўқонда илм-фаннинг, бадний адабиётнинг ана шу йўсинда ривожлана бориши реакциян руҳонийларни, диндор сўфилар, мутаассиб амирларни ташвишга солмай қолмади. Феодализм шароитида шариат томонидан хотин-қизларнинг жамоат йигинларида иштирок этишлари қатъий ман этилган эди. «Шарҳи саботул ожизин» номли диний китобда хотин-қизларнинг, ҳатто, тўй маросимларига боришига эрлар тўсқинлик қилиши керак, чунки у ерда хотинлар ўйин-кулги билан хурсандчилик қиладилар. Шунинг учун хотинларни уйдан чиқаргунча, гириклайин кўмиб ташлаш керак каби реакциян фикрлар баён этиларди.

Мана шундай ислом реакцияси ҳукмронлик қилиб турган бир пайтда Нодиранинг инсонни улуглаб, маъсума хотин-қизларнинг олий жаноб фазилатлари, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя этиши, маърифатга чақириши, мамлакатнинг маданий ҳаётида актив иштирок қилиши, унинг эркин фикрлиги диний-хурофий ақидаларнинг реакциян таълимотига қарши нозилиги феодал доиралар ва, айниқса, фанатик руҳонийлар

орасида Нодирага қарши хусумат ва фитналар қўзғолишига сабаб бўлди.

Жоҳил руҳонийлар таъсирида бўлган Бухоро амири Насруллонинг Қўқонга юриш қилишидан мақсади ҳам унда тараққий топиб келаётган маданий ҳаётга зарба бериш ва шу йўл билан иқтисодий-сиёсий устуликни қўлга олиш эди.

Фанатик руҳонийларнинг, жоҳиллик ва нодонликнинг асири—Бухоро амири Насруллонинг мудҳиш ҳаракати Қўқондаги маданий-иқтисодий ҳаётга катта зарба етказди. Лекин ана шу фожиаларнинг қурбони бўлган ўзбек халқининг севимли шоираси Нодира ёрқин ижоди билан зулмат ичида нур каби чарақлаб, ўзининг сўнмас изларини қолдириб кетди. Шоиранинг ўтмишдаги мазлума аёлларнинг юрак нидоларига оҳангдош, нафис ғазаллари мангу сақланиб қолади. Нодира:

Саъй фармо ки барояд ба накуй номат,
То бувад номи неку ҳаёт ба олам асарат (23).

Мазмуни:

Сен шунга урингинки, номинг яхшилик билан шўҳрат
топсин, яхши ном сенинг асаринг бўлиб қолсин!

дегани каби шоиранинг бу олижаноб фикрлари совет кишилари томонидан ҳамиша ҳурмат ва муҳаббат билан тилга олинади. Ўзбек халқининг азиз шоираси ўзининг сермаҳсул ишлари, юракка яқин бўлган нафис лирикаси билан тарихда ўзига муносиб абадий ҳайкал бунёд этди.

ҲАМИША БАРҲАЁТ

Ўзбек классик адабиётининг атоқли намояндаси Нодира ҳаёт завқи, инсон қадр-қимматини улуғловчи асарлари билан бадиий ижодкорликда чинакам истеъдод эгаси эканини намойиш этди.

Замонасининг реалистик ҳаёт картиналарини куйлашга интилган шоира ижодида оддий кишиларга нисбатан муҳаббат ва садоқат мотивлари зўр маҳорат билан куйланди. Унинг лирик шеърляги ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Шунинг учун ҳам шоиранинг замондошлари ва ундан сўнг яшаб ижод этган ўзбек адабиётининг қатор намояндалари унинг ҳаётбахш шеърлятидан илҳомландилар, ғазалларига татаббу қилдилар, мухаммас боғладилар ва унинг илғор традицияларини ривожлантирдилар.

Биз юқорида эслатиб ўтганимиздек, шоиранинг «этиб кет» радифли ғазалида табиат гўзалликлари, инсоний фазилатлар, севгининг завқи ва алами, замонасидаги реакцион кучларнинг қилмишлари ва инсоннинг улуғвор орзулари жонли куйлангани учун кўпчилик ижод эгаларининг диққатини ўзига тортди. Шоирлар қалбнинг чуқур ҳиссиётларини юксак бадиийлик билан тасвирлаган бу ғазалга мухаммас боғлар эканлар, зийрак, доно, идрокли аёл Нодиранинг ўшандай мудҳиш даврда яшаб, кулфат чекканидан афсусландилар ва ўз асарларида унга ҳамовоз бўлдилар. Ҳасрат ва алам билан, зўр журъат ва умид билан айтилган бу мисраларни қайта-қайта такрорлаб, уни кенгайтirdилар, ривожлантирдилар.

Қўқонлик шоир Рожий Нодиранинг бу ажойиб ғазалига мухаммас боғлаб, шундай деган эди:

Дунёга келиб, зиёна келдинг,
Кулфат уйи, макона келдинг,
Заҳмат ўқига нишона келдинг,

Мақсад на эди, жаҳона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет⁷⁶.

Шоир Залулий мухаммасида эса:

Ошиқ демагай кишига ишқин,
Лозимдур ҳамиша анга тамкин,
Гар бўлсанг ул ойга ошиқи чин,
Фош этма улусқа ишқ сиррин,
Қўнгилда ани ниҳон этиб кет⁷⁷.

Шоир Ходимий мухаммасида шундай мисралар бор:

Гулшан аро волан гулисен,
Жўяндан зулфи суибулисен,
Чун қамар ани шўхлиқ қулисен,
Дунё чаманини булбулисен,
Гул шоҳида ошён этиб кет⁷⁸.

XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган шоир Нодим ҳам бу ғазалига қуйидагича мухаммас боғлаган:

Даврон ситаму балоларидин,
Қўнгулни ғаму яроларидин,
Аҳбобни бевафоларидин,
Бедардларнинг жафоларидин,
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет⁷⁹.

Нодим Нодиранинг яна бир қанча ғазалларига мухаммас боғлаган. Жумладан: «Марҳабо, эй пайки султон, марҳабо», «Ҳар табу тобики, ул шамъи шабнстонидадур», «Ёрдин айру мени бедилни зор эттинг фалак», «Эй мусоҳиблар мени дардимға бир дармон этинг», «Эй хуш он соат ки дар гулшан мақоме доштем», «Айладинг азми сафар, эй шаҳсуворим, яхши бор», «Фиғонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин» кабилар.

Атоқли ўзбек маърифатпарвар шоири Зокиржон Фурқат ижодининг дастлабки даврларида ўзининг айрим лирик асарларини Нодира ижоди таъсирида яратган. «Аср шуароларким, чунончи, мавлоно Завқий, мавлоно Нисбатий, мавлоно Муқимийлар,— деб ёзди Фурқат,— ҳамиша мажлис бунёд айлаб зодаи таъбаримиздан мушоара қилур эрдук ва бир ғазалда татаббуъ кўрсатиб, бир мазмун ҳар нав тарзда ифода топар эди... ва баъзи вақт ишқ тавсифи ва ҳусн таърифида ғазал машқ айлаб, қадимий шуаролар девонларидин бир шўх ғазални топиб, унга ҳар қайсимиз алоҳида мухаммас боғлар эдик»⁸⁰.

⁷⁶ «ЎзФА ШИ қўлёзмаси», инв. № 5868, 66—68-варақлар.

⁷⁷ «Тухфатул обдин», ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 122, 145—146 варақлар.

⁷⁸ «Баёз», адабиёт музейи фонди, № 320, 142 варақ.

⁷⁹ «ЎзФА ШИ қўлёзмаси», инв. № 4179, 278—279 варақлар.

⁸⁰ «Туркистон вилоятининг газети», 1891 йил, 16-сон.

Зокиржон Фурқатнинг бу сўзлари табиий, Нодира ғазалларига ҳам тааллуқли бўлиб, шоирамизнинг ижодига зўр ҳурмат билан қараганлигини кўрсатади. Шоир Фурқат Нодиранинг айрим ғазалларига татаббуъ қилиб, ундаги ҳаётий мотивларни янада ривожлантиради. Чунки Фурқат Нодира қиёфасида эркисиз, ҳуқуқсиз яшаган аёлнинг орзу-умидларини, ҳис-туйғуларини жўшқин мисраларда куйлаган талантли ижодкорни кўрди. Фурқатнинг «Эй лутфи каму жафоси чўх ёр», деб бошланган саккиз байтли ғазали Нодиранинг «Жон кўрмади рўзадин ҳаловат» деб бошланган етти байтдан иборат ғазалига ўхшатма қилиб ёзилгандир.

Нодира:

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,
Ифторда ёрсиз на лаззат!
Ҳар шом менга наволаи ғам,
Ифтор қилурга бўлди қисмат.
Моҳи рамазонки, файзи чўхдур,
Мен хастага ёрсиз на роҳат? (321)

каби сатрларида рўзадан нолиб, ундан шикоят қилиб, ёрни қўмсаш руҳида оғир кечинмаларни ифодалаган бўлса, Фурқат бу фикрни қўйидагича баён этади:

Эй лутфи каму жафоси чўх ёр,
То чанд чекай гамингда озор?
Моҳи рамазонки, файзи чўхдур,
Охир менга сенсиз на даркор?
Ҳар шом менга наволаи ғам,
Қисмат бўлбон қилурга ифтор⁸¹.

Бу сатрларда ҳар икки шоир ёрсиз ҳамда муҳаббатсиз ўтган оқшомни инсон учун оғир мусибат эканлигини куйлаб, висол орзуси дин эътиқодларидин юқори қўйилади, реал ҳаёт улуғланади.

Нодиранинг «Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин» деб бошланган етти байтдан иборат ғазали ўзининг мазмунан кенглиги, бадний пухталлиги ва халқчиллиги билан диққат ва таҳсинга сазовордир:

Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсен ҳоли зоримдин.

Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди, андоғким,
Биёбонларда Мажнун тўғиё излар ғуборимдин.

Қизил қондур сириншим, заъфарондур чеҳран зардим,
Мени ким кўрса фарқ этмас, хазон бирла баҳоримдин...

Нодиранинг шу ғазалида севикли ёрдан жудо бўлган аламли юракнинг чексиз оҳу фарёдлари ифодаланади. У барбод

⁸¹ Ф у р қ а т, Танланган асарлар, 1959, 1-том, 195-бет.

бўлган ёшлик, ёлғизлик оқшомларидан қон бўлган дилнинг фиғонини баён этади.

1950 йилда Фурқат ҳақида поэма ёзган шоир Сайфий ўз асарининг ғоявий ва бадийи кучини ошириш мақсадида Нодиранинг юқоридаги ғазалининг дастлабки уч байтини олиб, унга Фурқат ғазалларидан икки байтини қайта ишлаб, қўшиб, беш байтдан иборат бир ғазал тузган ва уни Фурқатга нисбат берган, текстдаги «ҳоли зоримдин» ибораси «оҳу зоримдин» ибораси билан, «чеҳраи зардим» ибораси «чеҳраи олим» ибораси билан, «даврон» сўзи «айём» сўзи билан алмаштирилган. Фурқатга нисбат берилган шеърнинг охирги икки байти Фурқатнинг қўидаги ғазалларида учрайди. Масалан, «Малолат зоҳир этманг, дўстлар афғону зоримдин» деб бошланган ғазалининг иккинчи байти шундай берилган:

Муҳаббат дардидин ўлсам, ўтиб ғамла вафо бирла,
Қамишлар ўрнига меҳри гиёҳ унгай мазоримдию⁸².

Бу байт қўидагича ўзгартирилган:

Муҳаббат дардидин ўлсам, ўтиб умрим адо бўлғоч,
Қамишлар ўрнига меҳри гиёҳ унгай мазоримдин.

Яна Фурқатнинг «Фидо айлай» деб бошланган ғазалининг еттинчи байти:

Саги овора янглиг — бормоғим қайда билолмасмен,
Қачон бўлғайки топқаймен йўқотгон карвонимни?⁸³

қўидагича ўзгартиб ёзилади:

Адашган ит каби Фурқат қаён борғум билолмасмен,
Қачон бўлғайки топқаймен хабар ёру диёримдин.

Диёридан айрилиб сарсон ва саргардон бўлган Фурқат ёридан жудо бўлган Нодиранинг юқоридаги ғазалида инсон ҳиссиётларининг энг нозик томонларини ҳис эта билди. Ана шу қайғудошлик туфайли Фурқат Нодиранинг юқоридагидек шеърларига оҳангдош ғазаллар яратди. Ҳар икки шоирдаги бундай ижодий яқинликни сеза олган шоир Сайфий ўз поэмасини таъсирчан қилиб яратиш учун Нодиранинг бу ажойиб ғазалига Фурқатнинг ғазалларидаги Нодирага оҳангдош бўлган мисраларини бирмунча ўзгартган ҳолда сингдириб юборган. Ер ва диёр мавзуининг боғланиши натижасида ўткир бир ғазал вужудга келган. Бу эса кейинги асрлардаги шоирлар Нодира ижодини улуғлаганидан ва унга хурмат билан ёндошганлигидан далолат беради.

Демократ шоир Муқимий ҳам Нодира ғазалларини севиб ўқиди ва унга ижодий ёндашди.

⁸² Уша асар, I-том, 169-бет.

⁸³ Уша асар, 114-бет.

Нодира:

Ҳеч ким ёраб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун,—

деб ўзининг қайғу-аламларини, ички руҳий кайфиятларини
аламзадалик билан куйлаган бўлса, жабр-жафо чеккан халқ
шоири Муқимий:

Ҳеч ким мендек, илоҳи ёридин айрилмасун,
Меҳрибон, мунис ўшал дилдоридан айрилмасун⁸⁴

деб нола чекади. Бу эса шоир Муқимий ижодида Нодирага
ва унинг дардли ғазалларига ҳамоҳанг фикрлар борлигининг
ёрқин ифодасидир.

Адабиётимиз тарихида бу традиция том маъноси билан
ёзувчи ва шоирларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мактаби бўлиб,
мухаммас боғлаган, татаббуъ қилган адибнинг ўсиши, бадий
маҳоратни эгаллаши учун маълум даражада ижобий роль
ўйнаган.

Нодира ижодининг таъсирини биз ўзбек совет адабиёти-
нинг йирик намояндалари Гафур Ғулум, Собир Абдулла каби
шоирларимиз ижодида ҳам кўраимиз.

Гафур Ғулум Нодиранинг юқоридаги «этиб кет» радифли
ғазалига ўхшатиб қуйидаги сатрларини яратди:

Гарчандки дунёга келибсен,
Бир арзигудек нишон этиб кет.

Халқингга вужуду қалби жонинг.
Ҳады эканин баён этиб кет.

Юртинг чаманига қур иморат
Булбул каби ошён этиб кет.

Собир Абдулла ҳам Нодиранинг шеърий қофиясидан фой-
даланиб, ғазалидан завқланиб шундай куйлайди:

Умр бўш ўтмасин, бўстон этиб кет,
Қолар номинг учун имкон этиб кет,
Жаҳонга на учун келдинг, тугилдинг,
Ўзингни халқаро дoston этиб кет⁸⁵.

Гафур Ғулум ва Собир Абдулла ўзларининг юқоридаги
каби шеърларида Нодирадек инсоннинг олижаноб фазилат-

⁸⁴ Муқимий, Асарлар тўплами, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1960,
167-бет.

⁸⁵ С. Абдулла, Ҳаёт гулшани, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1959, 39-бет.

ларини куйлаш билан бирга, социалистик тузумда озод ва эркин ижодий меҳнат билан яшаётган инсонни ўз ватанига садоқатли бўлишга, бепоён ва улуғвор юртимиз тупроғини чаманга айлантиришга, хуллас, ҳалол меҳнат билан улуғ Совет мамлакати учун бажону дил хизмат этишга чақирадилар.

Нодира каби шоираларнинг ҳаёти ва ижоди китобхонларимизнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Уларнинг ўзларига хос овозлари, нафис ва ранго-ранг шеърлари адиблар даврасида, китобхонлар гурунгларида доимо барҳаёт.

ХОТИМА

XIX асрнинг биринчи ярмида, феодализм даҳшатлари авж олган бир даврда яшаган Моҳлар ойим — Нодиранинг эркин фикрлиликни тараннум этган шеърлари ўз замонидаги мазлум хотин-қизларнинг жўшқин нидоси бўлиб янгради.

Хотин-қизлар ҳар томонлама хўрланган, энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилган ўшандай жабр-ситам замонада Нодира ўзининг ижтимоий ва ижодий фаоллиги билан танилди, кўпчиликнинг иззат ва эҳтиромига сазовор бўлди.

Даврнинг мураккаб ҳаёт шароитида илғор тенденцияларни пайқай олган, замонасидаги ҳукмрон урф-одатларни нафратлаган, илғор кишиларга ҳомийлик қилган, айниқса, аёлларнинг нола ва фарёди, эрк ва бахт йўлидаги романтик умидорзуларини қалб овози билан куйлаган шоира XIX асрдаги прогрессив фикрлар жарчиси бўлиб гавдаланди.

Шарқ адабиётида ўз истеъдоди ва донишмандлиги билан шуҳрат топган Зебуннисо каби Нодиранинг ҳам номи иззат-ҳурмат билан тилга олинади, ижоди қадрланади.

Биз юқорида Нодиранинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги ўз фикрларимизни баён этишга ҳаракат қилдик. Шоиранинг ижоди ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Унинг асарларини тўплаш ва оммалаштириш учун бундан кейин ҳам изланишларни давом эттирамиз.

Нодиранинг ҳаётбахш ғазаллари юз йилдан ортиқроқ вақтдан буён куйланиб келади. Халқ куйлари ва классик мақомлари унинг киши руҳига сингувчи ажойиб ғазалларини кенг оммага етказиб келади.

Шоира ўзи ҳаётлиги пайтидаёқ муҳаббат, вафо ва садоқатни улуғлаган, инсоннинг энг олижаноб фазилатлари ва нозик ҳис-туйғуларини юксак бадиний маҳорат билан тараннум этган ғазалларининг қадрланишига ишонган эди:

Эй муганни, нағмасос, эт Нодира гуфторидин,
Ким келур бўйи вафо ушшоқ аро ашғоридин.

Нодира ғазалларининг «бешинчи баёт», «настри ушшоқ», «уфори уззол», «савти наво», «соқийноман мўғулчан бузург», «савти сарвноз» каби классик мақомларда куйланиб келаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳам ўзбекча, ҳам форс-тожикча ғазаллари билан шухрат қозонган Нодира сўз санъатининг нафис намуналарини яратди, аёл киши юрагининг эзгулик, эркинлик учун бўлган интилишини жозибадор, рангин ғазалларда куйлади. Шоира ўз замонасида юксак қобилиятга эга бўлган, назм гулшанни безаган санъаткор, XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабиётида устозлик ва адабий раҳбарлик даражасига кўтарила олган йирик сиймолардан бири эди.

Нодира — Комила — Макнуна тахаллуслари билан ижод этган зуллисонайн шоира Навоий каби икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида баравар қалам тебратди. Зотан, Нодира бу икки халқнинг тарихий бирлигини, маданий ва адабий қардошлигини ўз ижодида мужассамлантирган, икки халққа хизмат қилган севикли адиба эди.

Социалистик замонамиздаги ҳур ва озод совет хотин-қизлари умуман, меҳнат ҳамда ижодда мўъжизалар яратаётган бахтли совет кишилари адабиётимиз тарихининг талантли сўз устаси Нодирани ҳамавақт эҳтиром билан эслайди.

ИЛОВА

Биз Нодиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асаримизнинг охирида шоирани кўрган ва унинг ҳаётини яқиндан билган, ҳатто, унинг хизматида бўлган ёзувчи Хотифнинг хотираларидан парчалар келтирамиз.

Бу хотираларда ўз замонининг нодираси, илм, маданият, адабиётнинг ривожланишида ўзига муносиб ҳисса қўшган шоира Нодиранинг ҳаёти тўғрисида маълумот берилди. Уларда ўтмишдаги хон, бекларнинг айш-ишратда яшаганлиги тасвирланар экан, кенг халқ оммаси оғир аҳволда кун кечирганлигига ҳам ишора қилинади. Шу билан бирга, инсонпарварлик туйғуларини ифода қилган шоира Нодиранинг мадраса, китобхона, карвонсаройлар қурдирганлиги ва мадрасада ўқувчиларни таъмин этиш учун маблағ ажратганлиги кўрсатилади.

Шоир Хотиф ўз асарида Нодира ҳаёти ва унинг кечинмаларини дostonлардагидай кўтаринки руҳ билан ифодалайди. Бу асар ўша вақтдаги ҳаёт, урф-одат, хонларнинг айшу ишрат билан яшаганлиги тўғрисида этнографик маълумот беради.

Нодира ўз замонининг гуманист шоираси бўлган. Шунинг учун ҳам Хотиф, Нодир каби шоирлар ўз асарларида Нодирани кўкларга кўтариб мақтасалар-да, лекин шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига онд қимматли маълумотларни берадилар.

Биз қўйида шу хотиралардан парчалар келтирдик.

Шаҳзодага издивож қилмоқ воқеаси

Чун шаҳзодан олиймақом балоғат ованина етишди... Мингхоним фархунда хаёл шаҳзода мазмунин олдириди. Ҳеч қайси мақбули таъби ҳумоюн эрмас эрди. Ул сабабдинким, оталиқ некуном Раҳмонқулибек олиймақомки, ўз қариндоши эрди ва Фаргона қаламравинда туғдор ва маснаднишини ҳукумат ва салтанат эди, ҳарами исматинда бир мастуран ҳумоюн талъат ва бир маҳжубан зебо ҳайъат қизи бор эдиким, хирад ва фатонат ҳусн ва латофат қаламравинда ул ягона янглиғ манассан жаҳон ичра жилва қилмағон эрди. рашки рухсори зебосидин чамаи гуллари шармисор ва лаъли лаб рўҳафзосидин Яман аққиқи безътибор, қомати хиромонининг олида сарв бирла шамшод сарнаст ва чашми сурмагуни тамошосида наргис кўзи ҳайратпараст эди.

На з м:

Бир нодирани замони ифдат,
Бир гунчан бўстони исмат.

Иқлимни жамол комёби,
 Исмиат фалакини офтоби.
 Гул ҳасратидин бўлиб париншон,
 Гунча они оғзи шавқидини қон.
 Ҳусн ойнинасини жилвасозин,
 Давлат чаманини гултирози.
 Навбодан бўстони давлат,
 Наврастан гулистони иззат.
 Моҳи фалаки жаҳонпаноҳе,
 Хуршиди сарирни подшоҳе,
 Лаъли лаби чашмасори қавсар,
 Ширин сўзи обёри шаққар.
 Дониш ила фаҳмға ягона,
 Яъники ягонаи замона.
 Шойистани маснади асолат,
 Побастани тахтгоҳи иззат.
 Гулшан эди мунфайл юзидин,
 Ой бирла қуёш ҳижил юзидин.
 Эрди анга шаҳзода ошиқ,
 Узроға нечук кабини Вомиқ.
 Эрди анга шаҳзода мафтун,
 Лайлиға нечук кабини Мажиун.
 Ғам тунлари талхком эрди,
 Уйқу кўзига ҳаром эрди.
 Ед айлар ўшал нигори дилкаш,
 Ақлу хиради эди мушавваш.
 Ҳар лаҳза хаёл этиб каранма,
 Эрди кўзи ёши чашма-чашма...

Ул подираи айём ишқидин бул шаҳзода тинмаюб кечалар хилват
 тутиб то субҳдамгача шамъ янглиғ куюб бу газални такрор этар эди...
 (Хотиф Умархон тилидан икки газал ёзиб, унинг ички кечинмаларини
 ифодалайди)⁸⁶.

Татимма

Минг хоним ўлуб бу сирдин огоҳ,
 Ут солди харини фикрга оҳ.
 Айлади Амири Олима фош,
 Ким шухрата фош ўлон қариндош.
 Ишқида бўлуб асиру шайдо,
 Кўз мардуми шаҳзода воло.
 Фикр ила на сабру тоқати вор,
 Ҳажр ичида на завқу роҳати вор.
 Ут ичра қуёш каби ҳама кун,
 Қон ичра шафақ каби ҳама тун.
 Шаҳ маслаҳат аҳлин айлади жамъ,
 Ендурди хирад харимина шамъ,
 Ул шамъ зиёсдин намудор,
 Қилдики, эрур иложи изҳор.
 Айлади Атолиқа ўшал ҳол,
 Ойина паём бирла ирсол.
 Ким: «пардан истматингдаги моҳ
 Ишқида асирдур Умаршоҳ.

⁸⁶ Нодира ўзбекча девонининг фотокопияси, 77—80-варақлар.

Ул гавҳара боб эрур бу гавҳар,
 Ул нодира лойиқи бу сарвар».

Фаргона элин беги Атолиғ,
 Бул сўзини ўзинга олди қоттиғ.
 Ўз иззатин айлабон таманио,
 Қилмади қабул бу тавалло.
 Қилди оталиғ бу сўздин икроҳ,
 Чуи бўлди амири Олим огоҳ.
 Шафқатли кўнгулни этти хора,
 Бўлди ғазаб отина сувора.
 Жамъ айлади ул жамоани чанд,
 Хўқанд аро айлади назарбанд.
 Ҳар лазҳа миниб саманди турғиб,
 Этмишда ғазаб йўлига жавлон.
 Чўх этти насихатин халойиқ,
 То кўнди бу навъ ила Атолиғ.
 Айлади анга амири худком,
 Бир неча билоду қаря инъом.
 Ерлиқлар ила этиб сарофроз,
 Айлади шаҳи қаламрави ноз,
 Ким айлади тахти Андугона,
 Юз жоҳ сипоҳ ила равона.
 Ул кўзгуя эттилар муқобил⁸⁷.
 Ашколи миёнчини маросил⁸⁷.

Тўй асбобин муҳайё қилгонлари

Асъадул айём бир кун эрдиким, шаъшаан хуршиди саодату инбисот,
 сабоҳи ҳумоюн мисбоҳидин ошкор ва ламъан офтоби давлату эътибор
 уфуқидин намудор эди. Шаҳодан ҳужастафаржом оғаси амири Муҳам-
 мад Олим ила давлат бисотини гўстаруб, ҳашамат асбобини жамъ этуб,
 зарнигор матолар ва гаронбаҳо қумошлар, анвои қул ва каниз, барча тўй
 лавозимни ила уйла тартиб этиларким, худованди оламул ғайбдин бошқа
 онинг шумор ва ҳисобидин ожиз эди. Пайғом еткурғувчи бек ва бека
 ҳамда одамизодаи донишманд заифлардан тўрт юз бонун номдор, олий
 эътибор интиҳоб этиб, тойифан заифа хизматкорларни аларга тайин
 айлаб, тўрт юз оқ от тиллон ахмар жабдуқлар била музайян этгон, тўрт
 юз қора от нуқран мунаққаш асбоблар билан мўшони, тўрт юз оти аблақ
 ширу шакар олот бирла муратгаб ва муайян, тўрт юз саманд саводкор-
 лиқ зийнатлар била музайян ва мубарҳан, бул ҳашамат ила ул тўрт юз
 бонунинг барча хизматкорлари билан алоло ва салтанат камолида ирсол
 айлади. Ҳар мақомдаким, манзил олур эрдилар, туман-туман мато, курур-
 курур жавоҳир меҳмондорлиқларига нисор бўлур эрди. Бу салобатлар
 бирла етти кундин сўнг Андигон хиттасига яқин бўлдилар. Истиқболла-
 риға барча мамолик халойиқ кўз пардасидин паёндоз этиб, меҳмонлиқ
 маснадиға мутамаккин айладилар. Пайғому неку фаржомларин Оталиқ-
 бек сомеъан муборакиға еткурдилар.

Висол ҳашмати омода бўлғони

Чуи етти қабулиға бу дархост,
 Тадбири висол этилар рост.
 Бир ойғача жамъ этти кишвар.

⁸⁷ Ўша асар, 80—81-варақлар.

Асбоби минолу махзани зар.
 Жамъ этти жаҳондан эътиборин,
 Сардору вазеъу номдорин.
 Тайин эда онларда маротиб.
 Андоқки, сипеҳр аро қавокиб.
 Алқиссаки, жоҳи бегарона,
 Кўрсатди жаҳон-жаҳон замона.
 Айлоди канизу мол таслим,
 Даргоҳиға жумлаи ақолим.
 Бўлди бу салои ҳашмати зўр,
 То кишвари Руму Ҳинд машҳур.
 Дарёи Амуяча бароё,
 Азм айлади қилғоли томоша.

Сўз татиммаси

Бир кечакни эрди бир шаби қадр,
 Исмаат ҳараминдағи маҳи бадр.
 Тадбири никоҳин эттилар рост,
 Ким ҳақдин эди бу шеваи хост.
 Ўз қасрида шаҳзода воло,
 Изҳора вериб шукуҳи Доро.
 Ўз жойида ул маҳи замона,
 Ул кишвари ҳусн аро яғона.
 Гулгун ила бўлди шом аро шамъ,
 Атрофиға этти ҳусн элин жамъ.
 Фархунда канизлар мурағтаб,
 Ул навъки ой олинда кавкаб.
 Ҳайли уламоу фавжи содот,
 Жамъи умарои ҳукми миръот.
 Фархунда замони соатила.
 Арбоби нужум ҳикматила,
 Фош ўлди никоҳ таври ул тун,

Ендурди чароғи бахт гардун.
 Ой бирла қуёш келиб қирона,
 Уйрулди мурод ила замона.
 Маъшуқиға ёр бўлди ошиқ,
 Узросиға васл топди Вомиқ,
 Этти майи васл хотирин шод,
 Ширина етишди саъйи Фарҳод.
 Ўз сарвиға етти саъйи қумри,
 Ким эрди гарав йўлида умри.
 Бўлди маҳи оразиға ҳайрон,
 Парвонаға бўлди шамъ жонон.
 Қўрди гули булбули жигархун,
 Лайли юзиға кўз очди Мажнун.

Висол маснадида ором топғонлари

Шаҳ бирла ўшал дурри яғона,
 Ул икки яғонаи замона.
 Иқлими жамола шоҳ эдилар,
 Давлат фалақинда моҳ эдилар.
 Эҳсон эта дамба-дам жаҳона,

Дамба-дам эта лутфи бегарона.
Лутфила бировни айлабон шоҳ,
Қаҳр ила бировни қобили чоҳ.
Адл ила жаҳонни айлаб обод,
Эҳсон ила даҳр аҳлини шод.
Васл ичра чаман ниҳод эдилар,
Бир-бир ила турфа шод эдилар.
Лутф ила жаҳон-жаҳон тараҳҳум,
Айш ила чаман-чаман табассум.
Бул вақтда чарх хислатин кўр,
Айём жафосифатлигин кўр.
Бир тунки эди малол шоми,
Келтурғувчи ранжлар паёми.
Ул шоҳи жаҳона ёр жони,
Ҳам чашми чароғи хонадони.
Роҳат эшикини боз этти,
Роҳат ила хоби ноз этти.
Туғдор қул эрди анга бисёр,
Онлардин эди бири жиловдор.
Тун уйқуси ичра кўрди ул моҳ,
Ким тиғ ила жиловдор ногоҳ.
Кесди бадани нигор ойн,
Лахти бўлди жудо қўлидин.
Кесгон этини тушида нохост,
Тадбир ила боз айлади рост.
Қўпди тушидин бўлиб мукаддар,
Чинлар ола ул жабини анвар.
Шаҳ кўрди нигорини мушавваш,
Жон бирла дилига тушди оташ.
Сўрдики: «Не бобдин ғамисен?
Ташвиш ила тангдил надиисен?
Лаълингки, эрур баҳори асрор,
Хандонлиг эрур анга сазовор».
Оҳ урдию деди: «Ёри ҳамдам,
Эй подишоҳу амири олам.
Кўрдум тушу фикридин хижилман,
Ул важҳ ила буйла тангдилман».
Туш ичра анга бўлон намудор,
Тафсил ила шаҳға этти изҳор.
Ҳайриятта шоҳ қилди таъбир,
Қилмас таъбир манъи тақдир.
Бир лаҳза туруб амири жаррор,
Оҳ урдию айди эй некукор:
«Ман нез бу фикр ила адоман,
Бу навъ туш ила мубталоман.
Бўлди менга ҳайбат ила изҳор,
Туш ичра ажубан намудор.
Солди бошимизга панжан қаҳр,
Ким бўлди тамоm ранжан қаҳр.
Кетти тушу бўлдим ўйла бедор,
Бордур андин ҳануз озор».
Туш фикрини даф қилмағи-чун,
Бу ҳасрата нафъ қилмағи-чун.
Амр этти хазинадорларға,
Дарвешлару мазорларға,
Ким чўх қилтоли назри эҳсон,

Тангрига аёну қулга пинҳон,
 Ом айлади ўйла ганжу гавҳар,
 Ким қолмади ҳеч кимса бе зар.
 Лекин чу қазо эмишди воқеъ,
 Бўлмади дуоу назри пофеъ.
 Хуршид эди тораму камола,
 Дўндурди қаламрави завола,
 Қўл кесмоғина бу эрди таъбир:
 Ким шоҳи жаҳона қилди тақдир.
 Султони замона ҳазрати хон,
 Шаҳ тахтида бўлди шоҳи даврон.
 Ул парданишини қасри давлат,
 Мастуран дудимони иззат.
 Хон шукрига тилни этти жозим,
 Тадбири жаҳона бўлди азим.
 Эҳсон эшигини боз этти,
 Даҳр аҳлини сарфароз этти.
 Умидки мунча яхши хислат,
 Ким айлади ул баҳори давлат.
 Иқболни мустадом тутгай,
 Ҳам умрини бардавом тутгай...⁸⁸

Хотиф Нодира тўғрисида яна шундай деб ёзади (биз тожикча текстнинг мазмунини берамиз):

«... Унинг ақлу фаросатига замон аҳли хайрон ва қойил қолар эди.
 Н а з м:

Давлат дарёсининг гавҳари олий даража бир ой,
 Шоҳлик авлодининг сараси, тахт-тож эгаси.
 Унинг вужуди мулк ва замон мажлисида гўё бир шамъ,
 Фитрати билим ва адолат осмонида бир қуёш эди.
 У ўзининг жибилли сийрати ва ҳусн ахлоқи билан гўё бир
 шам, подшо эса унга парвона эди.

Билим ва яхшиликларнинг ҳамма хилини шу даражада ривожлантирган эдики, агар тил юз йил мақтаса, юздан бир таърифини қилолмайди. Унинг таъриф-тавсифида кўп сўзлаш одобдан бўлмагани учун қисқартишга мажбурмиз. Подшоҳ ҳамма вақт унинг кўнглини овлаш билан машғул эди...

Умархоннинг вафотидан сўнг, бу ифат садафининг инжуси ёрнинг мотамида гоҳ ҳасратдан гулдай ёқасини чок қилар, гоҳ айрилиқдан кўксини лоладек доғлар... кўзларидан марвариддек ёшлар тўкилар эди... Ҳа, ёрнинг фироқи осон эмас, жонон гами — жоннинг оташидир.

Шу хилда беҳуд ва бесабрлик билан уч йил умр ўтказди... Фироқ ва ҳасрат кечаларида рангин назмлар, ажойиб шеърларни ўзига ҳамдам қилиб, форсий ва туркий жонбахш ғазалларни ёзиш ва ўқиш билан машғул бўлар эди.

Уч йилдан кейин, кўркам хислатли бу комила инсон огоҳлик кўзини очиб... минг гулистондан ортиқ бўлган Чаҳор чаман боғига борди. Фаргона, Тошканд, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳар халқларини ўз хизмати-га чақириб, хайру эҳсон эшигини шундай очдики, эркагу аёл зар либосларга чўмилдилар, ҳамма халқлар дунёликдан мамнун бўлиб, таҳсин ва офарин дедилар. У мақтовга сазовор аёл (Нодира — М. Қ.) мамлакат

⁸⁸ Уша асар, 81—86-варақлар.

низоми ва халқ эҳтнэжларини тадбир ва адолат расмида камоли ақл ва фаросат билан шундай жойига келтирдик, тамоми умаро ва фузало, барча халойиқ унинг давлатини янада зиёда бўлишини тилаб дуо қилдилар. Мамлакат хирожларидан беҳисоб тилла ва вавоҳирларни сарф қилиб, бир мадраса олий, нақшдор масжид, ҳаммом, карвонсарой бинқ қилдирди... Бу мадраса, масжидларга ҳисобсиз вақфлар тайин этди...

Шундай қилиб, бу аёл ақлу дониш ва яхши фазилатлари билан ягон даврон ва нодираи замона бўлиб танилди ва халқлар таҳсинига сазовор бўлди...

Бу кунларда яна... китоблар ёзириш ва уларга зеб-зийнат беришга фармон қилиб бир китобхона бино эттирди. Китобхонада ишловчи котиблар, наққошлар, рассомларга шундай карам ва эҳсонлар кўргиздик, бунинг овозаси атроф оламга машҳур бўлди. Амударёнинг бу томонидаги ёқут қалам котиблар, Мирали рақам роқимлар, наққошлар, ҳалкорлар, Моний каби рассомлар эшитиб бу ерга жам бўлдилар.

Шу жамоадан Беҳзод хислатли домла Муҳаммад Ниёз ўз замонасининг ягонаси эди. Туркистондан то Румгача бу ҳунарманд наққошнинг овозаси кетган эди. У устозга яна бир қанча моҳир ҳалкор наққош ҳунармандларни қўшиб, варақларга зеб-зийнат бериш учун тайинланди.

Ҳарамхона хизматкорларидан Олима отин хизмат йўлида жонини ҳам аямас эди, Хонимдан қандай топшириқ бўлса, бекаму кўст ўз жойига етказар эди. Олима отин бу даргоҳнинг қадимий ходимларидан бўлгани учун ташқаридаги давлат ходимлари ва келди-кетди ишларни Хонимга маълум қилиб турар эди. Қуръон ёзиш шу йўлда шўҳрат қозонган Мулла Кўчакка топширилди. Самарқандлик мулла Ҳожини Муҳаммад котиб мадрасада ўқувчи талабалардан бўлиб, фазилат, камолат ва ҳуснихатда ўз асрининг Миралиси ва даврининг Маҳмуди эди. Уни тилла қалам, кумуш қаламдон билан заррин қаламлик мансабига кўтариб, девоилар ёзиш топширилди. Бу жамоани ҳар ҳафта зарбофт либослар, тилла танга эҳсонлар билан сарофроз қилиниб, ҳар кун бир шаҳарга етқулик вазифа берилар эди.

Карам денгизи, инъом, эҳсон соҳиби бу тоифага кўп ҳомийлик қилар эди. Булар девоиларга шундай зийнат бердиларки, варақ ўрталарига мовий ранг бериб, хатлар эса ҳал билан ёзилиб, нуқталар юлдуздай кўзга ташланар, чўзиб ёзилган хатлар учган юлдуз каби кўзни қамаштирар эди. **Назм (мазмун):**

У моҳир устозлар шундай саҳифалар тартиб бердиларки,
Рақамларидан соҳиб дилларнинг кўзлари равшан бўлди.
Тилла пардоз нуқталар шуъласидан ер юзида юлдузларга тўлган осмон яратилди.

Бу қамиш қаламлар у сафҳанинг таърифидан ожиз,
Бу сафҳа осмонида саодат қуёши ва иқбол юлдузи бир-бири билан ёндашиб туради.

Балки Беҳзоднинг қил қалами ҳам бундай нақш чизолмайди.
Агар мусаффо қоғозни фарангга кўрсатилса ойинаси хижолатдан сув бўлади.

Агар унинг варақларининг таърифи Чин суратхонасига етса, унинг тасвир қушлари кўрмоқ учун қанот қоқиб учиб келар эди.

Эй Хотиф, у варақларининг таърифини қилишдан тўхта.

Чунки ерда юрган чумоли осмон таърифини қилишдан ожиздир»⁸⁹.

⁸⁹ Уша асар, 65—75-варақлар.

ИЛОВАГА ЛУФАТ

- аблақ — ола-була от
ажуба — ажойиб, ҳайрон қсладиган
алола — шовқин-қурси, ҳайқиреқ
ашкол — қийинчилик, қийинлик
билод — шаҳарлар
боз — лочин, яна
жабин — пешана
жозим — жазм қилувчи
дархост — илтимос, талаб
издивож — уйланиш
икроқ — исталмаган ишни мажбуран бажартириш, ҳушук ҳисоблаш
ирсол — айламақ, қилмоқ
курур-курур — юз минг-юз минг
ламъа — ёниш, нур сочиш, барқ уриш
манасе — ифбат, назокат
маснад — амалдор, лавозим
маросил — хабар қилиш
махзан — хазина
маснад — суянчиқ, тахт, гўзаллик даражаси
мунфаил — хижолатли, уялган
мушавваш — кўнгли паришон, ташвишли
нисбоҳ — чароқ, машъал
мунаққаш — нақшланган, безатилган
мубарҳан — аниқ, равшан, очиқ
мураттаб — тартибланган, тизилган
мукаддар — хираланган, гамли
мустадом — донмий, узлуксиз
навраста — ёш
нуқра — кумуш, қуйма
омада — тайёрланган, ҳозирламоқ
побаста — оёғи боғли, гирифтор
собеъа — билдириш, эшиттириш
сарафроз — юксак, улугвор, хурсанд
тавалло — дўст тутмоқ, ёлворин
туғдор — байроқдор
татимма — сўз охири
фавж — халойиқ, аламоқ, йигин
фархунда — бахтли, саодатли, қувончли
чох — чуқур, қудуқ, зиндон
шаъшаа — шуъла, ёруғлик, нур
шойишта — муносиб
қаламрав — бир подшонинг қўл остидаги мамлакат, территория
қумош — мато, тўқима
қобил — қобилиятли
хужастафаржом — оқибати яхши, қобилиятли

АДАБИЁТ

Нодиранинг қўлёзма асарлари

- Нодиранинг ўзбекча девони, ЎзФА ШИ фонди, инв. 4182.
Нодиранинг янги топилган ўзбекча девони (фотокопия), Адабиёт музейи фонди, инв. № 921.
Нодиранинг тожикча девони, ЎзФА ШИ, инв. № 7766.
Нодиранинг тожик тилидаги Макинуна тахаллусли шеърлари киритилган баёзлар, ЎзФА ШИ, инв. № 660, 2090.
Нодиранинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари тўпланган дафтарлар (Маҳжур ва С. Иброҳимов томонидан кўчирилган), Адабиёт музейи фонди, инв. № 296.

Нодиранинг нашр этилган асарлари

- «Уч шоира» (Увайсий, Нодира, Маҳзуна), тузувчи Ўткир Рашид, Ўзадабийнашр, 1958.
«Нодира» (ғазаллар), нашрга тайёрловчи А. Қажумов, Ўзадабийнашр, 1958.
«Нодира». Девон (ўзбек ва форс-тожик тилидаги ғазаллари), нашрга тайёрловчи М. Қодирова, ЎзССР ФА нашриёти, 1963.

Нодира ҳақидаги қўлёзма манбалар

- А т т о р. Тухфатут таворих, СССР ФА Осие мамлакатлари институтининг Ленинград бўлими, инв. 440.
О т а б е к. Мукамал тарихи Фарғона, ЎзФА ШИ, инв. № 5976.
А з и з и й. Тарихи Азизий, ЎзФА ШИ, инв. № 11108.
В о з н Ҳ. Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб, Адабиёт музейи фонди, инв. № 75.
И с ҳ о қ х о н. Тарихи Фарғона, ЎзФА ШИ, инв. № 10117.
И м о м А л и Қ у н д у з и й, Таворихи Манзума (форсча), ЎзФА ШИ, инв. № 597.
М у т р и б. Шоҳномаи девона Мутриб, ЎзФА ШИ, инв. № 5964.
М и р з а О л и м. Ансобус салотин ва таворихи хавоқин, ЎзФА ШИ, инв. № 1314.
Н о д и р. Ҳафт гулшан, ЎзФА ШИ, инв. № 1801.
У б а й д у л л а М у ҳ а м м а д. Хулосагул аҳвол.
У в а й с и й. Воқеоти Муҳаммадалихон, ЎзФА ШИ, инв. № 1837.
П. Қ а ю м о в. Қўқон тарихи ва адабиёти, ЎзФА ШИ, инв. № 5868.

Ҳакимхон тўра. Мунтахабут таворих, форсча, ЎзФА ШИ, инв. № 952, ўзбекчаси, инв. № 594; Фаройиби сипоҳ Ҳуқанд (форсча), ЎзФА ШИ, инв. № 5408.

Литографик асарлар

Имомқули Қурбонали. Таворихи ҳамсаи шарқини, ЎзФА ШИ, инв. 1200, Қозон, 1910.

Ниёзмухаммад Ошур. Тарихи Шаҳрухий, Қозон, 1883.

«Тарихи аҳволи Қозон ва Булгор», ЎзФА ШИ, инв. 931, Қозон.

Нодира ҳаёти ва ижодига оид ёзилган мақолалар

М. Алавия. Нодира, «Ўзбекистон хотин-қизлари», 1957, № 4. ✓

С. Айний. Нодира, «Намунаи адабиёти тоҷик», 1926.

В. Зоҳидов. Ўзбек адабиёти тарихидан. Ўзадабийнашр, 1961.

Х. Зуннун. Шоира Нодирахоним, «Уқитувчилар газетаси», 17 май 1946 йил.

Т. Жалолов. Ўзбек шоирлари. Ўзадабийнашр, 1959.

Лутфулла Олим. Нодира, «Билим ўчоғи», 1923, № 2—3.

Тожи Усмон. Бисту се адиба. Душанба, 1958.

Уткир Рашид. Нодира, «Ерқин ҳаёт», 1940, № 4; Нодира, Увайсий, Маҳзуна (Ватанимизнинг ажойиб кишилари ҳақида суҳбатлар), 1949; Уч машҳур шоира, «Шарқ юлдузи», 1957, № 4.

А. Қайумов. Нодира, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1958, № 1.

М. Қодирова. Нодиранинг янги топилган тоҷикча девони, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1959, № 2; Девони тоҷикини навесташудан Нодира, «Ўзбекистони сурх», 18 март 1959 йил; Нодира биографиясининг баъзи масалаларига доир, «Ўзбекистон маданияти», 17 июль 1959 йил; Нодира ижоди ва ҳаёти, «Шарқ юлдузи», № 11, 1959; Шоира Нодира, «Гулхан», 1960, № 3; Нодиранинг тоҷик тилидаги шеърлари, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 5; Поэтесса Надира, «Звезда Востока», 1962, № 5; Нодиранинг янги ўзбекча девони топилди, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1963, № 4; Свет во мгле, «Комсомолец Ўзбекистана», 25 января 1964 года; Нодира, «Ўзбекистон хотин-қизлари», 1964, № 3; Навоий ва Нодира, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1964, № 5; «Ўзбек адабиёти хрестоматияси», 1945; «Ўзбек поэзияси анталогияси», 1948; «Ўзбек адабиёти», 3-том, 1959.

МУНДАРИЖА

Давр Нодираси	9
Шоиранинг девонлари	28
Муҳаббат ва ҳаёт лирикаси	39
Ғожиали йиллар	75
Ҳамиша барҳаёт	83
Хотима	89
Илова (Нодиранинг биографиясига оид материаллар.)	91
Адабиёт	99

На узбекском языке

Махбуба Кадырова

КАДЫРА

ЖИЗНЬ И ТВОРЧЕСТВО

Издательство «Наука» УзССР

Ташкент • 1965

Муҳаррирлар: Ҳ. Бектемиров, Р. Қўчқортоева
Художник В. Тий
Художественный редактор А. Т. Шепельков
Техмуҳаррир З. П. Горьковая
Корректорлар: Ҳ. Саъдуллаева, А. Холиқов

P12406. Теришга берилди 25/XI -64 й. Босишга рухсат этилди 28 XII-64 й.
- Формат 60×90^{1/16}—3,25 қоғоз л.—6,5 босма л. Ҳисоб нашриёт л. 7,5
Нашриёт № 1282. Тиражи 1000. Баҳоси 54 т.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, 2-Високовольт
кўчаси, 21. Заказ № 1338.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.